**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**«Ҳайвонларнинг юқумли ва инвазион касалликлари» кафедраси**

**Давлатов Равшан Бердиевич**

**“5440100 - Ветеринария” таълим йўналиши**
**4-босқич талабалари учун**

# «ВЕТЕРИНАРИЯ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИҚТИСОДИ» ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНИ

**Самарқанд – 2018**

# М У Н Д А Р И Ж А


| № | **Маъруза мавзуларининг номи** | **Бет** |
|---|---|---|
| 1. | Кириш | **3** |
| 2. | Ўзбекистон Республикасида ветеринария хизмати унга раҳбарлик. Ветеринария қонунчилиги | 5 |
| 3. | Ветеринарияда ҳисоб-китоб ва ҳисобот. Ветеринарияда иш юритиш | 21 |
| 4. | Ветеринария тадбирларини режалаштириш | 31 |
| 5. | Ветеринария тадбирларини ташкил этиш | 36 |
| 6. | Ветеринария тадбирлари иқтисоди | 42 |
| 7. | Ветеринария тадбирларининг молиявий таъминоти | 47 |
| 8. | Ветеринария тадбирларининг моддий таъминоти | 52 |
| 9. | Қишлоқ ва туманларда ветеринария ишини ташкил қилиш | 56 |
| 10. | Шаҳарларда ветеринария ишини ташкил қилиш | 60 |
| 11. | Чорвачилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, чорвачилик ва паррандачилик ҳиссадорлик жамиятларида ветеринария хизматини ташкил этиш | 64 |
| 12. | Хусусий ветеринария хизмати ва зооветсервис пунктлари | 69 |
| 13. | Ветеринария санитраия назорати, унинг моҳияти ва аҳамияти | 81 |
| 14. | Ҳайвонларни сўйганда чорва маҳсулотлари ва хом-ашёларини қайта ишлаганда ва улар билан савдо қилганда ветеринария санитария назоратини ташкил қилиш | 101 |
| 15. | Хорижий давлатларида ветеринария хизмати ва халқаро ветеринария ташкилотлари | 109 |

# К И Р И Ш

Республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг асосий мақсади мавжуд имкониятлар ва интеллектуал салоҳиятни сафарбар этиб, қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда маҳсулотга хом-ашё ишлаб чиқариш суръатини оширишда, ҳайвонларнинг саломатлиги ва Давлатимиз ҳудудининг эпизоотик соғломлигини таъминлашда юқори малакали ва иқтисодий самара берувчи ветеринария хизматини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу долзарб вазифаларни бажариш ва эзгу мақсадларга эришишда "Ветеринария ишини ташкил этиш ва иқтисоди" фанининг ҳам ўз улуши бор, чунки бу фан ветеринариянинг барча касбий илмлари ҳамда фан ва амалиёти ютуқларини умумлаштирган бўлиб, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, барча ҳайвонларнинг соғломлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва юқумсиз касалликларни олдини олиш, даволаш ҳамда қарши курашишда амалий ташкилотчилик хизматини кўрсатади. Айни пайтда халқ хўжалигининг иқтисодиётида, ижтимоий ҳаётда ва мудофаа хизматида муҳим аҳамият касб этади.

"Ветеринария ишини ташкил этиш ва иқтисоди" фани қуйидагиларни ўрганади:

-Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария тўғрисида"ги қонуни;
-ветеринария қонунчилиги ва ҳужжатлари;
-ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши ва бошқариш;
-ветеринарияда ҳисобга олиш ва ҳисобот;
-иш юритиш, ветеринария тадбирларини режалаштириш;
-ташкиллаштириш ва иқтисодиёти;
-молиявий ва моддий таъминот;
-туман, шаҳар ва хўжаликларда ветеринария хизмати;
-ветеринария-санитария назорати;
-хорижий давлатларда ветеринария хизмати ва ўзаро ҳамкорлик масалалари.

Ҳозирги даврда ветеринария хизмати – бу давлат ташкилотлари, қишлоқ хўжалик корхоналари ва жамоат муассасаларининг ҳамкорликдаги тадбирий чоралари бўлиб, чорва моллари, паррандалар ва бошқа ҳайвонларни касалланишдан сақлаш, даволаш, чорва молларининг махсулдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, шу жумладан инсониятни ҳайвон ва одамлар учун умумий бўлган касалликлардан сақлаш каби доир ва масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифаларни ўз зиммасига олади.

Ветеринария хизмати – давлатимиз қишлоқ хўжалик мажмуининг асосий соҳаларидан бири бўлиб халқ хўжалигининг қўйидаги тармоқлари билан хам узвий боғланган:

1) Чорвачилик (шу жумладан: паррандачилик, балиқчилик, мўйначилик, асаларичилик ва ҳоказо);

2) Чорвачилик маҳсулоти ва хом ашёларини қайта ишловчи саноат корхоналари (гўшт ва сут комбинатлари, консервалар ишлаб чиқарадиган корхоналар, маҳсулот музлаткичлари, тери ва жунни қайта ишлаш заводлари, утильзаводлар);

3) Транспорт (темир йул, автомобил, сув ва ҳаво) – чорва моллари ва уларнинг маҳсулотларини ташийдиган;

4) Савдо-чорва моллари ва уларнинг маҳсулотларини сотиш тармоқлари, бундан ташқари ветеринария тадбирий чоралари – озиқ-овқат, бозорлар ва бошқа саноат тармоқларида, чорва моллари ва уларнинг маҳсулотларини импорт ва экспорт қилишда.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ, УНГА РАҲБАРЛИК. ВЕТЕРИНАРИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ

**Режа:**

1. Кириш. Ветеринария хизматининг моҳияти ва аҳамияти. “Ветеринария ишини ташкил этиш ва иқтисоди” фанининг асослари.
2. Ветеринария хизматининг хусусияти ва вазифалари.
3. Ветеринария қонунчилиги. Ўзбекистон Республикаси “Ветеринария тўғрисида”ги қонун.
4. Қонунбузарлик ва жазо турлари.
5. Ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши ва унга раҳбарлик. (4,5-модда).

**Таянч иборалари:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Бош бошқарма, бошқарма, бўлим, ветеринария станцияси, Давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизмати, ветеринария иши, хизмати, ветеринариянинг хусусиятлари, аҳамияти, ветеринария қонунчилиги “Ветеринария тўғрисида”ги қонун, бўлим, модда мувофиқлаштириш (регламентация), низом, йўриқнома, қўлланма, тавсиянома, қоида, ҳуқуқ, бурч, вазифа, ваколат, қонун бузарлик, маъмурий-интизомий, моддий, жиноий жазолар.

***Ветеринария хизмати қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:***

1. Халқ фаровонлиги ва давлат равнақига хизмат қилади.
2. Мамлакатимизда Давлат ветринарияси етакчилик қилади.
3. Ветеринария хизмати ягона ва якдил (хамжиҳат).
4. Ветеринария хизматини бош йўналиши - профилактика.
5. Ветеринария фани ва амалиёти муштаракдир.
6. Ветеринария тадбирлари қатъий режали амалга оширилади.
7. Ветеринария ишида барча хўжалик ходимлари ва ҳукумат органлари кенг фаолият кўрсатади.

***Ветеринария хизматининг вазифалари:***

1. Чорвачиликда юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш ва йўқотиш.
2. Чорва молларининг бош сонини ва маҳсулотини кўпайтириш.
3. Ветеринария-санитар жиҳатдан соғлом ва сифатли маҳсулот ҳамда хом ашё ишлаб чиқаришни таъминлаш.
4. Аҳолини антропозоонозлардан ҳимоялаш.
5. Республикамиз ҳудудига хориждан юқумли касалликлар кириб келишини бартараф этиш.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ

## 1. Умумий қоидалар.

***1-модда. Ветеринария.***

Ветеринария - ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария санитария муаммоларини ҳал этишга доир давлат, жамоат, хўжалик ва махсус ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатдир.

***2-модда. Ветеринариянинг вазифалари.***

Қуйидагилар ветеринариянинг асосий вазифалари ҳисобланади: Ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асаларилар, ҳайвонот боғларидаги ва бошқа шу кабилардаги жониворларни касалликлардан ҳимоя қилиш;

Аҳолини одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини бошқа давлатлар ҳудудидан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш;

Ягона давлат ветеринария назоратини амалга ошириш;

Атроф муҳитни ҳимоя қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш;

Ветеринария ходимлари тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш;

Фан ва техника ютуқларини ветеринария амалиётига тадбиқ этиш.

***3-модда. Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.***

Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонунда ҳамда унга мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасида ветеринария иши Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

***4-модда. Ветеринария тузилиши.***

Ўзбекистон Республикасида Давлат ветеринарияси, идоравий ва хусусий ветеринариялар амал қилади.

Давлат ветеринария хизматини Ўзбекистон Републикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазмрлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вилоят ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари, туманлар, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг давлат ветеринария бўлимлари, уларнинг қорамоғидаги ҳайвонлар касалликларига қарши кураш станциялари (туман ветеринария станциялари), диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лабораториялари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш отрядлари, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси

лабораториялари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа ташкилот ва муассасалари амалга оширадилар.

Жойлардаги давлат ва идоравий ветеринария бўлинмаларининг тузилиши ва микдори чорвачиликнинг ривожланиш хусусиятларини, қушхона ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг жойлаштирилиши ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ҳамда бош давлат ветеринария нозирлари билан келишилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади.

Давлат ва идоравий ветеринария хизмати муассасалари қошида қонунларга мувофиқ шартнома асосида ветеринария хизмати кўрсатадиган қўшма корхоналар, кооперативлар ва бошқа хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар тузилиши мумкин.

***5-модда. Ветеринария хизматини бошқариш.***

Ўзбекистон Республикаси ветеринария хизматига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси амалга оширади. Давлат ветеринария бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Давлат ветеринария бош бошқармаси халқаро ветеринария ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қабул қилади.

Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ветеринария хизматига раҳбарликни тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари амалга оширадилар. Вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармаларига тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Туман ва шаҳарларда ветеринария хизматига раҳбарликни туман ва шаҳар давлат ветеринария бўлимлари амалга оширадилар. Туман ва шаҳарлардаги ветеринария бўлимларига тегишли туман ва шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда вилоят давлат ветеринария бошқармалари тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Давлат чегарасида ва транспортда ветеринария хизматига раҳбарликни давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси амалга оширади. Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги ветеринария хизматини бошқариш давлат идоралари ваколатлари доирасида тегишли ҳокимларга ва юқори идораларга бўйсунадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тўғрисида низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги томонидан тасдиқланади.

## II. ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ

***6-модда. Давлат ветеринария хизматининг вазифалари.***

Давлат ветеринария хизмати идоралари ўз ваколатлари доирасида идоравий мансублиги ҳамда мулк шаклидан қатъий назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иши устидан, шунингдек айрим шахсларнинг фаолияти устидан ветеринария-санитария назоратини амалга оширадилар.

Давлат ветеринария хизмати:

Эпизоотик вазиятни баҳолайди ва ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳайвонларнинг юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни йўқотиш тадбирларини амалга ошириш юзасидан бажарилиши мажбурий кўрсатмалар беради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан қўриқлаш, моллар, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашё, ем-хашак, озуқабоп қўшимчалар ва чорвачиликда қўлланиладиган бошқа воситаларни тайёрлаш, ташиш, хориждан келтириш устидан назоратни амалга оширади;

Касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонларнинг нобут бўлишининг сабабларини таҳлил қилади, бундай ҳолларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади, ҳайвонларни даволаш ишини ташкил этади;

Ҳайвонларнинг касалликларини аниқлаш, шунингдек ем-хашак ва ичимлик мақсадида лаборатория-клиник ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказади;

Ҳайвонларнинг юқумли, инвазион касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини амалга оширади;

Соғликни сақлаш органлари ва бошқа хизматлари билан биргаликда одамлар ва ҳайвонлар учун хавфли бўлган юқумли касалликлар манбаига барҳам беради, шунингдек ўзаро ахборотлар айирбошлайди;

Ветеринария-санитария жиҳатдан юқори сифатли чорва маҳсулотлари ва хом ашёси ишлаб чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Барча чорвачилик объектлари, қушхоналар, гўшт-сут ва бошқа маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, бозорлар ва хом ашё омборларининг ветеринария-санитария ҳолатини назорат қилади, бу объектларнинг қурилиши ва қайта қурилишини, шунингдек ер қазиш ишларини ветеринария экспертизасидан ўтказади;

Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларидан юқумли касалликлар ёйилиб кетишининг олди олиниши ва бартараф этилишини таъминлаш тадбирлари ўтказилишини, шунингдек ҳайвонларнинг эпизоотик ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этишни талаб қилади;

Юқумли касалликлар аниқланганда ёки ҳайвонларнинг ўта хавфли касаллиги мавжудлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлганида юридик ва жисмоний шахсларга молларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш, чорвачилик маҳсулотларини ва ҳайвонотга мансуб хом ашёни зарарсизлантириш, уларни ишловдан ўтказиш ёки улардан фойдаланишга доир бажарилиши мажбурий талабларни белгилаб қўяди;

Давлат идоравий ва хусусий ветеринария мутахассисларининг фаолиятини назорат этади ва мувофиқлаштиради;

Ветеринаия соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштиради.

***7-модда. Давлат ветеринария инспекторлари.***

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринаия Бош бошқармасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори ҳисобланади, унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринаия бошқармалари – вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳри Бош давлат ветеринаия инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармасининг давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи, давлат чегараси ва транспортдаги Бош давлат ветеринария инспектори ҳисобланади, унинг ўринбосарлари эса давлат чегараси ва транспортдаги Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Шаҳарлар ва туманлар давлат ветеринария хизматларининг бошлиқлари тегишли шаҳар ва туманнинг давлат ветеринария инспектори ҳисобланади.

Чегара ва транспортдаги ветеринария пунктларининг (участкаларининг) бошлиқлари тегишли чегара участка ва транспортдаги давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик Вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг ветеринария мутахассислари ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори, вилоятлар, Тошкент шаҳри, давлат чегараси ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари ва давлат ветеринария инспекторлари ва ваколатлари доирасида ушбу Қонунга мувофиқ ягона давлат ветеринария назоратини амалга оширадилар.

***8-модда. Давлат ветеринария инспекторларининг ваколатлари.***

Бош далат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда давлат ветеринария инспекторлари ўз ваколатлари доирасида.

Вазирликлар, идоралар, жамоа хўжаликлар, давлат хўжаликлари бошқа корхонлар, ташкилотлар ва муассасаларга, шунингдек алоҳида шахсларга зарур ветеринария санитария тадбирлари ва эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида бажарилиши мажбурий кўрсатмалар берадилар;

Ўзбекистон Республикаси ветеринария бош бошқармаси белгилайдиган рўйхатдаги ўта хавфли юқумли касалликларга чалинган ҳайвонлар аниқланган такдирда бу ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, шунингдек истеъмолга яроқсиз деб топилган ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни

йўқ қилиб ташлаш, ишловдан ўтказиш ёки ўзга тарзда фойдаланиш тўғрисида барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва алоҳида шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берадилар;

Ветеринария назорати остидаги объектларга кеча-кундузнинг исталган пайтида бемалол, монеъликсиз кирадилар ва ветеринария қонунларининг бузилганлиги ҳолларини бартараф этиш хусусида ҳамма учун мажбурий кўрсатмалар берадилар;

Чорвачилик фермалари, мол ва парранда кушхоналари, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни ишловдан ўтказиш ҳамда сақлаш корхоналари, утилизация заводлари, балиқчилик хўжаликлари, ҳайвонларни сунъий қочириш станциялари ва бошқа чорвачилик объектларининг режасини тузиш, кўриш ва ишга тушириш лойиҳалари, шу жумладан ана шу объектлардаги оқинди сувларни зарарсизлантириш иншоотлари лойиҳалари хусусида хулосалар берадилар;

Юқорида қайд этилган барча турдаги қурилишлар учун ер участкалари ажратиб бериш, моллар учун сув олиш жойларини танлаш, гўшт комбинатлари ва бошқа ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ҳамда хом ашёни ишловдан ўтказиш ва сақлаш корхоналарнинг сув таъминоти лойиҳалари хусусида хулосалар беради;

Ҳолати ветеринаия-санитария жиҳатдан коникарсиз ёки моллар соғлигига, шунингдек маҳсулотлар сифатига зарарли таъсир кўрсатиш хавфи бўлган темир йул вагонлари, кемалар, самолётлар ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлайдилар;

Чорвачилик объектлари, гўшт ва сут саноати корхоналаридан, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни қайта ишлайдиган ҳамда сақлайдиган корхоналарнинг ҳайвонларнинг юқумли касалликлари жиҳатидан нобоплиги ёки ветеринария-санитария ҳолати қониқарсизлиги аниқланганда улардан фойдаланишни таъқиқлайдилар;

Ҳайвонлар гигиенаси нормалари ва ветеринария-санитария қоидаларининг аниқланган бузилишлари бартараф этулгунга қадар чорвачилик ёрмаларида, ҳайвонларга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни ишлодан ўтказиш ҳамда сақлаш корхоналарида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоатлари қурилишини, қайта қурилишни, янги қурилган, тақиқланган ва қайта қурилган объектларнинг фойдаланишга топширилишини тўхтатиб қўядилар;

Ушбу Қонунни, ҳайвонлар карантини қоидаларини, бошқа ветеринария-санитария талабларини бузганлик учун мансабдор ва ўзга шахсларга белгиланган тартибда мувофиқ маъмурий жазо берадилар;

Ҳайвонларнинг эгалари ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар, шунингдек фуқаролар ва ветеринария мутахассислари ушбу Қонун, қонун асосида чиқарилган ҳужжатлар ва ветеринариянинг бошқа талабларини бажаришлари устидан назоратни амалга оширадилар;

Чегара жойларда, кўшни давлатларда юзага келган эпизоотик вазият тўғрисида тегишли ташкилотлар ва идораларни хабардор қиладилар, зарур тавсиялар берадилар;

Ветеринария дори-дармонлар, биологик, кимевий ва бошқа дорилар ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачилик ва ветеринарияда фойдаланишини назорат қиладилар, уларнинг ҳайвонлар соғлиги ва ҳайвонатга мансуб маҳсулотларнинг сифатига таъсирини баҳолайдилар.

***9-модда. Давлат ветеринария хизматини моддий ва молиявий таъминлаш.***

Давлат ветеринария хизмати:

Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, давлатнинг молларини суғурта қилиш маблағларидан ажратмалар, пуллик хизматлар кўрсатганлиги учун ветеринария корхоналари, муассасалари ва ташилотлари оладиган маблағлар ҳисобига таъминланади.

Ушбу Қонун талабларини бузганлик учун ундириладиган маъмурий жарима пуллари вилоят ва Тошкент шаҳрининг эпизоотик фондларига тушади.

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган ҳайвонлар юқумли касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирлари ҳисобидан амалга оширилади.

***10-модда. Идоравий ветеринария хизмати.***

Идоравий ветеринария хизмати вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг тасарруфида бўлади.

Идоравий ветеринария хизматларининг ветеринария мутахассислари ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария идораларининг услубий раҳбарлиги ва назорати остида ҳайвонларга идоравий ветеринария назоратини ва ветеринария хизмати кўрсатишни амалга оширадилар.

***11-модда. Идоравий ветеринария хизмати ветеринария мутахассисларининг ҳуқуқлари.***

Идоравий ветеринария хизматининг ветеринария мутахассислари:

Идорага қарашли ветеринария назорати остидаги объектларга кеча-кундузнинг исталган пайтида бемалол, монеъликсиз кириш ва ветеринария тўғрисидаги қонунларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий кўрсатмалар бериш;

Юридик ва жисмоний шахслардан эпизоотик касалликларнинг олдини олишни ва улар бартараф этилишини таъминлайдиган тадбирлар ўтказишни, шунингдек идорага қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳайвонларнинг эпизоотик ҳолатини аниқлаш учун зарур маълумотларни тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

***12-модда. Идоравий ветеринария хизмати ветеринария мутахассисларининг вазифалари.***

Идоравий ветеринария хизматининг ветеринария мутахассислари, ветеринария тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида идоравий ветеринария назоратини амалга оширишлари;

Хизмат кўрсатилаетган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар, даволаш ва ветеринария-санитария тадбирлари ўтказишлари;

Ҳайвонларда юқумли касалликлар борлиги хусусида шубҳа пайдо бўлганда бу ҳақда давлат ветеринария хизмати идораларига зудлик билан хабар қилиш ва касалликларнинг тарқалиб кетишига йўл қуймаслик учун барча зарур чораларни кўришлари;

Эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар, ветеринария-санитария ва даволаш-профилактика тадбирлари ўтказиш ҳамда ветеринария тўғрисидаги қонунлар бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга таклифлар киритишлари;

Амалга оширилган ишлар ҳақида давлат ветеринария хизмати олдида белгиланган тартибда ҳисобот бериб боришлари шарт.

***13-модда. Идоравий ветеринария хизматини таъминлаш.***

Идоравий ветеринария хизмати тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хўжалик ҳисобидан таъминланади.

***14-модда. Хусусий ветеринария фаолияти.***

Хусусий ветеринария фаолияти билан ветринария врачи бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шуғулланишига ҳақлидирлар.

Ветеринария фельдшерлари ва техниклари ветеринария врачи назорати остида хусусий иш билан шуғулланадилар.

Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланаетган ветеринария мутахассислари белгиланган тартибда берилган тегишли рухсатномалар (лицензиялар) га эга бўлишлари шарт.

***15-модда. Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларининг ҳуқуқлари.***

Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи ветеринария мутахассислари:

Ҳайвонларнинг карантин ёки қонунларда белгиланган чеклашлар қўлланадиган касалликларга чалиниши ҳолларини истисно этганда касалликни аниқлаб ташхис қуйиш ва даволаш билан шуғулланишга;

Ҳайвонларни касалланишдан сақлаш мақсадида эмлаш тадбирлари ўтказишга, шунингдек ҳайвонларнинг эгалларига маслаҳат беришга;

Ҳайвонлар соғлигига доир ветеринария ҳужжатлар беришга;

Моллар ва бошқа ҳайвонларнинг юқумли касалликларга чалиниши хавфи пайдо бўлганида ҳайвонларни, ҳайвонатга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни, шунингдек ем-хашакни объектга четдан олиб кириш ва объектдан четга олиб чиқишни тақиқлаб қуйишга ҳақлидирлар.

***16-модда. Хуусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислар вазифалари.***

Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи ветеринария мутахассислари:

Ҳайвонларда юқумли касалликлар борлиги хусусида шубҳа пайдо бўлганида бу ҳақда маҳаллий давлат ветеринария хизматига зудлик билан хабар қилишлари ва касалликларнинг тарқалиб кетишига йул қўймаслик чоралари кўришлари;

Касалликлар кенг тарқалиб кетганида давлат ветеринария кўрсатмаларига мувофиқ равишда ветеринария тадбирлари амалга оширишлари;

Амалга ошираётган ишлари ҳақида давлат ветеринария хизмати олдида белгиланган тартибда ҳисоб бериб боришлари шарт.

## III. ҲАЙВОН ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ВАЗИФАЛАРИ

***17-модда. Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотлари эгаларининг ҳуқуқлари.***

Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотлари эгалари:

Ветеринария хизмати кўрсатилиши учун давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизматлари билан шартномалар тузиш;

Ветеринария хизматидан ҳайвонларнинг касалликга чалиниш даражаси, эпизоотик вазият ва ҳайвонлар ҳамда чорвачилик маҳсулотларини махсус тадқиқ этиш натижалари ҳақида ахборот олиш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси белгиланган тартибда ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотлари, ем-хашак, ветеринария дори-дармонлар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан хориждан сотиб олиш ва хорижга сотиш;

Маҳаллий ҳокимият органлари, давлат, идоравий ветеринария хизматлари ҳамда хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланаетган мутахассисларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва кўрсатмалари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

***18-модда. Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотлари эгаларининг вазифалари***

Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотларининг эгалари:

Ушбу қонун ва ветеринария тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

Ўз маблағлари ҳисобига ҳайвонлар юқумли касалликларга чалинишининг олдини олишга каратилган ташкилий-хўжалик ва ветеринария тадбирларини амалга оширишлари, бюджетдан молиявий таъминланадиган тадбирлар бундан мустасно;

Касал ҳайвонни даволатишлари, зарур бўлганда ветеринария мутахассисининг кўрсатмасига биноан сўйиш ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлашлари;

Касаллик қўзғатувчи микроблар билан ифлосланган ёхуд зарарланган чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилиши истисно этувчи ҳайвонлар гигиенаси нормаларини бажаришлари ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя этишлари;

Ҳайвон сотиб олинганлиги ва уларнинг тўсатдан ҳаром ўлиши ёки ғайриодатий ҳатти-ҳаракати ҳоллари тўғрисида муайян ҳудудга хизмат кўрсатувчи тегишли ветеринария хизматига зудлик билан хабар қилишлари;

Ветеринария хизматининг ҳайвонларни юқумли касалликлардан муҳофаза этиш юзасидан берган тақдимномаларни бажаришлари ҳамда карантинга доир тегишли тадбирлар ва бошқа ветеринария тадбирлари ўтказилишини таъминлашлари, шунингдек даволаш-прафилактика ишловларини тўлиқ ҳажмда ўтказишлари;

Чорвачилик фермаларини, ҳайвонлар ҳамда чорвачилик маҳсулотларини сақланадиган бинолар ва бошқа иншоотларни, шунингдек яйловлар, сув хавзалари, мол ҳайдаб ўтиладиган йуллар, темир йул бекатлари, кўргазмалар, ярмаркалар, бозорлар, сўйиш пунктлари, майдончалар, гўшт комбинатлари, сепаратор бўлимлари, сут пунктлари ва заводларини лозим бўлган ветеринария-санитария ҳолатида сақлашлари, уларда дезинфекциялаш, дезинсекциялаш ва дератизациялаш ишларини ўз вақтида ўтказишлари, шунингдек ўлган ҳайвонлар жасадини йиғиштириб олишлари ва йўқ қилиб ташлашлари;

Ҳайвонлар ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ва хом ашёси савдо-сотиғини фақат давлат ветеринария хизматининг рухсати билан махсус ажратилган жойларда ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари;

Ветеринария мутахассисларининг талабига биноан ҳайвонларни кўрикдан, диагностик текширувдан, эҳтиёт шарт йўсинида эмлашдан ва даволаш-профилактика ишловларидан ўтказиш учун топширилишини таъминлашлари, ветеринария ходимларига кўрсатилган ветеринария хизматлари эвазига ҳак тўлаган ҳолда ветеринария тадбирларини ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратиб беришлари;

Юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ёки чорва маҳсулотларининг яроқсизлиги ҳайвон эгаларининг айби билан пайдо бўлганлиги суд томонидан исботланган ҳолларда соғломлаштириш тадбирларига кетган харажатларни давлат ветеринария хизматига тўлашлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан тасдиқланмаган биопрепаратлар, дори-дармонлар, озуқабоп қўшимчалар, микроэлементлар, биологик кучайтиргичлар ва гармонларни чорвачиликда қўлламасликлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан белгиланган ветеринария-санитария талабларига ҳамда ҳайвонлар, ҳайвонга мансуб маҳсулотлар ва хом ашё ҳамда ем-хашакни чет элдан сотиб олиш ва чет элга чиқариш талабларига риоя этишлари шарт.

## IV. ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ ТАРҚАЛГАНИДА КАРАНТИН БЕЛГИЛАШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

***19-модда. Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганида карантин ёки чеклашлар.***

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалгани аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) давлат, ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан айрим подалар, отарлар, уюрлар, қўралар, фермалар, хўжаликлар, корхоналар, темир йул бекатлари, аэропортлар, дарё портлари, қишлоқ ва қўрғонларнинг ҳудудлари ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон килинади ҳамда уларда карантин ёки зарур чеклашлар ўрнатилади.

Туманларни, шаҳарларни, вилоятларни, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон қилиш ҳамда уларда карантин ёки бошқа чеклашлар ўрнатиш тегишли бош давлат инспекторларининг тақдимномасига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари билан ёки Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари билан оғриши батомом тўхтаганидан кейин карантин ёки чеклашлар ўрнатилган ҳудудда зарур ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилганда касалликларга қарши кураш қўлланмаларида кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг тегишли бош давлат ветеринария инспекторларининг тақдимномасига биноан карантин ёки чеклашлар ўрнатган туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки ҳокимларининг қарорлари билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг қарори билан карантин ёки чеклашлар бекор килинди.

Тарқалиши оқибатида карантин ёки чеклашлар белгиланадиган ҳайвонларнинг юқумли касалликлари рўхати Ўзбекистон Республикаси. Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

***20-модда. Эпизоотик касалликларга қарши фавқулодда комиссиялар***

Ҳайвонлар ялпи касалланиши ҳамда нобуд бўлишининг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан корхоналар, муассалар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолиятига кундалик раҳбарлик қилиш ҳамда бу борадаги ишни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳар ва туман ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки ҳокимлар томонидан ўзининг тасдиқланган Низомига мувофиқ иш олиб борувчи эпизоотик касалликларга қарши комиссиялар тузилади.

## *V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.*

***21-модда. Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.***

Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўзилишида айбдор бўлган шахслар мувофиқ интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгар бўладилар.

***22-модда. Ветеринария ходимларининг давлат суғуртаси.***

Давлат ветеринария идораларининг ходимлари бюджет ҳисобига давлат томонидан мажбурий суғурта қилишлари лозим.

***23-модда. Халқаро шартномалар.***

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагидан ўзгача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда халқаро қоидалари қўлланади.

*Ўзбекистон Республикасининг*
*Президенти И.КАРИМОВ*
*Тошкент шаҳри, 1993 йил*
*3 сентябр, № 935-XII*

***Ветеринария мутахассисларининг фаолият объектлари.***

Ветеринария мутахассисларининг фаолияти қишлоқ хўжалик ҳайвонлари билан бирга мўйнали, ёввойи ва уй ҳайвонлари, паррандалар, асалари ва балиқлар соғломлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, диагностика, даволаш, профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш орқали юқумли ва юқумсиз касалликларни пайдо бўлишига йул қўймаслик, хўжалик ва ташкилий бошқариш ишлари ҳамда илмий тадқиқот ўтказиш, соғлом ва сифатли маҳсулот ва хом ашё ишлаб чиқариш, одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан аҳолини муҳофаза қилиш, Ўзбекистон ҳудудида хорижий давлатлардан юқумли касалликлар кириб келишини олдини олиш ҳамда атроф муҳитнинг тозалигини сақлаш кабиларга йўналтирилади.

Улар учун касби фаолият объектлари қишлоқ хўжалик, уй ва мўйнали ҳамда ёввойи ҳайвонлар, асалари, балиқлар каби соғлом ва касал ҳолатдаги тирик организмлари мажмуидан иборатдир.

Ветеринария мутахассислари Республика ДВББ, вилоят, шаҳар ва туманларнинг Давлат ветеринария бўлимлари, ҳайвон ва паррандаларни даволаш ва эмлаш ветеринария муассасалари, ветеринария лабораториялари, диагностика марказлари, зооветтаъминот муассасалари, биокомбинатлар ва қайта ишлаш саноат корхоналари ҳамда хусусий ветеринария хизматида ветеринария врачи вазифасида, ички ишлар ва мудофаа вазирлиги ҳамда божхона қўмитаси идораларида белгиланган тартибда фаолият кўрсатади.

Шунингдек, илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда илмий ходим, агроветбизнес, фармсаноат ва кимёсаноати корхоналарида, экология ва қўриқхоналар соҳасида, ҳайвонот боғлари ва зоогциркларда, уюшма ва акциядорлик жамиятлари ҳамда туман, шаҳар ҳокимиятларида ишлайдилар.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Қишлоқ хўжалик вазирининг*
*1995 йил "26" декабр*
*№299-сонли буйруғи билан*

**Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н**
**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик Вазирлиги**
**ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармасининг**
**Н И З О М И**

## I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб юритилади). Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Давлат бюджетидаги мустақил структуравий бўлинмаси бўлиб, бир вақтнинг ўзида Республика Агросаноат мажмуасининг идоралараро органи бўлиб ҳисобланади.

Бош бошқарманинг бевосита бўйсунивида 1-иловада кўрсатилган корхона, муассаса ва ташкилотлар туради.

2. Бош бошқарма таркибига қуйидагилар киради:

Марказий аппарат, Бош бошқармага бевосита бўйсунувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат ветеринария бошқармалари, туманлар, вилоятлар ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар Давлат ветеринария тармоғининг корхона, муассаса ва ташкилотлари.

3. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Қишлоқ хўжалик вазирлигининг буйруқлари ва ушбу низомга амал қилади.

## II. Асосий вазифалари ва функциялари

1. Бош бошқарманинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

Ҳайвонлар касалликларнинг олдини олиш ва йўқотиш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ветеринария ишига раҳбарлик қилиш, ветеринария ишининг тараққиёти ва такомиллашувининг асосий йўналишларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона Давлат ветеринария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

Республика ҳудудини бошқа давлатлардан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари қўзғатувчилари;

Аҳолида шароитларда ва фавкулодда ҳолатларда режалаштирилмаган эпизоотияга қарши ҳамда ветеринария-санитария тадбирлари ўтказиш учун зарур биологик, даволовчи ва дезинфекцияловчи препаратлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий-техника воситаларининг Давлат заҳирасини яратиш ва тақсимлаш;

Бош бошқарма бўйсунивидаги ветеринария корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига раҳбарлик қилиш;

Чорвачиликнинг ветеринария-санитария ҳолатини яхшилаш ва бошқа ветеринария масалаларига доир таклифларни кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Вазирликларга, Давлат қўмиталарига ва идораларига тақдим этиш;

Ветеринарияда илмий тадқиқотларнинг асосий йуналишларини белгилаш ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга ташкил этиш;

Ветеринария соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича ишларни ташкил этиш;

Атроф муҳитни ҳимоя қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш.

2. Бош бошқарма ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳайвонларни касалликларини олдини олиш ва йўқотиш тадбирлари ўтказилиши, ветеринария-санитария жиҳатидан юқори сифатли чорва маҳсулотлари ва хом ашёси ишлаб чиқарилиши устидан назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини бошқа давлатлардан ҳайвонлар юқумли касалликларининг қўзғатувчилари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва ташкил этади;

Ҳайвонларни ўта хавфли касалликлари рўйхатини белгилайди, улар аниқланган ҳолларда барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиш, истеъмол учун яроқсиз деб топилган чорвачилик маҳсулотлари ва ҳайвонотга мансуб хом ашёни йўқ қилиш, уларни ишловдан ўтказиш ёки улардан ўзга йўсинда фойдаланишга доир бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

Пайдо бўлган ҳолларда карантин ёки чекловлар қўйилувчи ҳайвонларнинг юқумли касалликлари рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги органлари ва бошқа вазирликлар, Давлат қўмита ва идоралари билан биргаликда инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликларнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

Давлат ветеринария хизматининг тегишли бўлинмалари орқали ҳайвонларни, шу жумладан паррандалар, балиқлар, асалари ва бошқа ҳайвонларни ташиш, импорт ва экспорт қилиш, чорвачилик маҳсулотлар ва ҳайвонатга мансуб хом ашёни, шунингдек, озиқалар ва бошқа ветеринария хизмати назорати остида бўлган юкларни қайта ишлаб сақлаш, сотиш ва ташилиши устидан Давлат ветеринария назоратини амалга оширади;

Мамлакатимизда ва чет элларда чиқарилган янги ветеринария, фармакалогик ва биологик препаратларни яратиш, такомиллаштириш, синаб кўриш, чорвачилик ва ветеринария амалиётига татбиқ этишга доир ишларни тартибга солиш мақсадида Бош бошқарма қошида белгиланган тартибда ветеринария фармакалогик кенгаши, Давлат идоралараро комиссияси, ветеринария бўйича илмий-техник кенгашни ташкилэтади;

Ветеринария масалаларига доир йўриқномалар, қоидалар ва бошқа меъерий (норматив) ҳужжатларни белгиланган тартибда кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Илмий-тадқиқот масалаларидан, фуқаролардан келиб тушувчи ихтироларни ва рационализаторлик таклиларини, шунингдек ҳайвонларни даволаш, диагностика қилиш ва касалликларнинг олдини олишнинг янги технологик усулларини ва воситаларини кўриб чиқади, синаб кўради ва ветеринария амалиётига татбик этиш учун қабул қилади;

Биологик препаратларга, зарур анжомларга, асбоб-ускуналарга, даволовчи, дезинфекция килувчи ва бошқа ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя килувчи воситаларга бўлган талабни ва уларнинг турларини (ассортиментини) аниқлайди, мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чикилган янги ветеринария препаратларни

руйхатга олиш ва қайта руйхатга олишни амалга оширади, шунингдек, ветеринария препаратларини чет давлатлардан олиб келишга (импорт) ва олиб кетишга (экспорт) рухсат беради;

Чорвачиликка зарур бўлган ветеринария товарларини чет давлатлардан зооветтаъминот ва бошқа ташкилотлар орқали ёки ўзи тўғридан-тўғри олиб келишни ташкил этади, чет эл фирмалари билан ўрнатилган тартибда ветеринария препаратлари ишлаб чиқувчи қўшма корхоналар ташкил этади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ветеринария бошқармаларининг эпизоотияга қарши тадбирлар режасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Зарур ҳолларда эпизоотияни тугатиш бўйича экспедициялар ташкил этади, биологик ва даволовчи препаратлар, дезинфекцияловчи воситалар, бошқа моддий-техника ресурсларининг заҳирасини яратади;

Ветеринария тадбирларининг молиявий таъминотига доир ҳисоб-китобларни амалга оширади ва Молия вазирлигига тегишли таклифлар киритади;

Бош бошқармага бўйсунувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни молиявий таъминлайди, моддий-техника ресурслари фондларини тақсимлайди, уларнинг Устав ва низомларини, ишлаб чиқариш молиявий режалари ва йиллик ҳисоботларни тасдиқлайди;

Қуйидаги идоравий корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларнинг тўғри юритилиши ва ишончлиги, эпизоотияга қарши тадбирларга ажратилуви Республика ва маҳаллий эпизоотик фондлари ва моддий техника ресурсларининг мақсадли ойдаланиши устидан назоратни амалга оширади;

Зарур ҳолларда янги ихтисослаштирилган бўлинмаларни ташкил этишга доир таклифларни қишлоқ хўжалик Вазирлигига киритади. Бош бошқарма ҳузуридаги мавжуд ташкилот ва муассасаларни белгиланган тартибда қайта ташкилэтади;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари, Давлат қўмита ва идоралари билан биргаликда ветеринарияга хос, технологик асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш буюртмаларини жойлаштириш ва уларни импорт бўйича сотиб олиш режаларини ва экспорт бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, янги машина, технологик асбоб-ускуналар ва махсус транспортлар яратилишида техник-иқтисодий ва ветеринария-санитария талабномаларини беришда иштирок этади;

## IV. Бош бошқармага раҳбарлик қилиш

1. Бош бошқармага бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг Бош Давлат ветеринария инспектори бўлиб ҳисобланувчи бошлиқ раҳбарлик қилади. Бош бошқарманинг бошлиқ ўз лавозимига Қишлоқ хўжалик вазирининг буйруғи билан тайинланади ва озод қилинади, ундан кейин Вазирлик Ҳайъатида тасдиқланади.

Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

2. Бош бошқарма бошлиқ ўз ваколати доирасида:

Бош бошқарма иш фаолиятига раҳбарлик қилади ва унга юклатилган вазифа ва функцияларни тегишли бажарилиши учун жавобгар бўлиб уни ишини ташкил этади, ўз ўринбосарлари ўртасида лавозим вазифаларини тақсимлайди ва Бош бошқарма ходимларининг лавозим вазифаларини тасдиқлайди;

Зарур ҳолларда Вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари билан биргаликда буйруқ ва Фармойишлар чиқаради;

Қишлоқ хўжалик Вазирлиги раҳбарияти топшириқларини белгиланган муддатда сифатли бажарилишини таъминлайди, шунингдек, Қишлоқ хўжалик вазирлигининг бошқа бўлинмалари томонидан Бош бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлашда иштирок этади;

*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармаси Низомига 1-илова*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги
ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармасига
бевосита бўйсинувчи Давлат ветеринария хизмати
ташкилотлари ва корхоналарининг
Р Ў Й Х А Т И

1. Республика ветеринария лабораторияси.
2. Ҳайвонларга ўта хавфли юқумли касалликлари бўйича зонал махсус лабораторияси.
3. Ўзбекистон Давлат ветеринария препаратлари илмий-назорат лабораторияси.
4. Эпизоотик отрядлари бўлган ҳайвонлар юқумли касалликларига қарши курашиш Республика экспедицияси.
5. Давлат чегараси ва транспортда Давлат ветеринария назорати бошқармаси.
6. Ҳайвонлар оқсилига қарши курашиш бўйича Республика отряди.
7. Ўзбекистон биологик комбинати.
8. Термиз чегара ветеринария-назорат пункти.

*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармаси Низомига 2-илова*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан
келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган
Давлат ветеринария хизмати ташкилот ва муассасаларининг
Р Ў Й Х А Т И

1. Республика ветеринария лабораторияси.
2. Ҳайвонларга ўта хавфли юқумли касалликлари бўйича зонал махсус лабораторияси.
3. Ўзбекистон Давлат ветеринария препаратлари илмий-назорат лабораторияси.
4. Эпизоотик отрядлари бўлган ҳайвонлар юқумли касалликларига қарши курашиш Республика экспедиияси.
5. Ҳайвонлар оқсилига қарши курашиш бўйича Республика отряди.
6. Ўзбекистон ветеринария-санитария ва акралогия илмий-тадқиқот институти.
7. Ўзбекистон биологик комбинати.
8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат ветеринария бошқармалари.

## ВЕТЕРИНАРИЯДА ҲИСОБ-КИТОБ ВА ҲИСОБОТ. ВЕТЕРИНАРИЯДА ИШ ЮРИТИШ

**Режа:**

1. Ветеринарияда ҳисобга олиш журналлари ва биринчи ҳужжатлар.
2. Ветеринарияда ҳисоботлар.
3. Ветеринарияда иш юритиш.

**Таянч иборалар:** Бирламчи ҳужжатлар, ҳисобга олиш журналлари, журнал қатор ва устунлари, ҳисоботлар, Марказий статистика бошқармаси, ҳисобот шакллари, унинг қисмлари, жадвал, тушунтириш қисми, ветеринария журналлари, бирламчи ҳужжатларни жўнатиш, қабул қилиш, номенклатура, рўйхат, баённома, маълумотнома, қайд этиш, расмийлаштириш, варақа-бланкалар.

**Ветеринарияда ҳисобга олиш** – иш жараёнида ветеринария мутахассислари томонидан бажариладиган барча турдаги ишларни қайд қилинишига ёки ҳужжат тўлдиришига айтилади. Бу ветеринария статистикасининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун хам махсус-ягона, яъни барча ветеринария мутахассислари учун бир хил бўлган ҳисобга олиш (қайд қилиш) китоблари мавжуддир. Бу ҳужжатларни фақат ветеринария мутахассислари тўлдириб, унинг тўғри тўлдирилишига ҳамда сақланишига жавоб берадилар. Бу ҳужжатлар камида 3 йил архивда сақланишлари шарт. Бу ҳужжатларга асосан ойлик, квартал, ярим йиллик ва 1 йиллик ветеринария ҳисоботлари тўлдирилади. Бундан ташқари мазкур ҳужжатларга асосан дори-дармонларнинг ва бошқа ветеринария товарларининг қандай сарфланганлиги аниқланади, ҳамда улар ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳужжатларга асосан ёш ветеринария мутахассислари хўжаликда ёки туманда қайси юқумли ҳамда юқумсиз касалликларининг тарқалганлигини ўрганади. Эпизоотик ҳолат тўғрисида маълумот олади ва келажакдаги ўз ишини режалаштиради.

Барча ветеринария тадбирларга далолатномалар тўлдириб, чиқимлар, гувоҳлар иштирокида имзоланади ва ушбу ҳужжатнинг 1 нусхаси ветеринария муассасасида, 1 нусхаси ветеринария врачнинг ўзида сақланиши лозим. Барча ветеринария ташкилот ва муассасаларда амалга ошириладиган даволаш, эмлаш учун дори ва анжомлар сарфи тегишли бирламчи ҳужжатларда қайд этилади.

***Ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аҳамияти:*** бирламчи маълумотлар тўплами, далолатнома асосида чиқим, ҳисобот тайёрлаш, эпизоотик ҳолатни таҳлил қилиш. Ҳисоб-китоб ҳужжатларидан энг асосийси ва кўп қўлланиладигани 1-ветеринария шаклидаги (1-вет) журналдир (касал молларни қайд этиш журнали).

2-ветеринария шакли (2-вет) эпизоотияга қарши ўтказилган тадбирларни қайд қилиш журнали. Бу иккала журнал барча хўжаликларда, ветеринария пункти, ветеринария участкаларда, туман ветеринария станцияси ва ветеринария шифохоналарида юритилади.

3-ветеринария журнали (3-вет) туман ва шаҳар эпизоотик ҳолатини қайд этиш журнали.

**Ветеринария ҳисоботи**. Ветеринария ҳисоботи статистик ва бошқарма томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида бажарилиб, давлатимиздаги ветеринария – эпизоотик ҳолатни акс эттиради. Барча ҳисоботлар бирламчи ҳисобга олиш (қайд қилиш ҳужжатлари) асосида тузилади. Ветеринарияда 14 хил ҳисобот шакллари мавжуд бўлиб, улар хўжалик, туман, шаҳар, вилоят ветеринария раҳбарияти томонидан бажарилади ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Республика Давлат Бош ветеринария бошқармасига тақдим этилади. Улар эса ойлик, чораклик, ярим йиллик, 9 ойлик ва 1 йиллик бўлади. Ҳар ойда бериб туриладиган ҳисобот шакли - бу №1 -ветеринария, №1А.- ветеринария ҳисоботи ва №2-ветеринария ҳисоботи – юқумсиз касалликлар ҳақида ҳисобот – ярим ўта юқумли касалликларга қарши курашиш учун махсус ветеринария эпизоотик отрядлари мавжуд бўлиб, барча сарф харажатлар Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Ветеринария ҳисоботи ва статистика ҳайвонларнинг касалланиши, касаллик оқибатида нобуд бўлиши ва ветеринарияга оид бошқа масалалар бўйича маълумотларни акс эттиришдан иборат. Барча қайд қилиш журналларидаги дастлабки маълумотлар асосида тузилиб, Давлат ветеринария хизматининг ташкилот ва муассасалари, идоравий ва хусусий ветеринария хизмати мутахассисларининг иш фаолияти натижалари батафсил ёритилади.

Ветеринария амалиётида ветеринария қонунчилигида тасдиқланган 13 та ҳисобот шакли мавжуд.

Чорва моллари орасида ўта хавфли юқумли касалликлар аниқланган ҳолларда эса тегишли Давлат ветеринария ташкилотларига юқумли касаллик чиққанлиги ҳамда шошилинч (оператив) хабар берилади. Бу гуруҳ касалликларига қуйидагилар киради: куйдирги, оқсил, ўлат, бруцеллез, туберкулез, чечак, қорасон ва бошқалар.

Барча турдаги ҳисоботлар одатда қуйидаги 3 та асосий қисмдан иборат бўлади: сарлавҳаси, мазмуни (жадвал маълумоти) ва расмийлаштириш қисмлари.

а) Сарлавҳаси - код белгилари, ҳисоботни тузувчи ташкилот, Вазирлик, Республика, вилоят, туман, индекс, манзил ҳамда ҳисоботни қабул килувчининг маълумотлари кўрсатилади;

б) Мазмуни – бу қисмида берилган катор ва устунлар бўйича жадвал ҳолида ҳисобот кўрсаткичлари берилади;

в) Расмийлаштириш – қисмида ҳисобот тузувчининг исми, насаби, лавозими, имзоси, сана ва бошқалар кўрсатилади.

Ҳисобот ёзишда фойдаланиладиган барча шаклдаги ҳисобот варақалари (бланкалари) босмахона усулида кўпайтирилади. Ҳисобот Давлат ветеринария ташкилоти ва муассасаларида унинг раҳбарлари чорва хўжалиги, чорвачилик ва паррандачилик ҳиссадорлик жамиятлари бош ёки катта ветеринария врачлар томонидан тузилади. Ҳисоботлар 2 нусхада тузилиб, 1 нусхаси юқори ташкилотларга топширилса, 1 нусхаси ўз идорасида сақланилади.

# ВЕТЕРИНАРИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА ҲИСОБОТИ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА.

## I. Умумий қоидалар.

1.1 Ветеринария ишида ҳисоб-китоб ва ҳисобот ҳайвонларнинг (парранда, мўйнабоп ҳайвонлар, балиқ, асалари ва бошқалар билан биргаликда) касалланиши ва ўлими, Давлат ветеринария муассасалари, хўжаликлари ва комплексдаги ветеринария мутахассислари ҳамда транспорт ва Давлат чегараларидаги ветеринария ходимлари томонидан амалга ошириладиган диагностик текширув касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ҳамда ветеринария-санитария тадбирларни бирламчи қайд этувчи ва жамловчи маълумотлар мажмуидан иборатдир.

1.2 Ветеринария ҳисоб-китоби ва ҳисоботи ҳужжатларига тўғри, тўлиқ, аниқ ва ишончли даллилар киритилиши учун ветеринария муассасалари хўжаликлар, ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари ва масъул шахслари жавобгар ҳисобланиб тегишли шаклдаги ҳисоб-китоб ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш уларнинг бурчидир.

## ВЕТЕРИНАРИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ

1. Ветеринария ҳисоб-китоби ягона системада Давлат томонидан ташкил қилиб барча ветеринария муассаса ва ташкилотлари учун мажбурийдир. (Ветеринария ҳисоботи қўлланмаси. Ветеринария қонун т.2.631-673 25 июн 1971 йил).

Бошланғич ветеринария ҳисоб-китоби ўз ичига қуйидагиларни ҳисобга олишни кўзда тутади:

1. Юқумли ва юқумсиз касаллилар.
2. Моллар ўлими, паррандалар чиқими.
3. Диагностик текширишлар.
4. Касалликларнинг олдини олишда ўтказиладиган профилактик ва даволаш тадбирлари.
5. Ветеринария-санитария тадбирлари.
6.Биопрепаратлар, дезинфекция воситалари, дорилари ва бошқа ветеринария анжомлари ҳамда мулкларининг кирим-чиқими.
7.Чорва маҳсулотлари ва хом ашёсининг В.С.Э.си.
8.Ветеринария лабораторияларида текширишлар.
9.Транспортда моллар, чорва маҳсулотлари ва хом ашёсини ташиганда, экспорт, импорт килганда ветеринария-санитария назорати.

Ветеринария ҳисоб-китоби ҳужжатлари муассаса ва хўжалик йуналишига қараб юритилади.

Ҳаммаси 36 журнал.

***1. Даволаш ветеринария муассасалари, хўжалик, фермаларда 3 та журнал юритилади.***

1-вет.- Касал ҳайвонларни қайд қилиш журнали.

2-вет.- Эпизоотияларга қарши тадбирларни қайд қилиш журнали.

3-вет.- Туман, шаҳар эпизоотик аҳволини қайд қилиш журнали.

***2. Паррандачилик хўжаликлари ва паррандачилик фабрикаларида 7 та журнал юритилади.***

4-вет.- Паррандаларни диагностик текширишлар.

5-вет.- Паррандаларни ўлигини ёриб текшириш натижалари.

6-вет.- Паррандачилик хўжаликлари эпизоотик аҳволи.

7-вет.- Паррандаларни профилактик ва мажбурий эмлашлар.

8-вет.- Паррандаларни даволаш ишлари.

9-вет.- Сўйиш цехида парранда гўштининг вет.сан.экспертизаси.

10-вет.- Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳисоби.

***3. Балиқчилик хўжаликларида 1 та журнал юритилади.***

11-вет.- Балиқларни текшириш, сув ҳавзаларида профилактик ва соғломлаштириш ишлари ҳисоби.

***4. Ветринария лабораторияларида 11 та журнал юритилади.***

12-вет.- Бактериологик текширишлар.

13-вет.- Вирусологик текширишлар.

14-вет.- Қонни серологик текширишлар.

15-вет.- Қонни текшириш.

16-вет.- Гистологик текширишлар.

17-вет.- Тери ва мўйна хом ашёсини куйдиргига текшириш.

18-вет.- Паразитар касалликларга лаборатория текширишлар.

19-вет.- Ем-хашак ва бошқа материалларни токсикологик ва микробиологик текширишлар.

20-вет.- Химико-токсикологик текширишлар.

21-вет.- Биохимик ва лаборатория клиник текширишлар.

22-вет.- Балиқчилик сув ҳавзаларини гидрохимик, токсикологик текширишлар.

***5. Бозорлардаги вет.сан.экспертиза лабораторияда 4 та журнал юритилади.***

23-вет.- Гўшт, балиқ, қисқичбақа, тухум, В.С.Э.

24-вет.- Сут ва сут маҳсулотлари В.С.Э.

25-вет.- Ўсимлик озуқа маҳсулотлари В.С.Э.

26-вет.- Асалнинг вет.сан.экспертизаси.

***6.Транспортда Давлат ветеринария-санитария назорати бўйича 3 та журнал юритилади.***

27-вет.- Транспорт вет.сан.участкаларида молларни кўрикдан ўтказиш журнали.

28-вет.- Транспорт вет.сан.участкаларида чорва хом ашёсини текшириш журнали.

29-вет.- Вагонлари дезинфекцион ювиш станияларида санитария ишлари журнали.

***7. Чегара ветеринария-санитария назорати пунктларида 1 та журнал юритилади.***

30-вет.- Экспорт, импорт, транзит чорва маҳсулотларини, ем-хашакни текшириш журнали.

***8. Гўшт комбинатларида – ВИЧНБ (ОПВК) 5 -та журнал юритилади.***

32-вет.- Касаллик аниқланган ва ажратилган тери ҳамда мўйна маҳсулотларини текшириш ва тери омбори ёки заводида ветеринар ишлаш журнали.

33-вет.- Сўйиладиган молларни кўрикдан ўтказиш, гўшт ва гўшт маҳсулотларини сўйиш бўлимида ҳамда сўйиш пунктида вет.сан.экспертиза журнали.

34-вет.- Гўшт комбинатлари мол базасида ҳайвонларнинг кўриги журнали.

35-вет.- Колбаса кулинар, дудланган маҳсулотлар, ярим фабрикатларни, гўшт-суяк бактериал текширишлар журнали.

36-вет.- Консерваларни стерилизация қилинганидан кейин бактериологик текшириш натижалари.

*1-илова*

**Касал молларни қайд қилиш журнали.**

_________________________________________________ ветеринария шифохонаси

(хўжалик, туман, шаҳар)

Бошланди: "___"_____200__йил.

Тамомланди "___"_____200__йил.

| Тартиб рақам | | | Хўжалик (ферма) мол эгаси насаби исми | Молнинг тури жинси, лақаби, ёши | Касаллан-ган вақти | Касаллик диагнози | | Касаллик нинг клиник белгилар и даволаш тавсиялар | Касал-лик оқиба-ти, сана | Даволо вчи врач насаби, имзо |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Бирин чи марта | Иккин-чи марта | Сана | | | | дастлабки | якуний | | | |

А. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари.

3. Паррандачилик хўжаликларида юритиладиган ҳисоб-китоб журналлари.

3.1 Паррандаларни диагностик текширишни ҳисобга олиш журнали (шакл 4-вет).

3.1.1 Журналда паррандалари режали ва мажбурий серологик, аллергик ҳамда бошқа текширувлардан ўтказилиши (барчасини ёки танлаб) қайд этилади.

3.1.2 Журналнинг шакли 2-иловада кўрсатилган.

*2-илова*

| № | Товукхона | Бош сони | Парранда ёки тухум кўйиш, % | Текширувлар сони ва санаси | Текширувнинг номи ва усули | Жами текшир.бош | Ижобий натижа бош | Препаратнинг серияси чиқарилган жойи ва яроқлилик | Жами сарфланган препар.пахта ва бошқалар | Махсус белгилар | Текширувни бажарувчи масъул шахснинг имзоси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |

3.2 Паррандачиликда паррандаларни паталогоанатомик ёриб кўриш натижаларини қайд этиш журнали (шакл № 5-вет.)

3.2.1 Ҳисобга олиш маҳаллий шароитни инобатга олган ҳолда хар бир товукхона учун алоҳида юритилади. Ёзувлар парранда жасадини ёриш жараёнида ҳар куни бажарилади.

3.7.1 Журналнинг шакли 3-иловада кўрсатилган.

*3-илова*

| № | Объектлар | Ишни бажарилиш санаси | | | Фойда-ланил-ган дез. восита-нинг номи | Дезин-фекция дезин-секция ва дера-тиза-циянинг усули режаси | Бажа-рилган иш-нинг ҳажми | Жами сарф-ланган дез-восита инсекцдерат восит микд. | Ишни бажа-рили-шида-ги масъ-ул шахс имзо | Мах-сус белги-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жорий (профилактик) | | Маж-бу-рий | | | | | | |
| | | Режа-лаш-тир | Бажа-рил-ган | | | | | | | |

**5. Ветеринария лабораторияларининг ишини ҳисобга олиш журнали**

5.1 Бактериологик текширувлар журнали (шакл №12-вет).

5.1.1 Журнал 100-тадан тикилиб муқоваланган экспертиза карточкаларининг шаклидаги китобда юритилади.

5.1.2 Журналнинг шакли 4-иловада кўрсатилган.

5.1.3 Экспертиза карточкасининг биринчи қисми паталогик материал лабораторияга келтирилган пайтдаёқ тўлдирилади. Унинг натижалари эса текширув амалга оширилгач қайд этилади.

5.1.4 Текширув натижалари қисмида ушбу экспертиза бўйича амалга оширилган барча текширувларнинг хулосалари ёзилади. Бруцеллез, туберкулез, лептоспироз, листериоз, вибриоз, паратиф, колибактериоз, айрим анаэроб ва бошқа юқумли касалликларнинг қўзғатувчилари ажратилса, албатта, унинг тури кўрсатилиши лозим. Хулоса қисмида эса бактериологик ва умумий диагноз кўрсатилиб материал келтирилган хўжалик ёки ташкилотга жўнатилади.

*4-илова*

(чап томон)

Экспертиза №___
Материал келтирилган сана______________________________
Хўжаликнинг манзили____________________________________
Текширувга нима жўнатилган_____________________________
Материал кандай ҳолатда қабул килинган________________
Текширувнинг мақсади___________________________________
Текширувнинг ўтказилиши________________________________

Паталогоанатомик ва органолептик маълумотлар
Дастлабки материални микроскопик текшириш ______________________
______________________________________________________________________

(бўяш усули, микробнинг тузилиши) экиш

| Экилган материалнинг тури | Муҳитнинг номи | Муҳитларда ўсиш хусусияти |
|---|---|---|
| Қон<br>Талоқ<br>Ўт суяклиги<br>Жигар<br>Буйрак<br>Бош мия<br>Лимфа тугуни | | |

(ўнг томони)

"Культура" нинг микроскопик текшириш________________________
Қайта экиш___________________________________________________

электив муҳитларда косачада санаш

Ажратилган микробнинг биохимиявий хусусиятлари

| Текшириш санаси | Орган ва материалнинг | Глюкоза | Лактоза | Маннит | Сахароза | Арабиноза | Дульцид | Сут | Н2 | Индол | Ҳаракатчан-лиги | Серологик текширувлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |

Бактериологик текширувлар

| Ҳайвонлар-нинг тури ва сони | Зарарлаш санаси ва вақти | Зарарлаш материали | Зарарлаш дозаси ва жойи | Ҳайвоннинг ўлими ёки сўйилиш санаси ва вақти | Ёриб кўриш ва бактериологик текширувлар натижалари |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |

Текширув натижалари.

Бошқа бўлимларда ўтказилган текширувлар натижалари (экспертиза №).

Хулоса

Тавсиялар

"___"______20___йил                    Вет.врач________________

5.11 Балиқчилик хўжаликларининг сув ҳавзаларини гидрохимик ва токсикологик текшириш журнали (шакл № 22-вет).

5.11.1 Журнал вет.врач ихтиопатологлар томонидан ёки ветеринария лабораторияларининг химикотоксикологик бўлимларида юритилади. Журналда турли балиқчилик ҳавзалари ва хўжаликларидан жўнатилган сув, гурнт планктон, балиқ ҳамда бошқаларнинг намуналари қайд этилади.

5.11.2 Журналнинг шакли 5-иловада кўрсатилган.

*5-илова*

(чап томон)

| № | Материални келтирилган санаси | Хўжалик ёки сув ҳавзасининг номи | Материалнинг номи | Сувли гидрохимик | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Ранги | Лойқалиги | PH активлик реакцияси | Қишда | Ёзда | Кислород миқдори | Альбуминоид азоти | Тузли амиак | Нитритлар | Нитратлар |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |

(ўнг томон)

| Текширув натижалари | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Фосфатлар | Карбонат ангидрид | Сероводород | Ишқорийлиги | Қаттиқлиги (умумий даражаси) | Умумий темир | Сульфатлар | БПК | Хлорид | | Химикотоксикологик текширув натижалари | Экспертиза № ва жавобни жўнатиш санаси |
| | | | | | | | | | | | |

5.11.3 Журналнинг 4-устунида текширувга жўнатилган материал тури (сув, гурунт, планктон, балиқ намунаси), 25-устунда эса балиқнинг зарарланишига ёки ўлимига сабаб бўлган деб аниқланган заҳарли ва химиявий моддалар ёзилади.

5.12 №14-вет., №15-вет., №16-вет., №17-ет., №18-вет., №19-вет. ва №20-вет.шаклидаги журналларда лаборатор текширувларнинг якуний натижалари ишчи дафтардаги дастлабки далиллар асосида қайд этилади. Ишчи дафтар ва журналлар тегишли текширув ва усуллар қайд этилган ҳолда ихтиёрий юритилиши мумкин.

7.2 Транспорт ветеринария-санитария участкаларида ҳайвонот маҳсулоти ва хом ашёсини кўрикдан ўтказишни қайд этиш журнали (шакл №28-вет).

7.2.1 Журналнинг шакли 6-иловада кўрсатилган.

6-илова

(чап томон)

| № | сана | Юкни жўнатиш станцияси ва йўлнинг номи | Юк эгаси (хўжалик ташкилот) нинг номи | Вет гувоҳнома қачон ва ким томонидан берилган № сана | Юк жўнатилган станциянинг манзили | Тушириш (Т) Ортиш (О) Транзит (Тр) | Кўрикдан ўтказилган | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Гўшт, гўшт маҳсулот ёғ | Тухум м.д | Ажратилган | Суяклар, т. | Жун тивит пар пат т. | Бошқа юклар т. |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |

(ўнг томон)

| Қадоқлаш | Жой сони | Текшириш натижаси сони | | | Вагон № ёки суд | Поезд № келиш вақти санаси вақти | Поезд № жўнаш вақти, санаси вақти | Ишлов берилган вагон | | ДППга жўнатилган вагонлар | | | Вет врачнинг имзоси | Илова |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ушланган | Йўқ қилинган (утил) | Жўнашга рухсат этилган | | | | 1 категория | 2 категория | 1 категория | 2 категория | 3 категория | | |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |

7.2.2 Ушбу журнал шакли бўйича темир йул ва сув транспорти ветеринария-санитария участкаларида ҳайвонот маҳсулоти ва хом ашёсини кўрикдан ўтказиш ҳисобга олинади.

8.1 Ажратилган тери-муйна хом ашёлари ва теричилик завод (омбор)ларида уларга ветеринар ишлов беришни ҳисобга олиш журнали (шакл №32).

8.1.1 Журналнинг шакли 7-иловада кўрсатилган.

*7-илова*

| № | Терининг ажратилган санаси | Экспертиза лабараториянинг ҳужжати рақами | Ижобий реакция туфайли ажратилган | | Дезинфекция ўтказиш ёки терининг ижобий реакция туфайли кудириш сана-си | Дезинфекция учун ажратилган | | Терининг дезинфекциялар санаси | Изоляторни дезинфекциялаш санаси | Вет врачнинг имзоси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | миқдори | Терининг тури | | миқдори | Терининг тури | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |

## ВЕТЕРИНАРИЯ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ ҲУЖЖАТЛАРИ

Ҳайвонларнинг касалланиши, ҳаром ўлиши ва мажбурий сўйилиши, йўқотилиши ҳамда Давлат ветеринария тармоғи муассаса ва ташкилотларини, жамоа ва Давлат хўжаликлари ҳамда бошқа корхоналар ветеринария хизматининг фаолияти натижаларини, шунингдек, касалликларни диагностика ва профилактика қилиш бўйича ҳамда ветеринария назорати бўйича махсус даврий ветеринария ҳисобот жорий қилинган ва унинг шакллари (1-12) тасдиқланган.

Ветеринария ҳисобот шакллари

| **Шакл №** | **Ҳисобот шаклининг номи** | **Ҳисобот** |
|---|---|---|
| 1-вет. | Юқумли касалликлар ҳақида ҳисобот | Ойлик, чораклик |
| 1-вет.А | Эпизоотияларга қарши ўтказилган тадбирлар ҳисоботи | Чораклик |
| 2-вет. | Юқумсиз касалликлар ҳақида ҳисобот | Йиллик, ярим йиллик |
| 3-вет. | Балиқлар касалликлари ҳақида ҳисобот | Йиллик |
| 4-вет. | Ветеринария лабораториялари иши ҳақида хисобот | Йиллик |
| 5-вет. | Хўжалик ва ташкилотлар, мол сўйиш пунктлари ветеринария санитария-экспертиза назорати ҳақида ҳисобот | Ярим йиллик |
| 6-вет. | Гўшт ва паррандани қайта ишлаш корхоналарида ветеринария санитария назорати ҳақида ҳисобот | Ярим йиллик |
| 7-вет. | Ҳайвонларни темир йул ва сув транспортида ташиганда аниқланган юқумли касалликлар ҳақида ҳисобот | Йиллик |
| 8-вет. | Чорвачилик маҳсулотларини темир йул ва сув транспортида ташиганда, ветеринария-санитария назорати ҳақида ҳисобот | Йиллик |
| 9-вет. | Вагонларга ветеринария-санитария ишлов бериш ҳисоботи | Йиллик |
| 10-вет. | Чегара ветеринария санитария назорати пунктларининг иши ҳақида ҳисобот | Йиллик |
| 11-вет. | Чорвачилик маҳсулотларини темир йул ва сув транспортида ташиганда аниқланган қоида бузишлар ҳисоботи | Йиллик |
| 12-вет. | Давлат ветеринария тармоғи муассасаларини мутахассис кадрлар билан таъминланганлиги ҳақида ҳисобот | Йиллик |

Ушбу шакллар ойлик ва кўрсатилган муддатларда тегишли юқори ташкилотларга юборилиши зарур:

Ойнинг 1-куни ширкат ва фермер хўжалиги ветеринрия участка вет.врачлари туман, шаҳар ветеринриястанцияларига;

3-куни туман, шаҳар ветеринриястанциялари вилоят ветеринария бошқармаларига

6-куни вилоят ветеринария бошқармалари республика бош бошқармага.

Шошилинч хабар касаллик чиққандан кейин ўша вақтнинг ўзида телефон ёки бирон киши (чопар) орқали берилади ва касаллик тугагунча юборилиб турилади. (Ойнинг 10, 20, 30 кунида) шошилинч хабарни телеграмма билан юборганда 01, 02, 03, 04, 05 қисқартиришлари юритилади.

.

# ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**Режа:**

1. Ветеринарияда режалаштиришнинг аҳамияти.
2. Режалаштириш объектлари.
3. Ветеринария тадбирларининг режаларига талаблар.
4. Режалаштириш принциплари
5. Режалаштириш турлари
6. Ветеринария профилактик ва эпизоотияга қарши тадбирлар.
7. Юқумли ва инвазион касалликларни тугатиш режаси
8. Хўжаликларда, идораларда ва давлат ветеринария муассасаларида календар иш режаларини тузиш.

**Ветеринарияда режалаштиришнинг аҳамияти.**

Республикамиз ветеринария хизматининг муҳим хусусиятларидан бири ветеринария тадбирларини режалаштириш ҳисобланиб, мазкур режалар чорвачилик ишлаб чиқариш жараёнига мос ва монанд бўлиши ҳамда унинг бажарилишига ижобий таъсир қилиши лозим.

Шунинг учун ветеринария ходимларининг асосий вазифалари мавжуд ҳайвонларни юқумли ва инвазион касалликлар билан касалланишини олдини олиш, молларнинг соғломлигини таъминлаш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ушбу тадбирларни ўз вақтида ташкил қилиш ва сифатли ўтказиш тўғри тузилган режага боғлик бўлиб, режалаштириш давлат, идоравий ва хусусий ветеринария тармоқлари учун ҳам мажбурийдир.

## РЕЖАЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИ.

Ветеринария тадбирларини режаллаштириш – касалликларнинг биологик ривожланиш жараёнларига, хўжаликнинг хусусиятларига, ҳайвон турига ва фан-техника ютуқларига асосланиб, қуйидаги муаммоларга қаратилади:

1.Юқумли ва инвазион касалликларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш;

2. Юқумсиз касалликларнинг олдини олиш;

3. Ветеринария тадбирларини молиявий ва моддий таъминотини режаллаштириш;

4. Ветеринария фанини ривожлантириш ва фан-техника ютуқларини жорий қилиш.

## ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИНИНГ РЕЖАЛАРИГА ТАЛАБЛАР.

1. Ветеринария тадбирларининг режалари хўжалик ва ишлаб чиқариш давлат режаларига мос бўлиб ижобий таъсир қилиши лозим.
2. Режаллаштириш кўп йиллик маълумотларга асосланади.
3. Режалаштириш пайтида бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, ютуқлар ҳисобга олинади.
4. Режалаштирилаётган тадбирлар аниқ бўлиб, муддати, миқдори ва харажати кўрсатилади.

5. Режалар реал-имконият даражасида бўлиши лозим.

6. Касалликларнинг ривожланиш қонунияти эътиборга олинади.

7. Профилактик, даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари иқтисодий ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

## РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТОМОЙИЛЛАРИ-ПРИНЦИПЛАРИ:

а) Яхлитлик – барча хўжаликдаги аниқ белгиланган ветеринария тадбирлари бир пайтда ўтказилиши шарт;

б) Умумийликнинг – махсус ветеринария тадбирларини хўжалик ташкиллий режалари билан монандлиги;

в) Оммавийлик (демократлик) – барча режалаштириш ишлари қуйидан юқорига қадар бажарилади;

г) Етакчи тадбир – режадаги 1-даражали ёки бош тадбирга урғу берилади.

## ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ.

Амалда ветеринария тадбирлари бажариладиган аниқ ишларнинг муддатига қараб режалаштирилади. Истиқболий, жорий ва тезкор режалаштиришлар фарқ қилинади. Улар ҳар хил турларга эгадир.

Барча ветеринария ташкилотлари, муассасалари ёки хўжаликларнинг ветеринария хизмати учун режанинг хамма турлари шарт эмас.

Истикболий режалар одатда ветеринария ташкилотлари, қисман туман ва хўжалик миқёсида, жорий ва тезкор режалар эса-туман ветеринария тармоқларида ва хўжаликларда улардаги эпизоотик вазиятлар ҳолатига қараб тузилади.

Истикболий режалар вилоят (ўлка) ва республикадаги ветеринария ишларининг ривожланишида бош йўналишларнинг энг муҳим масалаларини ўз ичига олади. Улар 5-10 ва ундан ортиқ йилларга. Халк хўжалигини ривожлантириш режасига қўшимча сифатида тузилади. Ветеринария тадбирларини истиқболий режаларнинг ветеринария муассасаларини моддий-техникавий тўлдирилиши, жиҳозлаш, қурилиш, молиявий таъминлаш, ветеринария мутахассисларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва бошқалар билан боғлик бўлган айрим кўрсаткичлари, вилоят (ўлка) ва мамлакатнинг халқ хўжалигини ривожлантириш режаларига кўшилган бўлиши мумкин.

Жорий (йиллик) режалар 1 йил муддатга ишлаб чиқарилади. Уларни ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан махсус шакл ва услубий қўлланмалар тавсия қилинган. Шуни таъкидлаш лозимки, ветеринария тадбирларнинг йиллик режалари асосий ва белгиловчи ҳисобланади. Буларга ҳайвонларнинг юқумли ва инвазион касалликларининг олдини олиш ва йўқотиш чоралари, Давлат ветеринарияси назоратини амалга ошириш, хўжаликнинг (корхона) ветеринария-санитария соғломлигини таъминлашлар киритилади.

Тезкор (оператив) режалар – аниқ даврлар учун бажарилишининг мураккаблигини, зарур моддий ва меҳнат харажатларини ҳисобга олиб, ветеринария қонунчилиги талабларига қатъий риоя килган ҳолда ишлаб чиқилади. Масалан, ўткир инфекция (оқсил) ўчоғини йўқотиш режаси диагноз тасдиқлангандан кейин бирданига ишлаб чиқилади.

Касалликнинг тарқалишига йул қуймаслик учун хўжаликка карантин қўйилган биринчи кунлардан бошлаб кўпчилик тадбирлар режалаштирилади. Тезкор режалар 1 ойдан – 3 ойгача муддатга тузилади.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Туман ҳокими

Булунғур тумани бўйича ветеринари профилактик ва эпизоотияга қарши тадбирларнинг 20___йил
Р Е Ж А С И

| Тадбирлар тури | Ишлаш керак моллар умумий сони | Жумладан чоракликлар бўйича | | | | 1 бош молни ишлаш нархи сўм | Ҳамма ишларни сўммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | I | II | III | IV | | |
| ***А. Диагностик текширишлар.*** | | | | | | | |
| Сапга текшириш (от, эшак, хачирлар)<br>Силга текшириш<br>Қорамоллар<br>Чўчқалар<br>Паррандалар<br>Бруцеллез текшириш<br>Корамоллар<br>Қуй ва эчкилар<br>Чўчқалар<br>Туялар<br>Отларни қочириш<br>Касаллигига текши-риш<br>Отларни эпизоотик лимфонгоитга текшириш ва бошқалар. | | | | | | | |
| ***Б. Профилактик эмлашлар.*** | | | | | | | |
| Куйдиргига қарши эмлаш:<br>Отлар<br>Корамоллар<br>Қуй ва эчкилар<br>Бошқа ҳайвонлар<br>Қорасонга қарши эмлаш: | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Чўчқаларни сарамасга қарши эмлаш<br>Чўчқаларни ўлат касаллигига қарши эмлаш<br>Қўйларни бродзодга қарши эмлаш<br>Паррандаларни ўлатга қарши эмлаш ва бошқалар. | | | | | | | |
| ***В. Даволаш – профилактик ишлашлар*** | | | | | | | |
| Қўйларни қўтирга қарши чўмилтириш<br>Пироплазмидозларга қарши ишлар:<br>Отларни<br>Қорамолларни<br>Қўйларни<br>Диктиокаулезга қар-ши дегельминтизация:<br>Қорамолларни<br>Қўйларни | | | | | | | |

Фермер ёки ширкат хўжаликлари ҳамда аҳоли қарамоғида "___"_______20___йилда мавжуд моллар сони

| Молларнинг тури ва гуруҳлари | Фермер ёки ширкат хўжалигида мол бош сони | | Аҳоли қорамоғидаги мол бош сони | |
|---|---|---|---|---|
| | Жами | Жумладан бўлим бригадалар бўйича | Жами | Жумладан аҳоли пунктлари бўйича |
| Қорамол<br>Жумладан: сигирлар<br>бўрдоқига 1 ёшгача бузоқлар, чўчқалар<br>Жумладан: она чўчқалар<br>2 ойликгача чўчқа болалари<br>2-4 ойлик чўчқа болалари<br>Бўрдоқига<br>Қўйлар<br>Жумладан: совлиқлар<br>қўзилар<br>Отлар<br>Паррандалар<br>Жумладан: товуқлар | | | | |

1. Ишлаб чиқариш молия режасида кўзда тутилади: 100 бош сигирдан – 92 бош бузоқ, 100 она-чўчқадан – 2000 бош чўчқа боласи, 100 бош совлиқдан – 120 бош қўзи, 100 бош биядан – 80 бош қулун.

2. Аҳоли хўжаликларида: 1 сигирдан – 1 бузоқ, 1 совлиқдан – 1,2 қўзи (ўртача).

## ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ
## Р Е Ж А С И

20__йил "___"_______ ___________ тумани _________ хўжалиги бўйича

| № | Ўтказилган тадбирлар номи | Режа бир йилга | Шу жумладан чораклар бўйича | | | | | | | | Йил охирида бажарилиши |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | | II | | III | | IV | | |
| | | | Ре-жа | Ба-жа-ри-ли-ши | Ре-жа | Ба-жа-ри-ли-ши | Ре-жа | Ба-жа-ри-ли-ши | Ре-жа | Ба-жа-ри-ли-ши | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 1. | Молларни ветеринария кўригидан ўтказиш | | | | | | | | | | |
| 2. | Сигирларда диспансеризация ўтказиш | | | | | | | | | | |
| 3. | Модда алмашинув даражасини текшириш | | | | | | | | | | |
| 4. | Сигирларнинг елини текшириш | | | | | | | | | | |
| 5. | Дағал-хашак ва ширали озуқаларнинг макро-микро элемент таркибини текшириш ва омухта емларга кушиб бериш миқдорларини аниқлаш | | | | | | | | | | |
| 6. | Урғочи молларнинг жинсий органларини текшириш ва зарур бўлса даволаш профилактик тадбирлар ўтказиш | | | | | | | | | | |

# ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Режа:**

1. Ветеринария тадбирларининг аҳамияти ва турлари.
2. Умумий профилактик тадбирлар ва уларни ташкиллаштириш
3. Хўжаликнинг ветеринар-санитар ва эпизоотик аҳволини ўрганиш.
4. Клиник кўрик ва диспансеризацияни ахволини ўрганиш.
5. Даволаш ишларини ташкил этиш.
6. Юқумли касалликларни олдини олишнинг умумий ва махсус тадбирларини ташкиллаштириш.
7. Карантин ўрнатиш ва уни бекор қилишнинг тартиб қоидалари.

Чорвачилик ва паррандачиликда амалга оширилиши зарур бўлган барча ветеринария тадбирларини режали равишда бир пайтнинг ўзида ташкиллаштирилиши ҳамда моддий-молиявий таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун барча ветеринария хизмати мутахассислари (давлат, идоравий, хусусий) ўз иш ўринларида доимий тарзда ветеринария тадбирларининг режасини тузиши ҳамда оқилона ташкил этиб, ижросини таъминлашлари талаб этилади. Бу эса турли юқумли касалликларни олдини олиш ва даволаш ҳамда тугатишда муҳим аҳамиятга эга.

***Ветеринария тадбирлари қўйидаги 4 та гурухга булинади:***

1. Ташкилий хўжалик тадбирлари
2. Профилактик тадбирлари
3. Ветеринария-санитария тадбирлари
4. Даволаш тадбирлари

## Умумий профилактик тадбирларни ташкиллаштириш

Ушбу тадбирларни хўжалик ветеринария мутахассислари амалга оширадилар. Давлат ветеринария мутахассислари эса тадбирларнинг ўтказилишини назорат қилади ва кўмаклашади. Умумий профилактик тадбирлар хўжалик ва зоотехникавий тадбирлар билан чамбарчас боғлик бўлади. Чунки бу тадбирларни амалга ошириш натижасида мол сақланадиган фермаларнинг тозалигини, сифатли ва соғлом чорва маҳсулотлари, молларнинг заҳарланиши, юқумли ва юқумсиз касалликлар билан зарарланишни олдини олишини ишлаб чиқариш таъминланади.

Умумий профилактик тадбирларга қўйидагилар киради:

1. Молхоналарни механик тозалаш
2. Молхона атрофини гўнг ва ҳар хил чикиндилардан тозалаш

Ветеринария статистикасининг маълумотлари шуни кўрсатдики, касалланган ҳайвонларнинг умумий сонини 80%-дан кўпроғи юқумсиз касалликларга тўғри келиб, асосан ҳайвонларни озиқлантиришнинг бузилиши ва уларни қониқарсиз сақлаш натижасида келиб чиқади ва чорвачилик тармоғига катта иқтисодий зарар келтиради.

Маълумки, ташкилий хўжалик ва даволаш, олдини олиш чоралари, фермаларда ветеринария-санитария маданиятини кучайтириш, умумий олдини

олиш воситаларидан фойдаланиш, касал ҳайвонларни даволаш усуллари ва илғорларнинг тажрибаларини жорий қилиш эвазига чорва молларининг юқумсиз касалликлар билан касалланиши ва ўлишининг камайиши таъминланади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқумсиз касалликлар билан касалланишини камайтириш – бу чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чикаришнинг ўсиши ва унинг рентабеллигининг ортишига имкон яратиш демакдир.

Юқумсиз касалликларнинг олдини олишда хўжаликларнинг ветеринария мутахассислари катта рол уйнайди. Қайсики, хўжалик раҳбарларининг ёрдами билан доимо чорвачилик фермаларида тегишли ветеринария-санитария шароитларини ташкиллаштириш, шунингдек Ветеринария қонунчилиги шартларини бажарилишини вазифаларнинг назорат қилиши зарур.

Бу вазифаларнинг бажарилиши кўп ҳолларда хўжаликда юқумсиз касалликларнинг олдини олиш тадбирларини тўғри режаллаштириш ва ўтказишга, шунингдек, ветеринария-даволаш ишларининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Касалликларнинг олдини олиш тадбирларини хўжалик бўйича ветеринария пунктлари, участкалари, хизмат кўрсатадиган ҳудуд буйича эса – туманнинг бош ветеринария врачи режалаштиради.

Режада қўйидаги асосий тадбирлар кўзда тутилади:

-ҳайвонларни клиник кўздан кечириш;

-модда алмашинувининг бузилишини аниқлаш учун ҳайвонларни танлаб қонини текшириш, сийдикни-оқсил ва ацетон сақлашга, сутни-бактериал ва механиқ ифлосланишга;

-зотли эркак ҳайвонларни (буқа, айғир, қўчқор ва ҳоказо) кенг қамровли текшириш;

-сигир ва ғунажинларни гинекологик текшириш;

-озуқаларнинг сифатини (протеин, каротин, кальций, фосфор, кислота ва бошқа моддаларнинг сақланишига) ва сувни текшириш;

-чорва молларини ёзги яйловда сақлашдаги ветеринария тадбирлари;

-олдини олиш мақсадида антибиотиклардан, АБК (ацидофиль-бульонли культура) ПАБК, витаминлар, биогенли стимуляторларни қўллаш;

-ҳайвон ва паррандаларни қишда сақлайдиган биноларини текшириш; туғруқ биноларининг (проилакториялар) ва гўнгхоналарнинг ҳолатини назорат қилиш;

-ҳайвонларни диспансеризациялаш;

-ҳайвонларни ахталаш;

-қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг касалликларини олдини олиш масалалари бўйича ферма ишчилари билан семинар ва суҳбатлар ўтказиш;

-ҳайвонларнинг бош сонини сақлашда илғорларнинг тажрибасини ўрганиш учун энг яхши хўжаликларга боришни ташкиллаштириш.

Ўтказиладиган у ёки бу тадбирларнинг вақтини ҳисобга олган ҳолда юқумсиз касалликларнинг олдини олиш учун йиллик ва чораклик режалар тузилади, қайсики режада йилнинг бошида бўлган ҳайвонларнинг сонини

эътиборга олмасдан, балки йил бўйича подада бўлган ҳайвонларнинг бош сони кузда тутилади.

Бунинг учун йил бошида бўлган ҳайвонлар бош сони йил давомида ёш молларнинг туғилиши, ҳайвонларнинг кирими ва чиқими эътиборга олинади.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

______________________

______________________

______________________

"___"________20__йил

## ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ (ПРОФИЛАКТИК) ТАДБИРЛАРИНИНГ Р Е Ж А С И

20___йил ___________________ тумани,________________хўжалиги бўйича

| № | Ўтказиладиган тадбирлар номи | Режа бир йилга | Шу жумладан чораклар бўйича | | | | | | | | Йил охи-рига бажа-рили-ши |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | | II | | III | | IV | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 1 | Молларни ветеринария кўригидан ўтказиш | | | | | | | | | | |
| 2 | Сигирларда диспансеризация қилиш | | | | | | | | | | |
| 3 | Модда алмашинув даражасини текшириш | | | | | | | | | | |
| 4 | Сигир елинини текшириш | | | | | | | | | | |
| 5 | Дағал-хашак ва ширали озуқаларнинг макро-микроэлемент таркибини текшириш ва омухта емларга қўшиб бериш дозаларини аниқлаш | | | | | | | | | | |
| 6 | Урғочи молларнинг жинсий органларини текшириш ва зарур бўлса даволаш-профилактик тадбирлар ўтказиш | | | | | | | | | | |

## Диспансеризация ўтказишни ташкиллаштириш

Диспансеризация ҳайвонларнинг касалликларини диагностикаси, даволаш ва профилактикаси бўйича режали равишда амалга ошириладиган ветеринария тадбирлар системаси бўлиб, (субклиник) яширин касал ҳайвонларни аниқлаш, касалликларнинг профилактикаси ва даволашини ўз ичига олади, унинг мақсади - ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг махсулдорлигини пасайишига йўл қўймаслик. Диспансеризация хўжаликнинг жорий режаларига киритилиб, комиссия иштирокида амалга оширилади - туман бош ветеринария врачи хўжалик раҳбарлари, зоотехниклар.

***Диспансеризация шартли равишда 3 босқичга бўлинади:***

**1. Клиник текширув** – барча органлар системаси текширилиб, наслчилик хўжаликларида қорамолларнинг 30-40%-дан қон, 10-15%-дан сут ва сийдик текширилади. Бошқа хўжаликларда эса 5-15%-дан қон, сут, сийдик биохимик текширувда натижада гуруҳ: соғлом, шартли соғлом ва аниқ касаллар ажратилади.

**2. Даволаш ишлари** – касал ҳайвонлар тўлиқ текширилиб, даволаниши лозим.

**3. Профилактика –** барча касалликларнинг сабаблари бартараф этилади. Диспансеризация якунида ҳар бир текширувдан ўтказилган ҳайвонларга диспансер картаси тўлдирилиб, камчиликлар ва тавсиялар комиссия томонидан тузилган далолатномада қайд этилади.

**Оқдарё туман ветеринария лабораториясига**
**Манзили: Лойиш шаҳри.**

Ушбу билан "Наврўз" хўжалигига қарашли қорамоллардан олинган 110 та қон намунаси (зардоби) бруцеллезга РА бўйича серологик текшириш учун юборилмоқда. Хўжаликда (бригада, отар, пода) моллар бруцеллез билан касалланмаган. Текшириш биринчи ёки иккинчи марта (остига чизилсин) ўтказилмоқда.

Олдинги текшириш вақти ва натижаси.

Қон олинган сана "___"_______200___йил

Илова: рўйхат икки нусхада.

Бош вет.врач: Файзуллаев А.
(имзо)

"Наврўз" хўжалигига қарашли қорамоллардан олинган қон (зардоб) намуналарининг
Р Ў Й Х А Т И

| № | Ферманинг номи | Молнинг жинси | Ёши, ранги | Инвентар рақам, лақаби | Текшириш натижаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 1-ферма | Сигир | 3 ёш | Зорька | (бу устун лабараторияда тўлдирилади) |
| 2. | 1-ферма | Сигир | 6 ёш | Машька | |
| 3. | 1-ферма | Сигир | 2 ёш | Дочька | |
| 4. | ва ҳоказо | | | | |

Ветеринария врачи
(фельдшери) (имзо)

Лабораториядан жавоб олгандан кейин хўжаликда қолган рўйхатнинг учинчи нусхасига текшириш натижалари ҳақида тегишли белгилар қўйилади, лабораторияда олинган рўйхатнинг нусхаси эса ветеринария участкасининг мудирига берилади.

## Юқумли касалликларни аниқлаш ва уни тугатиш бўйича тадбирларни ташкил қилиш. Карантин тадбирлари.

Юқумли касалликка тахмин қилинган ҳолларда ўша жойнинг ветеринария мутахассислари ва раҳбарлари ветеринария қонунига асосан шошилинч тарзда туман бош ветеринария врачига хабар берадилар.

Сўнгра эса ветеринария станция ҳамда ветеринария лабораторияси мутахассислари билан ҳамкорликда аниқ диагноз белгиланиб, тегишли тадбирларни ташкиллаштиришга киришилади.

Аниқланган юқумли касалликларга ўлат, оқсил, товуқ ўлати, куйдирги каби ўта хавфли ўткир инекциялар - деб диагноз қўйилса, бу хабар шошилинч тарзда юқори ветеринар бошқармаларига ҳам маълум қилинади ва туман бош ветеринар врачи томонидан туманнинг эпизоотик ҳолатини ёзиш журнали ва эпизоотик картага тегишли белгилар қуйилади.

Сўнгра эса касалликнинг эпизоотик ўчоғи аниқланади. Яъни, ферма биноси, мавжуд моллар ва атроф муҳит ва унинг тарқатиш чегаралари белгилаб олинади. Ушбуни инобатга олган ҳолда мазкур территорияда карантин ўрнатиш лозим деб топилади ва қўйидагича ташкиллаштирилади.

Карантин-аниқланган юқумли касалликнинг ёйилиб кетишини олдини олиш мақсадида ўтказиладиган чегараловчи тадбирлар мажмуидан иборат. "Ветеринария тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасига амал килинади.

Карантин ўрнатиш учун юқумли касаллик аниқланганлиги ҳақидаги далолатнома асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, туман бош ветеринар врачи томонидан карантин ўрнатиш ҳақидаги қарор лойиҳаси тайёрланади ва туман ҳокимлигига киритилади. Ҳоким томонидан тасдиқланган ушбу қарор қонун кучига кириб, ундаги тадбирни тегишли шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Барча тадбирлар бажарилиб, охирги касал мол ўлгач ёки соғайгач белгиланган вақтдан кейин якунловчи дезинфекия ўтказилиб, махсус далолатнома тузилади.

Ушбунга асосланган ҳолда яна туман бош ветеринар врачи карантинни бекор қилиш ҳақидаги қарор лойиҳасини тайёрлаб туман ҳокимлигига киритади.

Сўнгра ўз журналига карантин бекор қилинганлиги ҳақида белги қуяди. Айрим ҳужжат намуналари илова қилинади.

## ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ ТАРҚАЛГАНИДА КАРАНТИН БЕЛГИЛАШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

### Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганида карантин ёки чеклашлар.

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалгани аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) Давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан айрим подалар, отарлар, уюрлар, қуралар, фермалар, хўжаликлар, корхоналар, темир йул бекатлари, аэропортлар, дарё портлари, қишлоқ ва қўрғонларнинг ҳудудлари ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон қилинади ҳамда уларда карантин ёки зарур чеклашлар ўрнатилади.

Туманларни, шаҳарларни, вилоятларни, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон қилиш ҳамда уларда карантин ёки бошқа чеклашлар ўрнатиш тегишли Бош Давлат инспекторларининг тақдимномасига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари билан ёки Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлар билан оғриши батамом тўхтаганидан кейин карантин ёки чеклашлар ўрнатилган ҳудудда зарур ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилгандан (касалликларга қарши кураш қўлланмалари кўрсатилган муддат ўтганидан) сўнг тегишли Бош Давлат ветеринария инспекторларининг тақдимномасига биноан карантин ёки чеклашлар ўрнатган туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки ҳокимларнинг қарори билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан карантин ёки чеклашлар бекор қилинади.

### ПРОФИЛАКТИК ЭМЛАШЛАР Д А Л О Л А Т Н О М А С И

"___"_____20___ йил ___________ ширкат хўжалиги _____________ тумани.

Бизларким, ширкат хўжалиги №____ бўлими ветеринария фельдшери ______________ вет.санитар _____________ ва ферма мудири ______________ лар иштирокида №____ бўлимга карашли 1000 бош сигирни оқсилга қарши эмлаш ўтказдик.

Эмлаш "А-22" вирусдан тайёрланган гидроокис алюьмин вакцина билан ўтказилди. Курск биофабрикаси 17 апрел 2011 йилда тайёрланган, серия №10 Давлат назорати 10, яроқлик муддати 12 ой.

Вакцина бўйининг ўрта қисми териси остига 2 мл.дан юборилди. Вакцина юбориладиган жой дастлаб жундан тозаланиб 2 фоизли карбол кислотаси эритмаси билан дезинфекция килинди.

Эмлашга харажат бўлди: вакцина 5,6 л. карбол кислотаси 1,0л., пахта 200 гр. Эмлашдан кейин асоратлар кузатилмади.

Имзолар: 1.
2.

# ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИ ИҚТИСОДИ

**Режа:**

1. Ветеринария тадбирларининг иқтисодини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.
2. Ветеринария тадбирларини иқтисодий таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар системаси.
3. Ветеринария тадбирларига сарфланган харажатлар ва уларни ҳисоблаш усуллари.
4. Ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усуллари.
5. Ветеринария мутахассисларининг иш унумдорлиги.
6. Ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги суммар индекси.
7. Эпизоотияга қарши тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги.
8. Гельминтозларга қарши тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги.
9. Юқумсиз касалликларни даволаш ва профилактик тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги.
10. Фан ютуқларини жорий этиш эвазига эришилган иқтисодий самарадорлик.

## Ветеринария тадбирларининг иқтисодини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.

Иқтисодий ислоҳотлар даврида ҳозирги замон ветеринариясининг асосий вазифаси чорвачиликка хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари ва воситаларини қўллаб чорвачилик тармоғининг рентабеллигини ошириб боришдан иборат. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда ҳар бир ветеринария мутахассиси, ветеринария муассасалари ва ташкилотлари бажарган ишларини ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қилиб борилиши керак.

Иқтисодий самарадорликни аниқлашда ҳайвонларнинг касалланишини ва ўлимини камайтиришга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, касаллик муддатларини қисқартиришга, етиштириладиган чорва маҳсулотлари ва хом ашёнинг сифатлигини таъминлашга, соғлом подалар етиштиришга ва ҳоказо имкониятлари ўрганилади.

Ветеринария тадбирларининг натижаларини анализ қилиш билан ветеринария иши иқтисоди фани шуғулланади. Бу фан ветеринария тадбирларини чорвачиликни ривожлантиришга таъсир қилиш қонуниятларини, кам меҳнат, маблағ ва воситаларни харажат қилиб маҳсулот етиштириш йулларини ўргатади. Бу фаннинг асосий мақсади чорвачиликда ўтказиладиган ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, ветеринария тадбирлари ўтказишда резервлардан фойдаланиш, ветеринария фани ютуқларини қўллаш ва кам восита талаб қиладиган усул ва воситаларни қўллаш, ветеринарияда даволаш, профилактика, соғломлаштириш, ветеринария-санитария тадбирларни ўтказишда янги илғор усулларини тадбиқ қилиш, ветеринария тармоғини, тадбирларни ўтказишда хизматини режалаштириш, ташкиллаштириш, ишларини доимо такомиллаштиришдан иборатдир.

## Ҳақиқий зарар ва уни аниқлаш усуллари

Чорва моллари ва паррандаларнинг касалланиши оқибатида йўқотилган маҳсулот, хом ашё ёки тирик ҳайвонларнинг қийматини сўмдаги ифодасига хақиқий зарар (иқтисодий зарар) дейилади.

Ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда хақиқий зарар – муҳим кўрсаткич ҳисобланиб, унинг кўп учрайдиган 7 та тури мавжуд ва қўйидаги тартибда аниқланади:

***1. Молларнинг ҳаром ўлиши ва мажбурий сўйилиши оқибатидаги ҳақиқий зарар – З1:***

З1= М х О х Н - Ср;

М – ҳаром ўлган ва мажбурий сўйилган моллар сони;

О – ҳайвонларнинг тирик оғирлиги, кг.;

Н – маҳсулотнинг нархи, сўм;

Ср – реализация қилинган маҳсулот ва хом ашё суммаси, сўм.

***Мисол:*** Ўткир тимпаниябилан 10 бош қорамол касалланган, ўртача тирик вазни – 300кг., 2 бош ҳаром ўлган, 8 бош мажбурий сўйилган, 1 кг. т.в. - 8000 сўм, 8 бошнинг (8х140) 1120 кг. сифати пасайган гўшти 1288000 (1120х1150) сўмга, 2 бошнинг жасади гўшт суяк унига айлантирилиб – 10000 сўмга реализация қилинган.

З1=М х О х Н – Ср =10х300х8000-(1288000+100000) =24000000-388000 = 22612000 сўм.

***2. Молларнинг маҳсулдорлиги пасайиши оқибатидаги иқтисодий зарар – З2:***

З2=Км х Мк х Н;

Км – турли касалликлар даврида йўқотилган маҳсулотлар коэффициенти;

Мк – касалланган молларнинг бош сони;

Н – маҳсулотнинг нархи.

***Мисол:*** Мастит билан 8 бош соғин сигир касалланган, уларнинг маҳсулдорлиги ўртача 10 литр бўлиб, 5 кунлик касалланиш даврида 6 литрдан сут берган (5х6), маҳсулот нархи – 800 сум.

$З_2$= Км х Мк х Н= 30х8х800=192000 сўм.

***3. Молларнинг наслдорлик қийматини пасайиши оқибатидаги иқтисодий зарар – З3:***

З3=Мх(Нз-Нзй);

М – зотдорлиги йўқолган моллар сони, бош;

Нз – зотдор моллар нархи;

Нзй – зотдорлиги йўқолган моллар нархи.

***Мисол:*** Бруцеллёз билан 8 бош насллик гуножин касалланган, уларнинг ўртача тирик вазни 300кг. бўлиб, соғлом пайтда 1кг., тирик вазни 12000 сўмдан сотилган, касал бўлгач эса 1кг. т.в.ни 8000 сўмдан баҳолаб, мажбуран сўйишга жўнатилди.

Зз=8х(300х120000-300х7000)=8х1500000=12000000.

***4. Маҳсулот сифатининг пасайиши оқибатидаги иқтисодий зарар-З4:***

З4=См х (Нс - Нк);

См – сифати пасайган маҳсулотлар миқдори, кг., цн.;

Нс – соғ моллардан олинган маҳсулотнинг нархи, сўм;

Нк – касал моллардан олинган маҳсулотнинг нархи, сўм.

***Мисол:*** Тейлериоз билан 5 бош қорамол касалланган, 3 боши соғайди, 2 бош мажбуран сўйилди ва ўртача 130 кг.дан паст сифатли гўшт олиниб, 7000 сўмдан сотилди.

З4=См х (Нс - Нк)=2х130х(16000-7000)=260х9000=2340000.

***5. Она моллардан бола олишнинг камйишии оқибатидаги иқтисодий зарар – З5:***

З5=(Кт х Том-Тб)хН;

Кт – режа бўйича туғилиш коэфициенти;

Том – туғадиган она моллар сони;

Тб - туғилган боласи – бузоқ, қўзи, чўчқа боланинг бош сони;

Н – туғилган ёш молларнинг нархи.

***Илова:*** Сут йўналишидаги сигирнинг бузоғи – 3,61 цн. сут нархига тенг;

Гўшт йўналишдаги сигирнинг бузоғи – 0,88 ц. тирик вазн нархига тенг;

Жунбоп қўйнинг қўзисини нархи – 0,84 кг. жун баҳосига тенг;

Гўштбоп қўйнинг қўзисини нархи – 8,41 кг. тирик вазн баҳосига тенг;

Она чўчқанинг бир мартада туғилган болалари - 1,67 кг. Тирик вазнга тенг.

***Мисол:*** Пуштсизлик 100 бош сигирдан 14 бош бузоқ кам олинди, туғилиш коэффициенти – 1 га тенг, бузоқнинг нархи – 3,61 центнер сут баҳосига тенг.

З5=(Кт х Том-Тб) х Н=(1х100-86)х(361х800)=14х288800=4043200.

***6. Ишчи ҳайвонларни ишсиз тўриб қолиши оқибатидаги иқтисодий зарар – З6:***

З6=Хс х Ки х Тик;

Хс – касалланган ишчи ҳайвоннинг сони;

Ки – ишсиз кунлар сони;

Тик – ишсиз куннинг таннархи.

***Мисол:*** Институтнинг ўкув хўжалигида 2 бош ишчи от аравага қўшилганда оёқ пайлари чўзилиб, 6 кун ишлатилмади ва даволанди. 1 кунлик иши 35000 сўм нархланади.

З6=Хс х Ки х Тик=2х6х35000=420000.

***7. Зарарланган мол гўшти, органлари ва хом ашёсини брак қилиш оқибатидаги иқтисодий зарар – З7:***

З7=Мб х Ну-Ски;

Мб – брак маҳсулотнинг миқдори;

Ну – ўртача нарх;

Ски – қайта ишлаб сотилган маҳсулот сўммаси.

***Мисол:*** Цистицеркоз туфайли 30 кг гўшт брак қилиниб, қайта ишланди ва 16 кг. паст навли колбаса тайёрланиб 3000 сўмдан сотилди, 1 кг. гўштнинг ўртача баҳоси – 15000 сўм.

З7=Мб х Ну-Ски=30х15000-(16х3000)=480000-48000=432000.

Касалланган ҳайвонларда ушбу зарарларнинг қайсилари хос бўлса, ўшалар ҳисобланади ва сўнггида нечта зарар тури аниқланган бўлса, улар ўзаро қўшилиб, умумий зарар топилади. Ҳисоблашда нархларнинг ўзгариши инобатга олиниши зарур.

**Олди олинган зарарни аниқлаш – $O_з$**

Бу кўрсаткич одатда ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини ифодалаб, турли касалликларни барвақт олдини олиб, профилактик муолажалар ўтказиш эвазига бартарф этилган эҳтимолдаги (кутилган) зарардир.

Олди олинган зарарни аниқлаш учун меъёрий ҳужжатларда келтирилган қўйидаги коэффициентлардан фойдаланилади.

1. Касалланиш коэффициенти - Кк:

Касалланган моллар сонини касалликка мойил бўлган барча моллар сонига бўлиш орқали аниқланади.

2. Ўлим коэффициенти - Ку:

Касаллик оқибатида ўлган моллар сонини жами касал моллар бош сонига нисбати билан аниқланади.

3. Зарар коэффициенти - Кз:

Касаллик окибатидаги жами зарар миқдорини барча касал молларга нисбатига тенгдир.

Оз=Мс х Ккб х Кз-Хз;

Мс - касалликка мойил моллар сони;

Ккб - Касал бўлиш эхтимоли бор моллар коэффициенти;

Кз - 1 бош касал молга тўғри келадиган ўртача коэффициент;

Хз - ҳақиқий иқтисодий зарар, сўм.

## Ветеринария тадбирларига сарфланган харажатлар ва уларни ҳисоблаш усуллари

Ҳар бир ветеринария мутахассиси тадбирларни режалаштиришда кам ишчи кучи, маблағ, моддий техника воситалари харажатини кам талаб қиладиган усул ва воситаларни қўллаш лозимдир. Ветеринария тадбирларига кетган харажатлар қўйидаги кўрсаткичлардан иборат:

- Ветеринария тадбирларини ўтказиш учун бевосита қатнашган ветеринария мутахассислари ва жалб қилинган ишчиларга иш ҳақи;
- Ветеринария тадбирларини ўтказишда фойдаланилган ишлаб чиқариш асосий воситаларининг аммортизацияси - М, ғишт иморати –1 йилда 3,2% кетади - (33 йилда тўлиқ), ДУК - 1 йилда 14,5% таннархи камаяди;
- Техника қарови, жорий таъмирлашга кетган харажатлар;
- Ветеринария тадбирларига сарфланган дорилар, биопрепаратлар, дезинфекцион воситалар, боғлов воситалари, асбоблар, эл. кувват, ёқилғи ва бошқалар;
- Касалликни тугатиш вақтида кўрилган мол сўйиш пунктлари ва пастерилизация қурилмалари;
- Дезинфекцион тўсиклар, шлагбаумлар ва зарарсизлантириш харажати;
- Умум хўжалик ва умум ишлаб чиқариш харажатлари;

***Ҳисоблаш:*** Вх= . + . + . + ...

## Ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ҳисоблаш усуллари

Ветеринария иқтисодиётида асосий кўрсаткичлардан бири ветеринария тадбирлари эвазига эришилган иқтисодий самарадорлик ҳисобланиб, унинг қуйидаги турлари фарқланади:

- Тахмин этилган иқтисодий самарадорлик;
- Кутилган иқтисодий самарадорлик;
- Режалаштирилган иқтисодий самарадорлик;
- Ҳақиқий иқтисодий самарадорлик;

**Иқтисодий самарадорлик (Ис)** – бу малакали ветеринария хизмати кўрсатиш эвазига эришилган маҳсулдорликнинг қиймати билан ифодаланиб, мавжуд кўрсаткичларга қараб, турли формулалар ёрдамида аниқланади. Профилактик тадбирлар ўтказилганда иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун дастлаб олди олинган зарар (Оз)ни ҳисоблаш зарур:

Оз= Мс х Ккб х Кз-Хз;

Ушбу маълумотлар бўлганда иқтисодий самарадорлик Оз-дан Вх-ни айириш натижасига тенг:

Ис=Оз-Вх;

Даволаш муолажалари ўтказилганда эса қуйидаги формуладан фойдаланилади:

Оз=Мдс х Н-Ср;

Мдс - даволанган моллар сони;

Н - молларнинг ўртача нархи, сўм;

Ср - мажбурий сўйилган молнинг реализация сўммаси;

Бу ҳолатда ҳам Ис=Оз-Вх;

Қайд этилган усуллар бўйича умумий иқтисодий самарадорлик аниқланади.

Ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини ҳар 1 сўм ветеринария харажатига неча сўм тўғри келишини ҳисоблаш учун эса "1 сўмга самарадорлик - Сс" кўрсаткичидан фойдаланилади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Сс= \frac{Ис}{Вх}$$

# ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ

**Режа:**

1. Ветеринария тадбирларини молиявий таъминотининг аҳамияти.
2. Ветеринария тадбирларининг таъминоти манбалари.
3. Ветеринария хизматига ажратилган маблағлар сарфлаш мақсадлари.
4. Бюджет маблағларини сарфлаш тартиби.
5. Суғурта маблағларини сарфлаш.
6. Махсус маблағлар, пуллик хизмат ва жарима пулларини сарфлаш тартиби.
7. Ветеринария ташкилотларининг харажатлари сметаси.

***Ветеринария тадбирларини молиявий таъминотининг аҳамияти.***

Ветеринария тадбирларини режалар асосида, ўз вақтида, тўла ҳажмда керакли воситалар билан етарли таъминлаган ҳолда юқори даражада ўтказилиши учун керакли миқдорда маблағлар билан таъминланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ветеринария муассасалари, ташкилотлари ўз иш фаолиятларини кераклича ташкил қилишлари учун уларнинг ходимлари иш ҳақи билан, транспорт билан зарурий воситалар билан таъминланган бўлиши лозим. Булар ўз вақтида тегишли маблағлар ажратилишини талаб қилади.

Ветеринария тадбирларини молиявий таъминотининг манбалари.

Давлат ветеринария хизматини моддий ва молиявий таъминлаш (9-модда).

Давлат ветеринария хизмати:

-Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари;

-Давлатнинг молларни суғурта қилиш маблағларидан ажратмалар;

-Пуллик хизматлар кўрсатганлик учун ветеринария корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари оладиган маблағлар ҳисобига таъминланади.

Ушбу қонун талабларини бўзганлик учун ундириладиган маъмурий жарима пуллари вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг эпизоотик фондларига тушади.

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгилаб қўйиладиган ҳайвонлар юқумли касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирлари бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Республикамиз халқ хўжалигида ветеринария хизматининг етакчилигини Давлат ветеринария ташкилотлари ташкил қилади. Шунинг учун уларнинг асосий харажатларини давлат ўз зиммасига олиб, давлат ва маҳаллий бюджетлардан керакли маблағлар ажратилади. Давлат бюджети ҳисобидан сақланадиган ветеринаия хизматини – Давлат ветеринария хизмати ва Давлат ветеринария тармоғи дейилади.

1.Давлат бюджетидан ташқари ветеринария хизматига яна қўйидаги манбалардан маблағлар ажратилади. Жумладан, қўйидаги мақсадларга ажратилади. Илова.

2.Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини давлат суғўртаси тўловларидан ажратилган маблағлар.

3.Чорвачилик билан шуғулланадиган хўжаликлар, ҳиссадорлик жамиятлари, ёрдамчи хўжаликларнинг ўзлари ажратадиган маблағлар ишлаб чиқариш молия режасида 1-та модда ветеринария харажати кўрсатилади.

4.Ветеринария муассасалари ва ташкилотларининг махсус маблағлари - зооветсервис пунктларининг пуллик хизмат кўрсатишидан тушган махсус маблағлар. Чет элларда 52-98%-гача хусусий ветеринария ва пуллик хизмат. Бизда айни пайтда унинг салмоғи 50%-дан ортиб бормокда: пуллик зооветсервис пунктлари.

5.Хўжалик ҳисобидаги ветеринария ташкилотларининг ўз маблағлари.

6.Ветеринария қонунчилиги бузилган ҳолларда давлат ветеринария инспекторлари томонидан ундириладиган жарима пуллари.

**Бюджет маблағларини сарфлаш тартиблари.**

Бюджет маблағлари асосан вилоят Давлат ветеринария бошқармаси ихтиёрига келиб тушади. Уни сарфлаш учун махсус молия таъминоти режаси тузилади. Бу режанинг тузилишича туман ва шаҳарлар тақдим этган эпизоотияларга қарши профилактик тадбирлар режаси асос қилиб олинади. Бюджет маблағлари ҳисобига юқумли касалликлар билан кураш тадбирлари, диагностик текширишлар, гельминтоз ва бошқа тадбирларга ишлашлар, автотранспорт сақлаш, юқумли касалликларга эпизоотияга қарши кураш тадбирлари ўтказилади.

Республика бюджетидан бевосита республика бўйсунувидаги ветеринария муассасалари республика ва вилоятлараро лабораториялари, эпизоотияга қарши отрядлар ва бошқа ташкилотларни сақлашга ажратилади.

Вилоят бюджетидан вилоятга бўйсўнган ветеринария муассасалари учун, вилоят туманлараро, туман ветеринария лабораторияларини ва ҳар хил касалликлар билан курашиш отрядларини сақлаш учун ажратилади.

Шаҳар бюджетидан шаҳар ветеринария бўлимини, участка ветеринария шифохоналарини, ветеринария участаларини, бозор ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияларини сақлаш учун ажратилади.

Транспортда ва давлат чегарасидаги ветеринария назорат бошқармаси, транспорт ветеринария-санитария участкалари, чегара ветеринария назорати пунктлари ҳам республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан сақланади.

Республика бюджети, молиявий таъминланадиган ва вилоят бюджетидан ҳам маблағ ажратиладиган юқумли ва инфекцион касалликларга ўтказиладиган тадбирлар:

1.Эпизоотияларга қарши курашиш учун биопрепаратлар, дезинфекцион воситалар, керакли препаратлар ва асбобларни харид қилиш ҳамда ўта хавфли юқумли касалликлар билан курашиш учун;

2.Ҳар хил вазирликлар, қўмиталарга бўйсунган хўжаликларда эпизоотияларга қарши тадбирларга сарфланган харажатлар копланади. Бюджет ҳисобидан қопланадиган эпизоотияларга қарши тадбирлар рўйхати Ўзбекистон Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан тақдим этилиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 20 апрел №119-Фармойиши илова қилинади.

## Давлат суғуртаси тўловларидан ажратилган маблағларни сарфлаш тартиблари.

Бу маблағлар сарфланадиган тадбирлар рўйхати ҳам Ўзбекистон ветеринария Бош бошқармаси тақдимига асосан сарфланади. Давлат ветеринария ташкилоти муассасалари суғўрта тўловлари ҳисобидан ишлаб чиқариш биноларини кўриш, уларни капитал ва жорий таъмирлаш ва махсус машиналарни сақлаш учун харажат қилишлари мумкин. Суғўрта тўлови фондидан инфекцион ва инвазион касалликларга қарши ўтказиладиган даволаш профилактик соғломлаштириш тадбирларини, эпизоотиялар вақтида қўшимча жалб қилинган ветеринария мутахассислари ва ишчиларни иш ҳаки ва қўлланма харажатлари қопланиши мумкин.

## Чорвачилик билан шуғулланадиган хўжаликларни ветеринария хизмати эҳтиёжлари учун ажратган маблағлари.

Бу маблағлар ҳукумат томонидан тасдиқланган меъёрлар асосида ажратилади ва қўйидаги мақсадларга сарфланади:

- Чорвачилик объектларида ветеринария-санитария тадбирлари ўтказиш;
- Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва бошқалар;
- Дорилар, антибиотиклар, биостимуляторлар;
- Барча турдаги ҳайвонларни даволаш;
- Ветеринария объектларини кўриш;
- Ветеринария билимларини тарғиб қилиш.

Ветеринария муассасаларининг махсус маблағлари. Тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда зарурий ҳужжатлар асосида ички харажатларга фойдаланилади.

Хўжалик ҳисобидаги ветеринария ташкилотларининг маблағлари, уларнинг низомида таъкидланган қоидалар бўйича сарфланади.

Ветеринария муассасаларининг харажатлар сметаси. Туман ветеринария бўлими ўзига ажратилган маблағлардан фойдаланиш учун маҳаллий молия органлари билан келишилган ҳолда харажат сметасини тузади ва туман ҳокимига тасдиқлатади. Мавжуд маблағларнинг смета асосида сарфлаш ветеринария бўлими бошлиғи ва бош ҳисобчига юклатилади. Уларнинг устидан эса туман молия бўлими назорат ўтказиши мумкин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИДАН КЎЧИРМА

20 апрел 1995 йил №119-Ф

1. "Ветеринария тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасига мувофиқ чорва молларининг карантин қилинадиган ва ўта хавфли касалликларининг олдини олиш ва тугатиш чора-тадбирларибюджетдан маблағ билан таъминланадиган рўйхати иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Молия Вазирлиги (Гуськова) белгиланган руйхатга мувофиқ касалликларнинг олдини олиш ва тугатиш чора-тадбирлари учун йили бюджетдан маблағ ажратишни назарда тутсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
1995 йил 20 апрелдаги
№119-Ф-сон Фармойишига
ИЛОВА

Молларнинг карантин қилинади-
ган ва ўта хавфли касаллик-
ларининг олдини олиш ва туга-
тиш чора-тадбирлари бюджетдан
маблағ билан таъминланадиган

Р Ў Й Х А Т И

1. Бир неча ҳайвонот тури учун умумий бўлган касалликлар:
Барча турдаги оқсил касаллиги
Куйдирги
Бруцеллез
Қутуриш
Ауески касаллиги
Юқумли энцефаломиелит
Трихенеллез
Листериоз
Туляремия
Сил
Лептоспироз
Ку-безгаги
2. Қорамолларнинг касалликлари:
Ўлат
Хавфли катарал безгаги
Контагиоз плевропневмония
Эмфизиматоз карбункул

3. Қўй-эчкилар ва туялар касалликлари:
Чечак
Брадзот энтеротоксемия
Туялар ўлати
4. Чўчқалар касалликлари:
Тешен касаллиги
Классик ўлат
Репродуктив-респиратор синдроми
5. Отлар касалликлари:
Контагиоз плевропневмония-манка
Юқумли анемия (ИНАН)-грипп (инфлюэнца)
6. Паррандалар касалликлари:
Ньюкасл касаллиги-юқумли ларинготрахеит
7. Мўйнали ҳайвонлар, қуёнлар ва майда уй ҳайвонлари касалликлари.
8. Ҳайвонот барча турларининг илгари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинмаган юқумли касалликлар.

## ВЕТЕРИНРИЯ ТАДБИРЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИ

**Режа:**

1. Ветеринрия таъминотининг аҳамияти.
2. .Ветеринрия таъминот обьектлари.
3. Ветеринрия таъминот тартиби.
4. Ветеринария таъминот ташкилот ва муассасалари
5. Ветеринрия препаратларининг дизенфекцияловчи моддаларини, жиҳозларини ҳисоби, уларни сақлаш ва харажат қилиш тартиби.
6. Бухгалтерия хисоби.

Ветеринария таъминоти режалаштирилган барча ветеринария тадбирларини дори моддалар, биологик препаратлар, дезинфекцион воситалар, лаборатория анжомлари ва турли асбоб-ускуналар билан ўз вақтида марказлашган ҳолда таъминлашдан иборат. Бу таъминотни бажариш учун Республикамизда Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигига бўйсунадиган Республика Бош зооветеринария таъминот бирлашмаси мавжуд. Ҳар бир вилоятда бу корхонанинг вилоят таъминот бирлашмалари, айрим туманларда эса унинг ветеринари дорихоналари фаолият кўрсатади.

Ветеринария тадбирларининг йиллик режаси ва талабнома асосида таъминот ташкил этилади. Мавжуд қарор бўйича ветеринария таъминоти соҳасида фирмалар фаолият кўрсатишга рухсат этилган. Айни пайтда шаҳар ва туманларда хусусий ветеринария дорихоналари фаолият кўрсатишмокда.

### Ветеринария таъминоти объектлари

Таъминот объектларига барча ветеринария ашёлари-товарлар киради:

1. Биологик препаратлар-вакцина, зардоб, диагностикум ва хоказо.
2. Дори-дармонлар.
3. Дезинфекцион воситалар.
4. Лаборатория асбоб-ускуна ва реактивлар.
5. Фиксация-диагностик асбоблар.
6. Боғлаш воситалари.
7. Физиотерапевтик асбоблар.
8. Дезинфекцион асбоблари.
9. Ветеринария ташвиқоти воситалари.
10. Ветеринария ҳисоб-китоб ва ҳисобот варақалари.
11. Ўлчов асбоблари ва бошқалар.

Ҳозирги даврда ветеринария моддий таъминотини яхшилаш мақсадида турли чет эл фирмалари ва заводлари билан шартномалар тузилиб ҳамкорлик қилинмоқда.

### Таъминотни амалга ошириш усуллари.

Ветеринария хизматини дори-дармон ва бошқа ветеринария товарлари билан ўз вақтида ва етарли даражада таъминлаш махсус талабномалар асосида (заявка) амалга оширилади.

Бундай талабномалар пастдан юқорига қараб, яъни жамоа, ширкат хўжаликлар, ветеринария участкалардан тушган талабномаларни туман миқёсида умумлаштириб, вилоят зооветеринария таъминоти бирлашмаларига берилади. Бу ерда эса барча туманлардан тушган талабномалар умумлаштирилиб, Республикамизнинг Бош Зооветтаъминоти бирлашмасига юборилади. Ўзбекистонда таъминлаш мумкин бўлган объектлар бўйича талабномалар эса олиб қолинади. Ушбу талабномаларга асосан Республика Бош Зооветеринария таъминоти бирлашмаси шуғулланади.

Талабномалар 5 гуруҳга бўлиниб, унинг бажарилишини назорат килинади:

1-гуруҳ - дорилар, биопрепаратлар, дез.воситалар;

2-гуруҳ - химиявий реактивлари, химиявий препаратлар;

3-гуруҳ - махсус аппаратлар, лаборатория ва аптека идишлари, термометрлар;

4-гуруҳ - ветеринария асбоблари ва ускуналари;

5-гуруҳ - ветеринария ва агрохимия лаборатория асбоб-ускуналари, оптика ашёлари.

**Ветеринария товарларини ҳисобга олиш ва сақлаш.**

Олинган дори-дармонлар, биопрепаратлар, дезинфекцияловчи воситалар ва бошқа ашёлар белгиланган тартибда сақланиши керак. Дори-дармонлар алоҳида, гуруҳлар бўйича қуруқ, салқин, қулфланадиган биноларда, шкафларда сақланади, бундай жойга бегона кишиларнинг кириши ман қилинади. Суюқ, оқиб кетадиган моддалар ва мазларни бирга сақлаш мумкин эмас. Бунинг учун алоҳида шкафлар ажратилиши керак. Ветеринария хизматида қўлланиладиган заҳарли ва кучли таъсир этувчи доривор воситаларни сақлаш, ҳисобга олиш ва тарқатиш тартиби махсус қоидалар бўйича белгиланади. Ветеринария бўлимлари, ҳайвонларнинг касалликларига қарши кураш станциялари, ветеринария шифохонаси, ветеринария поликлиникалари, ветеринария лабораторияларига "А" руйхатга қарашли соф ҳолдаги доривор воситаларни сақлаш ва унга эга бўлишга (қулфланадиган темир шкафлар бўлса) рухсат берилади.

Бошқа барча ветеринария муассасаларига (ветеринария участкалари ва пунктларини қўшган ҳолда), ташкилотлар, корхоналар ва хўжаликларга ветеринария мақсадидаги заҳарли воситаларни фақат тайёр бирикма ҳолида сақлашга рухсат берилади. "Б" рўйхатга қарашли кучли таъсир кўрсатувчи доривор воситаларни барча ветеринария муассасалари, шунингдек, хўжаликлар, ташилотлар ва муассасаларнинг бунга шароити бор бўлган ветеринария дорихоналарида сақлашга рухсат берилади. Заҳарли доривор воситаларга эга бўлиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга бўлган ветеринария муассасалари буларни фақат Давлат "Зооветтаъминот" муассасаларидан олишлари керак. Заҳарли ва кучли таъсир кўрсатувчи доривор воситаларни фақат махсус сейф ва шкафлар билан жиҳозланган биноларда сақлашга рухсат берилади. Заҳарли ва кучли таъсир кўрсатувчи доривор воситалар уларнинг шаклига караб шиша, чинни, пластмасли ёки полиэтиленли идишларда, фақат рецепт асосида берилади. Коғозларда ёки целлофанларда бундай доривор моддаларни бериш ман этилади. Заҳарли ва кучли таъсир этувчи доривор воситаларни белгиланган тартибда ва берилиши мумкин бўлган микдорда фойдаланишда уларни ёзиб бериш ва ундан қўлланишда асосий жавобгарликни ветеринария врачи ёки ветеринария фельдшери олиб боради. Заҳарли доривор воситалар билан банд бўлган кишилар шахсий гигиена қоидасига тўлиқ амал қилиши шарт.

Захарли доривор моддалар алоҳида дафтарда қўйидаги шакл бўйича ҳисобга олинади.

| Олинган сана | Кирим | | | Чиқим | | Қолдиқ | Имзо |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Қаердан | миқдори | сана | Касаллик тарихи, 1-вет журнали бўйича рўйхат рақами | миқдори | | |

Биорепаратлар учун алоҳида ертулага эга бўлган бино бўлиши керак, бу ерда улар яшикларда, шкафларда ёки токчаларда сақланади. Ҳар бир яшикда ёки шкафда сақланаётган биопрепаратнинг серияси ва яроғлилик муддати кўрсатилади.

Ветеринария ашёларини ҳисобга олиш журнал ва карточка шакли илова қилинади.

**Ветеринария таъминоти талабномаларининг шакллари.**

I-гуруҳ.Дорилар, доривор ўсимлилар, биопрепаратлар, дезинфекция воситаларига талабнома.

II-гуруҳ.Химик реактивлар ва препаратларга талабнома.

III-гуруҳ.Ветеринария анжомлари ва асбоб-ускуналарига талабнома.

IV-гуруҳ.Асбоблар, аппаратлар, лаборатория ва аптека идишлари ва термометрларга талабнома.

V-гуруҳ.Ветеринария, агрохимия ва лаборатория асбоб-ускуналарига ҳамда дорихона ашёларига талабнома.

**Т А Л А Б Н О М А**

I-гуруҳ. Дорилар, биопрепаратлар, дезинфекция воситаларига

"___"________20___ йилга __________________________________________ сўмга талабнома берган ташкилот, хўжалик номи

**Р Е К В И З И Т Л А Р**

1. Буюртмачи номи _____________________________________________

Манзили ______________________________________________________

2. Юкни қабул қилиб олувчи номи _______________________________

Манзили ______________________________________________________

3. Харид килувчи номи __________________________________________

Манзили ______________________________________________________

Туман ва Давлат банкида жорий ҳисоби N_______________

Корхона раҳбари ____________ _____________________

имзо Ф.И.О.

Бош ҳисобчи ________________ _____________________

имзо Ф.И.О.

"___"________200___ йил

| № | Ашёларнинг номи | Улгуржи баҳоси | | йилги | Эҳтиёж | Жумладан квартал бўйича эҳтиёж | | | | Илова |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сўм | тийин | миқдори | сўммаси | I | II | III | IV | |
| | | | | | | | | | | |

_____________ ___________ ___________ _________________

хўжалик номи бош вет.врач имзо Ф.И.О.

Дорилар сон-ҳисоби бўйича китоб шакли

Материал номи______________ номенклатура N _________________

Ўлчов бирлиги______________ баҳоси__________________________

| Куни | Ҳужжат | | Кимдан келди ёки кимга берилди | Миқдори ёки оғирлиги | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Номи | Рақами | | Кирим | Чиқим | Қолдиқ |

Материалларнинг сон-сумма ҳисоби карточкаси

Муассаса _________________ йил _____________

Дори (биопрепарат) номи ______________ счет N ______________

Ўлчов бирлиги ___________ прейскурант баҳоси ________ миқдор

| Ёзув куни | Кимдан келди, кимга берилди (ҳужжатлар, куни ва №) | Кирим | | Чиқим | | Қолдиқ | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

# ҚИШЛОҚ ВА ТУМАНЛАРДА ВЕТЕРИНАРИЯ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

**Режа:**

1. Туман ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши.
2. Туман Давлат ветеринария тармоғи ва рахбарлиги.
3. Туман ветеринария бўлимининг жойлашиши ва жихозланиши.
4. Туманда ветеринария ишини бошқариш.
5. Туман ветеринария лабораторияси.

## Туман ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши

Қишлоқ шароитидаги туманлар ветеринария хизмати ташқи қилинадиган ҳудудларнинг асосий таркибий қисми бўлиб, у жойларда асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқилади.

Ветеринарияда бажариладиган профилактик, даволаш, вет.санитар ва эпизоотияга қарши кураш тадбирларининг ундан тўққиз қисми туманларда амалга оширилади.

Туманлардаги ветеринария хизмати туман ветеринария бўлими, ветеринария станцияси, лабораторияси, хўжаликлар, ҳиссадорлик жамиятлари, корхоналар ва ташкилотлардаги мутахассислар томонидан амалга оширилади. Туман ветеринария бўлими бошлиғи (бош вет.врачи) уларга раҳбарлик қилади.

## Туман давлат ветеринария тармоги ва раҳбарлик

Туман давлат ветеринария тармоғини туман ветеринария бўлими, ветеринария станцияси (ҳайвонлар касалликлари билан курашиш станцияси), участка ветеринар шифохоналари ҳамда ветеринар участкаларидан ташкил топади. Шунингдек, туман маркази, шаҳар ва қўрғонлардаги бозорларда туман тасарруфидаги ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари ҳам мавжуд.

Давлат ветеринария муассасаси туман миқёсида ветеринар хизматини ташкил қилади ва амалга оширади.

Туман ветеринария станциясидаги мутахассисларнинг сони тумандаги мол бошига, жойлашиш ўрни ва ҳудудий кенглигига боғлик ҳолда 11-19-тагача бўлиши мумкин.

Энг кўп белгиланадиган штатлар: 3 та ветеринар врач, 2 та фельдшер, 2 та санитар ва катта ҳисобчи.

Врачлар: Эпизоотолог врач, врач-акушер, терапевт врач.

Дез.отряд бошлиги - ветеринар врач.

Ветеринария бўлим бошлиги бир пайтда туман бош ветеринар врачи лавозимини ҳам эгаллайди.

Станция мутахассислари қўйидаги тадбирларни режалаштиради, ташкилаштиради ва касалликларни олдини олиш ҳамда йўқотишни амалга оширади. Шунингдек, ҳайвонларни мақбул шароитларда асраш, озиқлантириш, даволаш, эмлаш, клиник ва лаборатор диагностик текширувлар ўтказишда иштирок этади.

Станция ходимлари ҳайвонларнинг қисир қолишини олдини олишда ҳам ҳамкорлик қилишади.

Врач-эпизоотолог, врач-терапевт, врач-акушер, врач-паразитолог каби лавозимлардаги мутахассислар ҳам ўз соҳалари бўйича масъулдирлар.

Туман ветеринария-станцияси туманинг барча ҳудуди бўйича назорат ўтказиб, унинг мансабдор шахслари чорвачилик объектларидаги ишлаб чиқариш жараёнларидан куннинг исталган пайтида хабарлашишлари мумкин. Жумладан, бозорлар қошидаги ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари ҳам туман ветеринария бўлимига бўйсунади ва унинг тасарруфида ҳисобланади.

## Туман ветеринария лабораторияси

Туман ветеринария лабораторияси ҳар бир туманда ёки туманлараро ташкил этилади. Бунда ҳайвонларнинг касалликларини (паррандалар, балиқ ва асалариларни ҳам қўшиб) диагностик текшириш ўтказилади, ҳайвонлар учун озиқа ва ичадиган сувнинг сифати аниқланади, гўшт, сут ва озиқа маҳсулотлари жуда аниқ анализ-экспертиза қилинади. Лабораториянинг қорамоғида гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларнинг ветеринария санитарияэкспертизаси лабораторияси ҳам бўлади.

Туман ветеринария лабораториясининг иши Ўзбекистон Республикаси Давлат Ветеринария Бош Бошқармаси тасдиқланган унинг ҳақидаги низом билан белгиланади. Лаборатория тумандаги диагностик текширишларнинг тўғрилигига, келиб тушган материалларнинг ўз вақтида ва сифатли текширилишига, ўз хулосасининг аниқ ва тўлиқлигига жавоб беради.

Лабораторияга узи хизмат қиладиган ҳудуддаги ветеринария муассасалари раҳбарларига ҳайвонларнинг касалликлари диагностикаси масалалари бўйича хулоса ва услубий кўрсатма бериш ва ветеринария тадбирларини ўтказиш ҳуқуқи берилган.

Туман ветеринария лабораториясида махсус автомашиналар “Тез ветеринария ёрдами” ва “Ветеринария амбулаторияси”, шунингдек, от бўлиши керак. Туман ветеринария лабораторияси вилоят ветеринария лабораториясининг раҳбарлиги фаолият кўрсатиб, улардаги бюджет маблағи ҳисобидан таъминланади.

Лабораториянинг директори ва ҳисобчисини туман ветеринария бўлими тавсиясига асосан вилоят ветеринария лабораторияси раҳбари томонидан ишга тайинлайди ва ишдан бўшатади. Лабораториянинг қолган ходимларини лабораториянинг директори ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади.

Туман ветеринария лабораторияси бурчак штампи ва ўзининг номи кўрсатилган думалоқ муҳрга эга.

## Туман ветеринария станциясининг кундалик иш тартиби

| № | Бажариладиган ишлар | Вақти | Бажарувчилар |
|---|---|---|---|
| 1. | Стационарни тозалаш, касал молларга ўт, сув, ем бериш | 7.30-8.00 | Вет.санитар |
| 2. | Стационардаги касал молларнинг тана температурасини ўлчаш | 8.00-8.15 | Вет.санитар |
| 3. | Ошхона ва операция хоналарини тозалаш | 8.15-9.00 | Вет.санитар |
| 4. | Стационардаги касал молларни даволаш | 9.00-10.00 | Вет.врач, вет.санитар |
| 5. | Олиб келинган касал молларни текшириш ва даволаш (амбулатория қабули) | 10.00-13.00 | Вет.фельдшер |
| 6. | Тушлик дам олиш | 13.00-14.00 | Вет.санитарлар |
| 7. | Стационардаги касал молларни боқиш ва бошқа ишлар. Ишлатилган асбобларни қайнатиб тозалаш (стерилизация) | 14.00 дан | Вет.санитарлар |
| 8. | Чақириқ бўйича мутахассисларнинг хонадонга ва хўжаликларга чиқиши | 14.00-17.00 | Вет.врачлар, вет.фельдшерлар |
| 9. | Мутахассислар навбатчилиги | 19.00 гача | График бўйича |

Туман ветеринария станцияси
бошлиғи: Э.СОБИРОВ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Туман ҳокими_____________
______ сўм, жумладан
______ сўм, иш ҳақига

Туман Давлат ветеринария бўлимининг сметаси

| № | Харажатлар номи | 20___йил | | | 20___йил | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Тасдиқ-ланган | Бажарил-ган | жами | Жумладан чоракликлар | | | |
| | | | | | I | II | III | IV |
| 1 | Иш ҳақи | | | | | | | |
| 2 | Иш ҳақига устамалар | | | | | | | |
| 3 | Идора ва хўжалик харажатлари | | | | | | | |
| 4 | Хизмат сафари харажатлари | | | | | | | |
| 5 | Илмий тадқиқот ишлари | | | | | | | |
| 6 | Дорилар, боғлов воситалари, асбоблар, махсус кийимлар | | | | | | | |
| 7 | Турли жиҳозлар | | | | | | | |
| 8 | Капитал маблағлар | | | | | | | |
| 9 | Хўжалик жиҳозлари | | | | | | | |
| 10 | Қурилиш ва таъмирлашга | | | | | | | |
| 11 | Бошқа харажатлар | | | | | | | |

## Туманда ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши




____________________ Буйсинади

____________________ Умумий раҳбарлик ва назорат

## ШАҲАРЛАРДА ВЕТЕРИНАРИЯ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

**Режа:**

1. Шаҳар давлат ветеринария бўлими ва шаҳарларда ветеринария хизматининг хусусиятлари.
2. Шаҳар давлат ветеринария бўлими тармоқлари.
3. Шаҳарларда ветеринария хизмати турлари.
4. Шаҳар давлат ветеринария бўлимининг вазифалари.

### Шаҳарларда ветеринария хизматининг хусусиятлари

Республикамиз аҳолисининг 30%-дан ортиқ қисми шаҳарларда истиқомат қилади ва мазкур шаҳарлар шароитида аҳолининг зич яшаши кўпчилик хоналарда паррандалар, уй ҳайвонлари ҳамда чорва молларининг асралиши, шунингдек, шаҳарлар шароитида, айникса йирик шаҳарларда чорвачилик маҳсулоти ва хом ашёларини қайта ишловчи корхоналари, гўшт комбинатлари, терини қайта ишлаш корхоналари, тури музлатгичлар, ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотлари сотиладиган дехкон ва мол бозорларининг кўп бўлиши ветеринария хизматининг фаолиятини мураккаблаштириб ўзига хос йўналишда ва кўп тармоқли фаолият кўрсатишга сабаб бўлади. "Ветеринария тўғрисида"ги қонуннинг 4-5 моддаларига асосан шаҳарларда шаҳар Давлат ветеринария бўлими ташкил этилиб унинг бошлиғи тегишли шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, тегишли вилоят Давлат Ветеринария Бошқармаси Бошлиғининг бўйруғи билан тайинланиб, у киши маъмурий, ташилий масалалар бўйича шаҳар ҳокимига бўйсунади ва унинг муовинларидан бири ҳисобланади.

Ветеринария масалалари бўйича эса вилоят Давлат Ветеринария Бошқармасига бўйсунади. Шаҳар Давлат ветеринария бўлими бошлиғи бир пайтда мазкур шаҳарнинг бош ветеринар врачи ҳамда Давлат Ветеринария Инспектори ҳисобланади.

Шаҳар Давлат ветеринария бўлими тармоқлари

Шаҳар Давлат ветеринария бўлимининг таркибига қўйидаги ташкилот ва муассасалар киради:

1.Шаҳар ветеринария станцияси

2.Шаҳар ветеринария лабораторияси

3.Бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари

4.Қутуриш касаллигига қарши кураш станциялари

5.Участка ветеринария шифохоналари

6.Ветеринария участкалари

Шунингдек, ёрдамчи хўжаликлар, утил завод, транспорт, гўшт комбинатлари ва тери заводларининг ветеринария хизматлари киради.

Шаҳар ветеринария станцияси - шаҳар ҳудудидаги марказий ветеринария ташкилоти ҳисобланиб, ҳайвонларни эмлаш ва даволаш ишларида ташкилотчи ҳамда ижрочи бўлиб, шаҳар ҳудудидаги барча ветеринария муассасалари ва

мутахассисларига услубий ҳамда амалий ёрдам беради ва Давлат ветеринария-санитария назоратини ўтказади.

Шаҳар ветеринария станциялари штатлари жадвали қўйидагича бўлиши керак:

1. Шаҳар ветеринария станциясининг бошлиғи
2. Ветеринар врач эпизоотолог
3. Ветеринар врач терапевт
4. Ветеринар фельдшер-аптека мудири
5. 2-та вет.санитар
6. Катта ҳисобчи
7. Фаррош хизматчи
8. Хайдовчи

Участка ветеринария шифохонаси. Шаҳар ветеринария-санитария станциясининг таркибига киради ва станция томонидан иш учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминланади. Штат бўйича шифохонада ветеринария врачи, фельдшер, иккита санитар ва ёрдамчи ходимлар бўлиши кўзда тутилган. Шифохонанинг асосий иши-ҳайвонларни амбулатор ва стационарда даволашдир, лекин кўпинча мутахассислар хонадонларга бориб ҳайвонларга ветеринария ёрдами кўрсатадилар. Шу билан бирга шифохона ходимлари шаҳар ҳудудидаги барча хўжаликларда профилактик ва эпизоотияларга қарши кураш тадбирларини ўтказадилар.

Ветеринария санитария экспертиза лабораториялари. Хўжаликлар ва фуқаролар гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ҳамда истеъмолбоп деҳқончилик маҳсулотлари билан савдо қиладиган ҳар бир бозорда ташкил этилади. Шаҳарлардаги бу лабораториялар одатда шаҳар ветеринария бўлими таркибига киради ва унинг бошлиғига бўйсунади.

Ветеринария санитария экспертиза лабораторияларининг асосий вазифаси бозорга сотиш учун келтирилган гўшт, сут маҳсулотлари ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказишдир. Ҳар бир лаборатория ўз штатида ветеринария врачи (бир пайтда лаборатория мудири ҳам ҳисобланади) ва битта ветеринария санитарига эга бўлади. Агар лабораторияга бир кунда 50-дан ортиқ экспертизани бажаришга тўғри келса, у ҳолда лаборатория штатига қўшимча равишда лаборант штати киритилади. Агар экспертизалар миқдори бир кунда 150-дан ортиб кетса, у ҳолда қўшимча равишда иккинчи врач ва иккинчи лаборант штати жорий этилади ва ҳоказо.

Ветеринария фельдшерлари ветеринария санитария экспертиза лабораторияларида кўпинча лаборант вазифасида ишлайдилар, ижрочи муассаса ҳисобланади. Айни пайтда бюджет ҳисобидаги маблағ эпизоотияга қарши тадбирлар ўтказилса, кўпчилик муолажаларни пуллик хизмат эвазига тегишли қонуний ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва улар бевосита ветеринария станцияси бўлимига бўйсунади.

Ветеринария участкалари. Шаҳардаги энг қўйи давлат ветеринария муассасаси, ўзларига беркитилган кичик худудларда ҳайвонларга ветеринария хизмати кўрсатиш билан шуғулланишади.

Шаҳарларда ветеринария хизмати турлари

Барча шаҳарлар шароитида 3 турдаги ветеринария хизмати фаолият кўрсатади:

- Давлат ветеринария хизмати юқорида қайд этилган барча ташкилот ва муассасалар томонидан фаолият кўрсатади;

- Идоравий ветеринария хизмати - шаҳар ҳудудида жойлашган ёрдамчи хўжаликлар, чорвачилик объектлари ва бошқа Вазирликлар бўйсунувидаги корхоналарда амалга оширилади. Улар давлат ветеринария хизмати назоратида фаолият кўрсатади;

- Хусусий ветеринария хизмати - кейинги йилларда шаҳарлар шароитида амалга ошириладиган ветеринария хизматининг кўпчилик қисмини ташкил этиб, тегишли ҳужжатлар ва рухсатномаси бўлган ҳар бир ветеринария врачи ҳамда уларнинг раҳбарлигида ветеринар фельдшерлар фаол шуғулланишади, айниқса, турли кичик корхоналар, фирмалар ва ветеринария дорихоналарининг хусусий тадбиркорлиги эвазига ветеринария таъминоти ишлари янада яхши йўлга қўйилмокда.

**Шаҳар давлат ветеринария бўлимининг вазифалари.**

- Шаҳар ҳудудини ветеринария-санитария жиҳатдан соғломлигини таъминлаш;
- Шаҳар ҳудудида ветеринария-санитар, профилактика ва даволаш тадбирларини режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш;
- Шаҳар аҳолисини антопозоонозлардан муҳофаза қилиш;
- Санитария-эпидемиология станция ходимлари билан биргаликда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини ҳамда бошқа маҳсулотнинг соғломлиги ва сифатини назорат қилиш;
- Шаҳар ҳудудидаги тегишли объектларда давлат ветеринария-санитария назоратини ўрнатиш;
- Шаҳарнинг тозалагини таъминлашда иштирок этиб, ҳайвон ўликлари ва қолдиқларини ўз вақтида йиғиштиришни ташкил этиш ва назорат қилиш.

Тошкент шаҳри ветеринария хизмати - Тошкент пойтахт шаҳар бўлиши туфайли унда Тошкент шаҳри Давлат ветеринария бошқармаси мақоми берилган бўлиб, унинг таркибига қўйидагилар киради:

Шаҳар бўйича 11-та ветеринария участка шифохонаси, 4-та ветеринария участкаси, 15-та қутуришга қарши станцияси, 13-та хўжалик ҳисобидаги ветеринария-санитария гуруҳлари, 19-та ветеринария-санитария экспертизаси лабораторилари ва уларнинг 4-та шахобчаси шаҳар ветеринар лабораторияси, 4-та бўлим, ҳамда марказлашган бухгалтерия бўлиб, 3-та ҳисобчи ишлайди.

Жами штатлар сони 256-та, ветеринария врачлар 78-та, ветеринария фелдшерлар 29-та, лаборантлар 33-та, радиометрист 6-та ва бошқа ёрдамчи ходимлардан иборат.

## Шаҳар ветеринария хизмати ташкилий структураси (намунавий)




__________________________ Бўйсунади.
__________________________ Умумий раҳбарлик ва назорат.

Шаҳар ветеринария станциясида намунавий штатлар сони

| № | Лавозимлар | Сони | Илова |
|---|---|---|---|
| 1. | Шаҳар вет.станциясининг бошлиғи (вет.врач) | 1 | |
| 2. | Вет.врач эпизоотолог | 1 | |
| 3. | Вет.врач терапевт | 1 | |
| 4. | Вет.фельдшер аптека мудири | 1 | |
| 5. | Вет.санитар | 2 | |
| 6. | Катта ҳисобчи | 1 | |
| 7. | Фаррош хизматчи | 1 | |
| 8. | Ҳайдовчи | 1 | |

# ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР, ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Режа**:

1. Чорвачилик хўжаликлари ҳамда хиссадорлик жамиятларида ветринария хизмати ва унинг вазифалари.
2. Хўжалик ҳамда хиссадорлик жамиятларида ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши ва штатларнинг белгиланиши.
3. Хўжалик ҳамда хиссадорлик жамиятларида ветеринария мутахассисларининг хуқуқ ва вазифалари
4. Чорвачилик ва ПХЖларида ветеринария хизматининг хусусиятлари.

А)қорамолчилик ХЖ

Б)товуқчилик ХЖ

В)чўчқачилик ХЖ

## Хўжаликларда ветеринария хизмати

Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария тўғрисида"ги қонуннинг 10,11,12 ва 13-моддаларида таъкидланганидек, хўжаликлар ва ҳиссадорлик жамиятларида идоравий ёки ишлаб чиқариш ветеринария хизмати жорий этилган бўлиб, тегишли туман ветеринария хизматининг таркибий қисми ҳисобланади. Хўжаликларда ветеринария хизмати ветеринария врачи ва ветеринария фельдшери томонидан амалга оширилиб, мазкур хўжалик ишларида фаолият кўрсатади.

Хўжаликдаги ветеринария мутахассислари қўйидагиларни амалга оширадилар:

- Хўжалик маъмурияти ва бошқа мутахассислари билан ҳамкорликда чорва молларининг туёгини кўпайтириш, маҳсулот ва хом ашё ишлаб чиқариш миқдорини ошириш;

- Хўжаликда мавжуд ҳайвонларнинг доимий кўрикдан ўтказиш, режаллаштирилган профилактик ва ветеринария-санитария тадбирларини амалга ошириш, касал молларни аниқлаб ажратиш ва даволаш;

- Хўжаликда Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария тўғрисида"ги қонунига риоя қилинишини таъминлаш;

- Хўжалик ишлаб чиқариш режаларини бажаришга мувофиқ фаолият кўрсатиш;

- Аҳолини зооантропонозлардан муҳофаза қилиш.

Хўжаликлар ва хиссадорлик жамиятларида ветеринария мутахассисларининг штатларини белгиланиши

Жамоа, ширкат ва фермер хўжаликларида ҳамда ҳиссадорлик жамиятларида ветеринария хизмати мазкур хўжаликнинг бош ёки катта ветеринар врачи томонидан ташкил этилиб, у маъмурий хўжалик масалалари бўйича хўжалик раҳбарига, барча мутахассислик масалалари бўйича эса туман давлат ветеринария бўлимига бўйсунади. унингдек, айрим хўжалик, бошқарма

ёки Вазирликлар карамоғида бўлса, мазкур хўжалик бош ёки катта ветеринар врачи тегишли юқори ташкилот ветеринария мутахассисига ҳам бўйсунади.

Хўжалик ва ҳиссадорлик жамиятларининг бош ветеринар врачи барча давлат ветеринария мутахассислари билан келишган ҳолда фаолият кўрсатади.

Хўжаликда хизмат қиладиган бошқа ветеринария мутахассислари эса шу хўжаликнинг бош ёки катта ветеринар врачига бўйсунади.

Хўжаликларда ветеринария хизматларининг штат сонини аниқлаш учун бевосита мавжуд молларнинг шартли бош сонлари ҳисоблаб чиқилиб, кейин белгиланади.

Ветеринария қонунчилигига асосан, хўжаликларда мавжуд моллар шартли бош сони 800 бошгача бўлса, катта ветеринария врачи, 800 шартли мол бошидан кўп бўлса, бош вет.врач жорий этилади. Шунингдек, кейинги 750-850 мол бошига 1-тадан вет.врач ёки вет.фельдшерлик штати белгиланади.

Ҳайвонларнинг шартли мол бошига айлантириш учун мазкур хўжаликлар сони нормативлар асосида белгиланган коэффициентларга кўпайтирилиб аниқланади:

М: 1 бош сигир - 1 шартли бош.

1 бош бўқа - 1 шартли бош.

1 бош ёш корамол-0,66, йилқи, туя-0,666 чўчқа-0,16.

Қоракўл қўй-0,1, товуқ-0,025, жужа-0,020.

Хўжалик раҳбарлари маҳаллий шароит, эпизоотик аҳвол ва ферма хусусиятини ҳисобга олиб, қўшимча штат бериши мумкин.

Наслчилик хўжаликлари учун эса ҳисобланган шартли мол бошини 1,4 коэффициентига кўпайтирилади. 850 эмас, балки 600-610 шартли мол бошига 1 ветеринария штати белгиланади.

Чорвачилик ва паррандачилик ҳиссадорлик жамиятларида эса мавжуд штатлар жадвалидан фойдаланилиб, ветеринария мутахассисларининг штатлари белгиланади.

**Хўжаликларда ва ҳиссадорлик жамиятларида ветеринария мутахассисларининг ҳуқуқ ҳамда вазифалари.**

а) Ҳуқуқлари:

- ўз карамоғидаги хўжаликларда куннинг исталган пайтида кўриши ва ветеринария қонунчилиги бузилганда, уни тузатиш бўйича кўрсатма бериши;
- ўз ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ветеринария қонунига риоя қилишларини талаб этиши;
- карантин жорий этилган холларда хўжаликка кириш-чиқиш, ташиб келтириш ёки олиб кетишни ман этиши.

б) Вазифалари: ўз ҳуқуқий доирасида ишлаб чиқариш ветеринария назоратини ўтказади;

- хўжаликда даволаш, эмлаш, ветеринария-санитария ва бошқа тадбирларни амалга оширади;

- Юқумли касалликлар қайд этилганда, шошилинч равишда тегишли давлат ветеринария мутахассисларига хабар беради ва касалликни ёйилиб кетмаслиги чорасини кўради;

- маҳаллий ҳукумат органларига ўзининг мутахассислик таклифларини билдиради (тадбирлар, чоралар);

- тегишли давлат ветринария муассасаларига рисоладаги тартибда ҳисобот беради;

- хўжаликда ёки отарларда даволаш стационарларини ва пунктларини ташкил қилади. Шунингдек, хўжаликда ҳайвонлар нобул бўлса, махсус ёки мажбурий сўйилса, уларга махсус шаклдаги – 100 шакл "Ҳайвонларнинг чиқим далолатномасини" ёлғиз ветеринария мутахассисларининг диагнозлари асосида тасдиқловчи имзолари билан бериш мумкин. Акс ҳолда ҳужжат ноқонуний ҳисобланади.

Далолатнома, ветеринария врачи ёки фельдшер, зоотехник ва ферма мудири ёки бригадир иштирокида тузилади.

Чорва моллари хўжаликлардан ўнлаб ва юзлаб километр узоқликда жойлашган қишки ёки ёзги яйловларда сақланаётган вақтда бу яйловларда даволаш-санитария пунктлари (ДСП) ёки даволаш профилактика пунктлари (ДПП) деб аталган пунктлар ташкил этилади ва жиҳозланади. Уларнинг вазифаси - касал, заиф ва ўсишдан орқада қолаётган, отар (пода) билан бирга ҳаракат қила олмайдиган (ўтлай олмайдиган) молларни муайян жойга тўплаб, даволаш ва яхшилаб боқишдан иборатдир. Бу нарса кўплаб миқдордаги молларни нобуд бўлишдан сақлайди.

Чорва моллари отарлардан (подалардан) йиғиб олинганда уларнинг эпизоотик ҳолати ҳисобга олинади. Моллар соғайиб, қўшимча равишда боқилгандан кейин қайси отарлардан (подалардан) олинган бўлса, ўша отарларга (подаларга) қайтарилади. Бошқа ҳолларда соғайган моллардан янги отарлар ёки подалар тузилади, ё бўлмаса улар семиртириб боқилгандан кейин сўйишга топширилади.

Барча хўжаликларда ҳайвонларнинг касалланиши ва даволаш-эмлаш, санитария ишлари тегишли журналларда ҳисобга олиб борилади.

Бу эса ветеринария хизматининг самарасини ошириб, сарф-харажатлар ва ҳисоботлар учун асос бўлади.

Чорвачилик ва паррандачилик ҳиссадорлик жамиятларида ветеринария хизматининг хусусиятлари Чорвачилик хиссадорлик жамиятлари (ХЖ) кўриладиган ҳудудни танлашда аҳоли пунктидаги ва ҳиссадорлик жамиятининг ўзидаги ҳаво хавзасини, сув таъминоти манбаларини, ҳавзаларни ва тупроқни санитария жиҳатидан муҳофаза қилишга катта эътибор берилади. Ҳиссадорлик жамиятларида ҳосил бўладиган гўнги қайта ишлайдиган ва ундан фойдаланадиган иншоотларни жойлаштириш, оқова сувлар ташлаб юбориладиган жойларни белгилаб олиш муҳим санитария-гигиена масалаларидан бири ҳисобланади.

Саноат асосида сут етиштириладиган, наслдор ва пода тўлдириладиган бузоқлар ўстириладиган ҳиссадорлик жамиятлар, бўрдоқига боқиш майдончалари бруцеллез ва сил касалликлари хавфидан холи бўлган ҳудудда

жойлаштирилади. Технологияга мувофиқ, молларни ўтлатиб боқиш кўзда тутиладиган ҳиссадорлик жамиятлар юқорида тилга олинган инфекциялардан холи бўлган кенг майдонда жойлаштирилиши керак.

Ветеринария-санитария ва зоогигиена талаблари ҳайвонларни асраш ва ҳиссадорлик жамияти ишчилари учун мақбул шароит яратиб беришга, юқумли ва инвазион касалликлар тарқалишига йўл қўймасликка қаратилгандир. Кўп миқдордаги ҳайвонларнинг нисбатан кичик майдонларга жойлаштирилиши, ҳиссадорлик жамиятининг бошқа хўжаликлар билан олиб борадиган ҳамкорлик муносабатлари кучайиши инфекциянинг илашиб келиши ва тарқалиш хавфини кучайтиради. Шунинг учун ушбу хўжаликларда чорва молларини асраш ва боқишга доир ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш талаблари кучайтирилади.

Ҳиссадорлик жамияти ҳудудининг атрофи кўпинча вирусли ва микробли инфекциялари уй ҳайвонлари ва ёввоий ҳайвонлар ўтолмайдиган қалин девор билан ўралади.

Тасодифан инфекция кириб қолишига қарши ветеринария жиҳатидан ҳимояланган бўлиши учун махсус тизим қўлланилади. Бу тизим ҳиссадорлик жамияти атрофидаги ҳудудни икки зонага: ташқи, яъни келтирилган ҳимоя зонасига ва ички-қўриқлаш зонасига бўлишни кўзда тутади. Барча зона ва бўлимларнинг атрофи ҳам тўсилган бўлади.

Ҳиссадорлик жамияти ҳудудига транспорт фақат текшириб туриладиган дезбаръерли дарвоза орқали киритилади. Кираверишга автотранспорт ғилдиракларини дорилаб чиқарадиган дезинфекцияловчи ванна қўрилади. Дезваннада сув чиқариш йўли ҳамда эритмани илитиб берадиган қувурлар бўлади. Ферманинг ички транспорти турадиган гаражлар ёки бостирмалар иҳота линиясида ремонт қилинадиган транспорт кира оладиган қилиб жойлаштирилади. Устохоналарни гараж билан ёнма-ён қуриш мақсадга мувофиқдир.

Инфекция пайдо бўлган тақдирда, корхонага автомашиналар киравериш жойи тозалаш ва дезинфекциялаш иншооти (оқова сув йули билан туташтирилган кўчма ёки стационар қурилма) билан таъминланиши керак. Автомашиналарни ювиш ва дезинфекциялаш қурилмаси шундай жойлаштирилиш керакки, инфекция пайдо бўлган тақдирда машиналар қурилма орқали ўта оладиган бўлсин. Гунгхоналар, ахлат чуқурлари, насос станцияси, гўнгни компострлаштириш майдончалари, ҳайвонлар ўликхонаси ташқи зонанинг алоҳида қисмида жойлаштирилади.

Бу қисмнинг атрофи тўсилади. Транспорт воситалари унга санитария-ҳимоя зонасидан қўшимча дезинфекция орқали киради.

Ветеринария объектлари, одатда, ишлаб чиқариш ва маъмурий хўжалик зоналари чегарасида жойлаштирилади. Санпропускник, қушхона, ем-хашак омбори, озиқ тайёрлаш цехи, ортиш ва тушириш эстакадалари зоналарнинг иҳота қисмида жойлаштирилади. Карантин бўлимлари ва изоляторлар улар учун махсус ажратилган участкаларда қурилади. Изолятор билан санитария қушхонасини битта гуруҳдаги бинолар қаторида жойлаштириш мумкин.

Ҳиссадорлик жамиятида профилактика, даволаш тадбирлари ва диагностика ветеринария-санитария объектлари бўлиши кўзда тутилиши керак:

- Хизматчи ходимлар жомакори ва пойабзалини санитария ишловидан ўтказиб турадиган ветеринария санитария пропускник;

- Ҳайвонларни мажбурий сўйиб юборишга, шунингдек, ўлган ҳайвонларни ёриб кўриш ва вақтинча сақлаб туришга мўлжалланган сўйиш-санитария пункти (ҳайвонлар ўлиги махсус жихозланган автотранспортда утилизация цехига жунатилади);

- Ҳайвонларни амбулатория ва стационар шароитда даволайдиган ветеринария анжомлари ва дезинфекция воситалари сақланадиган ветеринария пункти. Ветеринария пунктида даволаш муолажалари ўтказиладиган манеж-қабулхона, биопрепаратлар сақланадиган омборхонаси ҳам бўлган дорихона дезинфекция воситалари омбори, бош вет.врач хонаси ва бошқа ветеринария мутахассислари хонасини ўз ичига оладиган амбулатория бўлади.

Юқумсиз касаллик билан касалланган, узоқ муддат даволаниши керак бўлган ҳайвонлар асраладиган стационар. Бу стационар ветеринария пункти билан битта-қисмда жойлаштирилади.

Чорвачилик ва паррандачилик ҳиссадорлик жамиятларида ветеринария хизматининг хусусиятлари

Сутчилик хиссадорлик жамиятида ветеринария даволаш профилактик ишлари тўла ҳажмда ташкил қилинади. Чунки бу ерда юқори маҳсулдор сигирлар боқилади. Олинадиган сутнинг сифати ветеринария-санитария талабига жавоб бериши лозим. Шунинг учун сутчилик хиссадорлик хўжалигидаги ветеринария пунктида тўлиқ жиҳозланган ветеринария амбулатория ҳамда мавжуд молларнинг 3 фоизига етадиган стационар бўлими зарур.

М: 400 бош соғин сигир бўлса - 12 бошга.

400 бошга - 1-та ветеринар врач, 1-та ветеринар фельдшер,

1-та санитар.

Сутчилик ва ғуножин ўстириш ҳиссадорлик жамиятларида умумий ветеринария ишлари билан бир қаторда ҳайвонларнинг барча юқумли касалликларга чалинишидан асраш асосий йўналиш ҳисобланади.

Туғрукхона бўлимлари сутдан чиққан сигирлар асраладиган бинолар ва профилакторийлар билан муносабатда бўлиб туриш қулай бўлиши кўзда тутилган ҳолда жойлаштирилади.

**Мол гўшти етиштириладиган ҳиссадорлик жамиятлари.**

Саноат асосида мол гўшти етиштиришни иқтисодий, хўжалик, табиий-иқлим ва бошқа шароитга караб, битта ёки бир нечта корхона таркибида амалга ошириш мумкин. Масалан, қорамолларни маънавий усулда семиртириб боқишда бузоқларни ўстириш ва етилтириш бир хил корхоналарда, уларни жадал бурдоқига боқиш эса бошқа корхоналарда амалга оширилади. Бунга мисол қилиб Республикамизда Каттақўрғон ҳиссадорлик жамиятини ва Сирғали чўчқачилик комплексини келтириш мумкин.

## ХУСУСИЙ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ВА ЗООВЕТСЕРВИС ПУНКТЛАРИ

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида хусусий ветеринария хизматининг жорий этилиши.
2. Хусусий ветеринария хизмати муассасаларининг турлари ва уларни ташкил этиш қоидалари.
3. “Зооветсервис” пунктлари
4. Хусусий ветеринария уюшмасининг низоми
5. Кўрсатаётган хизмат турлари, хизмат хақи, даромади ва унинг тақсимланиши.
6. Хар хил мулк эгалари билан ветеринрия мутахассисларининг муносабати.
7. Шартномалар тузиш..

Республикамизнинг мустақиллик йилларида халқ хўжалигининг барча жабҳаларида бозорли иқтисодиёт шароитида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қайсики, Республикамиз қишлоқ хўжалигининг, хусусан ветеринария хизматининг самарали фаолияти ва ривожланишига ҳам ижобий таъсир этмокда. Айниқса 1993 йилнинг 3 сентябрида бўлиб ўтган Олий Кенгашининг (Мажлиснинг) сессиясида "Ветеринария тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ва мазкур қонуннинг 14, 15, 16-моддаларига асосан Республикада хусусий ветеринария хизмати билан шуғулланишга рухсат этилиши бизнинг соҳадаги ислоҳотларнинг дастлабки муҳим боскичи бўлди.

### Хусусий ветеринария фаолияти (14-модда)

Хусусий ветеринария фаолияти билан ветеринария врачи бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, барча давлатларнинг фуқоролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шуғулланишга ҳақлидирлар.

Ветеринария фельдшерлари ва техниклари ветеринария врачи назорати остида хусусий иш билан шуғулланадилар.

Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланаётган ветеринария мутахассислари белгиланган тартибда берилган тегишли рухсатномалар (лицензиялар)га эга бўлишлари шарт.

### Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларнинг ҳуқуқлари (15 модда)

Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи ветеринария мутахассислари:

- Ҳайвонларнинг карантин ёки қонунларда белгиланган чеклашлар қўлланадиган касалликларга челиниши ҳолларини истисно этганда касалликни аниқлаб ташхис қўйиш ва даволаш билан шуғулланишга;
- Ҳайвонларни касалланишдан сақлаш мақсадида эмлаш тадбирлари ўтказишга, шунингдек, ҳайвонларнинг эгаларига маслаҳат беришга;

- Ҳайвонлар соғлигига доир ветеринария ҳужжатлари беришга;

Моллар ва бошқа ҳайвонларнинг юқумли касалликларга чалиниши хавфи пайдо бўлганида ҳайвонларни, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни, шунингдек, ем-хашакни объектга четдан олиб келиш ва объектдан четга олиб чиқишни таъқиқлаб қўйишга ҳақлидирлар.

## Ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларнинг вазифалари (16-модда)

Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи ветеринария мутахассислари:

-Ҳайвонларда юқумли касалликлар борлиги хусусида шубха пайдо бўлганида бу ҳақда маҳаллий Давлат ветеринария хизматига зудлик билан хабар қилишлари ва касалликларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари;

- Касалликлар кенг тарқалиб кетганида Давлат ветеринария кўрсатмаларига мувофиқ равишда ветеринария тадбирларини амалга оширишлари;

- Амалга ошаётган ишлари ҳақида Давлат ветеринария хизмати олдида белгиланган тартибда ҳисоб бериб боришлари шарт.

Шу ўринда хурматли давлат арбобларининг доно ҳикматларини қайд этиб утишни лозим деб топдик:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов: "Хусусий мулкчиликдан афзалроқ ва самаралирок шаклни ҳали ҳеч ким уйлаб топган эмас".

Англиянинг собиқ Президенти У.Черчиль: "Бозор иқтисодиёти кўп нуқсонларга эга, лекин инсоният ундан яхшироғини уйлаб топган ёки ихтиро қилган эмас". Чунки жаҳондаги ветеринария хизматларининг иш усулини таҳлил қилсак, турли давлатларда хусусий ветеринария хизмати улуши 53-98%-гача кўрсаткичга эга.

Айни пайтда бизнинг Республикамизда ҳам хусусий ветеринария хизматининг улуши ортиб бормоқда, уларнинг улуши 40-45%-дан ортиқ.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасида ҳайвон эгаларига ветеринария хизмати кўрсатиш қоидалари расмий ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси билан 1997 йил 23 апрелда келишилган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги томонидан 1997 йил 1 майда тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1997 йил 17 августда 358-рақам билан рўйхатга олинган бўлиб, мазкур ҳужжат хусусий ветеринария ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини жорий этилиши муҳим аҳамият касб этиб, 4 қисм ва 20 банддан иборат. Қуйида унинг қисқача мазмунини шарҳлаб ўтамиз:

1. Умумий ҳолатлар, банддан иборат бўлиб, унда мазкур ҳужжатнинг аҳамияти, "Ижрочи" ва "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари, ветеринария хизмат кўрсатувчи муассасанинг ўз номи ва пешлавхаси бўлиши, "Ижрочи" уз Лицензияси ва бошқа ҳужжатлар олиши, "Истеъмолчи"га кўрсатиладиган

хизмат турлари ва шартномалар тузиш, шартнома бўйича ҳайвонларни даволаш, эмлаш, бошқа муолажалар ўтказишда томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, хизмат учун тўлов қоидалари, баҳсли муаммоларни ажрим қилиш кабилар баён қилинган.

2. Хизмат (ишлар) учун буюртмалар қабул қилиш ва уларни расмилаштириш. Бу қисм 5 банддан иборат бўлиб, "Ижрочи" уз фаолияти доирасида буюртмачилар қабул қилиши "Истеъмол"чига касса чеки, квитанция ёки бошқа ҳужжат берилиши, иш сифатига "Ижрочи"нинг масъулиги, "Истеъмолчи" ветеринария қоидасини бузса, зарарни ўзи қоплаши ёки аксинча ҳолатларда ижрочини жавобгарлиги қайд этилади.

3. Хизмат кўрсатиш (иш бажариш). Бу кисмда асосан 1-та банд бўлиб, унда "Ижрочи"нинг барча ветеринария тадбирлари ва муолажаларни режали равишда сифатли ҳамда самарали воситаларини куллаб ўтказиш, лаборатор-диагностик ишларни бажариши, ҳайвонларни сотиб олиш, ургатиш ва асраш бўйича маслаҳатлар бериши, истеъмолчининг шахсий хавфсизлиги ва ташкил муҳитнинг соғломлигини риоя қилиши зарур.

4. Хизмат (иш) га хак тўлаш тартиби ва шакли. 7 банддан иборат бўлиб, унда "Ижрочи"га ҳак тўлаш томонларнинг келишувига асосланиши, ҳак тўлашнинг муддати ва миқдорлари шартномада кўрсатилиши, смета тузиш ва риоя қилиш, мажбурий тадбирлар харажатини истеъмолчи тўлаши, ижрочининг бажарган ишлари бўйича ҳисобот тақдим этиши, бахсли ҳолатлар Давлат ветеринария хизматининг юқори идоралари ёки хўжалик суди орқали ажрим қилинади. Шунингдек, "Ижрочи" ва "Истеъмолчи" Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилиши мажбурийдир.

## Ўзбекистон Республикасида ҳайвон эгаларига ветеринария кўрсатиш
## Қ О И Д А Л А Р И

(Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси билан 1997 йил 23 апрелда келишилган, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги томонидан 1997 йил 1 майда тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1997 йил 17 августда 358-рақам билан рўйхатга олинган).

I. Умумий ҳолатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қоидалар ветеринария хизмат кўрсатиш тадбирларини белгилайди.

2. Ветеринария хизмат кўрсатувчи корхона, муассаса, ташкилотлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ветеринария мутахассиси (кейинги ўринларда "Ижрочи") ҳайвон эгаларига (кейинги ўринларда "Истеъмолчи") ветеринария хизмати кўрсатишда Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги қонунларига. Ўзбекистон

Республикасининг ва Ўзбекистон Республикаси субъектларининг ветеринарияга оид бўлак ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

3. Ветеринария хизмати кўрсатувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар ихтисоси, фаолиятининг шакли, ишлаш тартиби тўғрисидаги маълумот ва фирма номи акс эттирилган пешлавҳага эга бўлишлари шарт.

4. Ветеринария хизмати кўрсатувчи, ветеринария соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи мутахассис "Истеъмолчилари"га рўйхатдан ўтганлиги ва уни рўйхатга олган муассаса номи тўғрисидаги, мазкур турдаги хизмат (иш)ни кўрсатиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия)ни, унинг мазмуни ва бошқа зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

5. "Истеъмолчи":

"Ижрочи" билан ветеринария хизмати кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш;

"Ижрочи"дан ҳайвонларнинг касаллик ҳолати, эпизоотик вазият ҳамда ҳайвонлар ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни махсус текшириш натижалари тўғрисида маълумотлар олиш;

Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан ўрнатилган тартиблар асосида ҳайвонларни ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар, озуқалар, ветеринария препаратларини, шу жумладан, чет эллардан олиш ҳамда сотиш;

"Ижрочи"га ҳайвонларни даволаш ва касалликнинг олдини олишда ёрдам бериш ҳайвонларни, ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни ҳамда хомашёларни сотиш учун ветеринария гувоҳномаси ёки маълумотномасини расмийлаштириш, шунингдек, бошқа турдаги ветеринария хизматлари кўрсатишни сўраб мурожаат қилиш;

Ҳайвонлар (шу жумладан, паррандалар, мўйнали ҳайвонлар, балиқлар ва асаларилар)ни сотиб олишда сотувчидан ветеринария гувоҳномаси ёки белгиланган намунадаги маълумотларни талаб қилиш;

Маҳаллий ҳукумат органларининг ва "Ижрочи"нинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва кўрсатмалар устидан шикоят қилиш хуқуқига эгадирлар.

6. "Истеъмолчи":

"Ижрочига, унинг талабига биноан, диагностик текшириш, даволаш ва профилактик тадбирлар ўтказиш учун ҳайвонларни кўрсатиши, янги ҳайвон сотиб олганлиги тўғрисида, ҳайвонларнинг тўсатдан ўлиши, касалланиши ёки уларда ғайри-табиий ҳолатлар пайдо бўлган барча ҳолларда дарҳол хабар бериши;

Гўшт, сут, гўшт ва сут маҳсулотларини, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини фақат ветеринария-санитария экспертизаси ўтказилиб, озиқ-овкат мақсадида фойдаланиш учун яроқлиги тўғрисида "Ижрочи"нинг хулосаси олингандан сўнг сотиши;

Ҳаром ўлган ҳайвонларнинг гавдаларини, шунингдек, ховлида сўйилган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг инсон ва ҳайвонлар учун истеъмолга яроқсиз маҳсулотлари (конфискатлари)ни гўшт-суяк уни ишлаб чиқарувчи ихтисослашган заводлар (ветеринария-санитария утил заводлари)га ёки уларни йўқ қилувчи тармоқлар (мол турлари)га дарҳол олиб бориб топшириши;

Зоогигиена талабларига мувофиқ ҳайвонларнинг тегишли тартибда сақланиши ва озиқлантирилишини, шунингдек, уларни сақлаш бўйича мавжуд йўриқнома, қўлланма ва кўрсатмалар асосида мажбурий даволаш касалликнинг олдини олиш тартиблари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаши шарт.

7. "Ижрочи":

Барча махсус тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг "Ветеринария тўғрисида"ги қонун ва республикадаги ветеринарияга доир бошқа қонун ҳужжатлари асосида ўтказиши;

"Ижрочи" томонидан хато ва камчиликларга йўл куйилса, "Истеъмолчи"нинг талабига кўра уларни қўшимча тўловларсиз тузатиши;

Сифатсиз иш натижасида "Истеъмолчи"га етказилган ҳакикий зарарни ишнинг шартномавий баҳосидан ошмайдиган сўммада қоплаши;

Кўрсатиладиган ветеринария хизмати (бажариладиган ишлар)га оид маълумотларни "Истеъмолчи"га аниқ ва тушунарли ҳолда тақдим этиши шарт. Кўрсатиладиган ветеринария хизматига доир маълумотлар танишиш учун қулай жойда бўлиши ва таркибида қўйидагилар албатта бўлиши шарт;

Ветеринария хизмати (ишлар)нинг асосий турларини рўйхати ва уларни бажарилиш шакли;

Таклиф этилаетган хизматларнинг нархномаси ёки баҳоси;

Мазкур турдаги хизматни кўрсатишга ҳуқуқ берувчи махсус рухсатнома (лицензия);

Препаратлар, дори-дармонлар ва бошқа воситаларнинг намуналари;

Хизмат кўрсатиш пайтида қўлланувчи ветеринария воситалари;

Хизмат (ишлар)нинг бажарилиши ва тўловлар акс эттирувчи намунавий шартномалар, квитанциялар, жетонлар, тилхатлар, талонлар ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари;

Айрим тоифадаги "Истеъмолчи"лар учун кўзда тутилган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлар;

Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳайвонларга ветеринария хизматлари кўрсатиш масалаларига доир меъерий ҳужжатлари ва қарорлари;

Маҳаллий маъмурият ҳузуридаги "Истеъмолчи"лар ҳуқуқларини ҳимоя килувчи идора ҳақидаги маълумотлар.

II. Хизмат (иш)лар учун буюртмалар қабул қилиш ва уларни расмийлаштириш

1.Ижрочи ўзининг фаолиятига мос келувчи хизмат (иш)лар учун буюртмалар қабул қилади.

2.Хизматлар Ижрочи томонидан шартнома асосида, абонемент хизмат кўрсатишни расмийлаштириш ёки белгиланган нусхадаги жетон, талон, касса чёки, квитанциялар ёки бошқа ҳужжатлар бериш йули билан амалга оширилади.

3.Ижрочи кўрсатиладиган хизмат (бажариладиган иш)лар мобайнида вужудга келиши мумкин бўлган асоратлар, Ижрочига боғлик бўлмаган ҳолда иш сифатига хавф солувчи бошқа ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида Истемолчини ўз вақтида огоҳлантириши шарт.

4.Агар "Истеъмолчи" "Ижрочи" томонидан ўз вақтида ва асосли равишда огоҳлантиришган қарамай, хизмат кўрсатиш сифатига хавф солувчи ҳолатларни ўзгартирмаса ёки уларни олдини олиш чораларини кўрмаса, ижрочи шартномани бузиш ва етказилган зарарларнинг қопланишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

5. Агар "Ижрочи" кўрсатиладиган хизмат (иш)лар мобайнида юзага келадиган асоратлар тўғрисида "Истеъмолчи"нинг ўз вақтида огоҳлантирилмаса ва буни белгиланган шаклдаги ҳужжатда қайд этмаса, у кўрсатилган хизмат (иш)лар натижаси учун жавобгар бўлади.

III. Хизмат кўрсатиш (иш бажариш)

1. "Ижрочи":

Ҳайвонларнинг юқумли, паразитар ва бошқа касалликларга қарши ветеринария-санитария тадбирларини, профилактик эмлашлар ва ишлов беришлари қулай муддатларда ва энг самарали воситалар ёрдамида ўтказилишини, "Истеъмолчи"нинг мурожаати (аризаси)га кўра ўз вақтида даволаш ишларини ўтказилишини;

Касалликларнинг олдини олиш мақсадида ҳайвонларни кўрикдан, зарур ҳолларда лаборатория-диагностика текширувидан ўтказилишини таъминлайди;

Ҳайвонларни сотиб олиш, урчитиш, озиқлантириш, парваришлаш, сақлаш ва етиштириш технологиясига оид масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

Ташхис қуйиш, касалликнинг олдини олиш ва даволашда ҳайвонларга салбий таъсир этмайдиган восита ва усуллар қўлланилишини, ветеринария тадбирларини ҳайвонларнинг соғлиги ва маҳсулдорлигига, "Истеъмолчи"нинг ҳаёти ва соғлигига, шунингдек, ташқи муҳитнинг хавфсизлик ҳолатига таъсир этмаслигини таъминлайди.

**IV. Хизмат (иш)га ҳақ тўлаш тартиби ва шакли**

1. Кўрсатиладиган хизматга ҳак тўлаш шакли "Истеъмолчи" ва "Ижрочи"нинг ўзаро келишувларига мувофиқ белгиланади.

2. Агар шартномада кўрсатилган хизмат (иш) шартноманинг амал қилиш муддати давомида босқичма-босқич кўрсатилиши (бажарилиши) белгиланган бўлса, унга ана шу босқичларга мувофиқ ва шартномада келишилган миқдорда ҳақ тўланади. тахминий смета тузилиши мумкин. Ижрочининг қатъий сметага киритилмаган ишлар ва қўшимча харажатлар учун ҳақ тўлашини талаб қилишга ҳаққи йўқ.

4."Ижрочи"нинг айибисиз касалликлар пайдо бўлганда, уларни тугатиш ва хўжаликни соғломлаштириш бўйича қўшимча мажбурий тадбирларни ўтказиш учун сарфланган харажатларни "Истеъмолчи" тулайди.

5.Шартнома "Ижрочи"нинг айибисиз бекор қилинса, "Истеъмолчи" ҳақиқий харажатларни тўлаш керак, "Ижрочи" эса бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот тақдим этиши шарт.

6. Номолиявий мазмундаги даъволашувлар Давлат ветеринария хизматининг юқори идоралари томонидан ёки суд орқали хал этилади.

7.Мазкур қоидаларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларига,

шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг субъектларининг ветеринарияга оид бўлак ёки бошқа қонун ҳужжатларига амал қилинмаган ёхуд улар бузулган ҳолларда "Ижрочи" ва "Истеъмолчи" Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ТАСДИҚЛАНДИ ________________

КЕЛИШИЛДИ: (тахминий)

__________________ Туман, шаҳар

_______________________________

ҳокимнинг______________________

ветеринария бўлимининг қарори билан

Бошлиқ

"___"________200 йил

Чорва молларига пуллик зооветеринария хизмат ҳақи нархномаси ("прейскуранти")

| Хизмат тури | Ўлчов бирлиги | Энг кам иш ҳақига нисбатан % хизмат нархи |
|---|---|---|
| 1.Уйга чақирувга ҳайвон эгасининг транспортида бориш | 1 марта | 10 |
| 2.Уйга чақирувга вет.врач ўз транспортида бориш | 10 км | 15 |
| 3.Уйга чақирувга вет.врач ўз транспортида бориш | 20 км | 20 |
| 4.Доривор моддаларнинг тери ичига, тери остига мушак ичига юбориш | 1 бошга | 5 |
| 5.Доривор моддаларнинг вена ва артерия қон томирларига юбориш | 1 бошга | 10 |
| 6.Венадан қон олиш (кўп миқдорда) | | 10 |
| 7.Доривор моддаларнинг елинга юбориш | | 15 |
| 8.Доривор моддаларнинг кўз шиллиқ пардасига юбориш, ювиш | | 3 |
| 9.Доривор моддаларнинг оғиз орқали ичириш ЙШМ ва МШМ | | 3 |
| 10.Чўчқаларга доривор моддаларни оғиз орқали ичириш | | 5 |
| 11.Ҳайвон ва паррандаларга доривор моддаларни озуқага ёки сувга қўшиб ялпи ичириш | | 3 |
| 12.Доривор моддаларни зонд орқали юбориш | | 10 |
| 13.Ўткир дамланган молларга бирламчи ёрдам кўрсатиш | | 30 |
| 14.Кесилган ва йиритилган жароҳатларни тикиш | | 30 |
| 15.Оддий операциялар | | 30 |
| 16.Мураккаб операциялар | | 50 |
| 17.ЙШМ-ларни шохини кесиш | 1 жуфт | 5 |
| 18.От ва МШМ туёғини тозалаш ва кесиш | | 30 |
| 19.Ит томоғидан ёт нарсаларни олиш | 1 бошга | 30 |
| 20.Ахта қилиш | | 30 |
| 21.Туғишда ёрдам бериш | | 50 |
| 22.Чиққан бачадонни жойига қуйиш | | 70 |

| | | |
|---|---|---|
| 23.Бачадонга доривор моддаларни юбориш ва клизма қилиш | | 10 |
| 24.Тўғри ичакдан бўғозликка текшириш | | 30 |
| 25.Ҳайвонларни клиник текшириш, маълумотнома бериш | | 5 |
| 26.1-2-3 вет.шакл тўлдириш ва бериш | 1 дор.фо | 20 |
| 27.Одамларни тишлаган ит ва мушукни 10 кун давомида кузатиш ҳамда клиник текшириш ва маълумот бериш | | 10 |
| 28.Маслаҳат бериш ва рецепт ёзиш | 1 | 10 |
| 29.Пат.анатомик текшириш ЙШМ, от, туялар | 1 бошга | 5 |
| 30.Пат.анатомик текшириш МШМ, итлар, мушуклар, паррандалар | | 50 |
| 31.Сўйилган чўчқа гавдасини ички органларини органолептик текшириш маълумотнома бериш | | 25 |
| 32.Сўйилган ЙШМ гавдасини ички органларини органолептик текшириш маълумотнома бериш | | 30 |
| 33.Сўйилган ЙШМ гавдасини ички органларини органолептик текшириш маълумотнома бериш | | 30 |
| 34.Сабзавотларни нитрат-нитратга органолептик текшириш | 1 намуна | 20 |
| 35.Картошка, ковун, тарвуз органолептик тек. 100гр. Ортиғи | | 5 |
| 36.Бошоқли экинларни органолептик текшириш | 1 тонна | 5 |
| 37.Макка дон 100 кг.гача | | 5 |
| 38.Тузланган полиз экинлари орг/кг. | 3 кг. | 3 |
| 39.Қуруқ мевалар органолептик 50кг.гача | | 3 |
| 40.Парранда тухумидан 20 донадан - 1донасини овоскопия қилиш | | 3 |
| 41.Қорамолларни канага қарши доривор эритма билан чўмилтириш | 1 бошга | 3 |
| 42.МШМ канага қарши доривор эритма билан чўмилтириш | | 10 |
| 43.Парранадаларни канага қарши доривор эритма билан чўмилтириш | | 5 |
| 44.Куйдирги касаллигига текшириш учун теридан намуна киркиб олиш ва реакция Асколи қуйиш | 1 намуна | 3 |
| 45.Асални текшириш | | 10 |
| 46.Сут маҳсулотларини текшириш | 1 тек. | 5 |
| 47.Ўсмаларни ва абцессаларини олиш | | 5 |
| 48.Жароҳатларга боғлама қуйиш | | 20 |
| 49.Итни думини кесиш | | 5 |
| 50.Итни қулоқини кесиш ва тозалаш | | 10 |
| 51.Синган жойига шина куйиш | | 10 |
| 52.Синган жойига гипс куйиш | | 10 |
| 53.Болани йулдошини бачадондан ажратиш ва ювиш | | 20 |
| 54.Кесаров усулида кесиш | | 30 |
| 55.Бузоқликка текшириш | | 50 |
| 56.Маститларини даволаш | | 30 |
| 57.Сунъий уруғлантириш (уруғ нархи кирмайди) | | 20 |
| 58.Ошкозон бўлимларини даволаш (бир мартаси) | | 10 |
| 59.Озуқадан заҳарланишини даволаш (бир мартаси) (дори нархи кирмайди) | | 10 |
| 60.Минерал алмашинувини бузилишини даволаш | | 10 |

| | | |
|---|---|---|
| 61.Ўпка касалликларини (бир мартасини) даволаш | | |
| 62.Техник воситалари давомида травмат. | | 10 |
| 63.Қон-паразит касалликларини даволаш | | 20 |
| 64.Касал ҳайвон учун вет.врач маълумотномаси | | 15 |
| 64.Касал ҳайвон учун вет.врач маълумотномаси | | 15 |
| 65.Насилли молларни сотишга тайёрлашда ҳужжат тайёрлаш | | 5 |
| 66.Клизма ўтказиш: ЙШМ, от, МШМ ва бошқалар | | 5 |
| Лаборатория текширишлари:<br>67.Микроскопик | 1 текш. | 10 |
| 68.Бактериологик | | 20 |
| 69.Дизенфекция сифатини текшириш | | 20 |
| 70.Биологик (биопроба) | | 30 |
| 71.Серологик РА, РСК | | 10 |
| 72.Гематологик умум. | | 10 |
| 73.Копрологик текшириш | | 5 |
| 74.Биохимик текшириш | | 10 |
| 75.Химик-токсикологик текшириш | | 10 |
| 76.Органолептик текшириш | | 5 |
| 77.Радиобиологик текшириш | | 10 |
| Махсус тадбирлар:<br>78.Туберкулинизация ўтказиш | 1 бош | 10 |
| 79.Дегельминтизация | | 5 |
| 80.Гиподерматоз кар.иш | | 10 |
| 81.Дезинфекция ўтказиш (дори нархисиз) | | 5 |
| 82.Дератизация ишлари 1кв.м. | | 5 |
| В.С.Э.лабораторияси текширишлари (пули хизмат)<br>83.Йирик шохли моллар гўшти | 1 гавда | 25 |
| 84.Майда шохли моллар гўшти | | 13 |
| 85.От гўшти | | 25 |
| 86.Чўчқа гўшти | | 20 |
| 87.Парранда гўшти | | 3 |
| 88.Қуён гўшти | | 3 |
| 89.Асал текшириш | 1 намуна | 6 |
| 90.Сут маҳсулотлари | | 8 |
| 91.Сабзавот органолептик 100кг.гача | 1 текш. | 4 |
| 92.Нитратга | | 10 |
| 93.Картошка, ковун, тарвуз 100 кг.гача | | 5 |
| 94.Нитратга 100 кг.ошиғи | | 9 |
| 95.Бошоқли экинлар органолептик 100 кг. | 1 текш. | 5 |
| 96.Макка дони 100 кг.гача | | 5 |
| 97.Тузланган полиз экинлари органолептик 50 кг.гача | | |
| 98.Қуруқ мевалар, органолептик 50 кг.гача | | 5 |
| 99.Парранда тухумини 20 донасидан 1 донасини овоскопия қилиш | 1 дона | 2 |
| Импорт-экспорт маҳсулотлари:<br>100.Парранда гўшти | 1 тонна | 20 |
| 101.Сариқ ёғ | | 20 |
| 102.Думба ёғи | | 30 |
| 103.Қуруқ сут | | 20 |
| 104.Қуюқ сут ва бошқа сут маҳсулотлари | | 30 |
| 105.Балиқ маҳсулотлари (консервалар) | | 25 |
| 106.Гўшт (ЙШМ, МШМ, чўчқа ва бошқа маҳсулотлар) | | 30 |

| | | |
|---|---|---|
| 107.Комбикорм, шрот | | 4 |
| 108.Асал | | 50 |
| 109.Тери чорва хом-ашёси | 1000 дона | 30 |
| 110.Жун | 1 тонна | 30 |
| 111.Емга аралаштириладиган препаратлар | | 30 |

## Ш А Р Т Н О М А

Фермер А/: билан вет-пункт ўртасидаги "___"______201__йил.

Ихтисослашган "Ветеринар" кичик корхонаси бошлиги вет.врач У.Давронов бир томондан _____________________иккинчи томондан бўлиб шартнома мазмуни тубандагича.

Чорва моллари хар хил юқумли, юқумсиз касалликлардан муҳофаза қилишда профилактик тадбирларни ўтказиш ва даволаш она молларни пуштсизлигини олдини олиш, бузоқ олиш ва ўстиришни яхшилаш, сифатли чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида томонлар ўз зиммасига олади.

"Ветеринар" кичик корхонаси

Ветеринария қонунчилиги асосида:

1. Эпизоотик ҳолатни баҳолаш, белгиланган режалари асосида диагностик ва профилактик тадбирларни ўтказишни, бюджетдан молиявий таъминланадиган тадбирлар бундан муснасно;

2. Паразитар касалликларга қарши белгиланган режалар асосида диагностик текширувлар ва ишловлар бериш;

3. Юқумсиз касалликларни олдини олиш ва даволаш тадбирларини ўтказиш;

4. Чорва моллари орасида пуштдорлик бўйича иш олиб боради ва она молларни қисир қолишини олдини олишни;

5. Ветеринарияга таъллуқли бошқа тадбирларни ўтказишни;

6.Зарур бўлган зооветеринария асбоб-ускуналарини ва дори-дармонларини ўз аптекаси орқали етказиб беришни.

Юқорида кўрсатилган ветеринария тадбирлари учун ҳар бир шартли молга __________ сўмдан, жами ____________________________

шу жумладан:

I-чорак__________________ III-чорак____________________

II-чорак_________________ IV-чорак____________________

сўмлик хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади.

**Б У Ю Р Т М А Ч И:**

1. Ветеринария қонун қоидаларига тўлиқ риоя қилиш.

2. Ветеринария мутахассиси берган кўрсатмаларни ўз вақтида бажариш.

3. Ветеринария чора-тадбирларини ўтказиш учун мутахассисга тўлиқ шароит яратиб бериш.

4. Зарур бўлган дори-дармонларни ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиш.

**ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

1. Ўтказилган тадбирлар учун буюртмачи ҳар чорак якуни билан шартнома кўрсатилган:

I-чорак_________________________III-чорак___________________

II-чорак________________________ IV-чорак___________________

сўмлик хизмат ҳақи беради.

2. "Ветеринар" кичик корхонаси дорихонасидан сотиб олинган асбоб ускуна ва дори дармонлар учун пул ўтказиш ёки накд пул билан ҳисобланади.

3. Ҳар чорак якун билан шартномада кўрсатилган хизмат ҳақини кечиктирмаган ҳолда ҳар бир кун учун ҳисобига 0,01% устама тўланади.

Шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

Шартнома фақат икки нусхада бир йил муддатга тузилади.

**ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОХИ:**
Хонқа туман Охунбобоев жамоа _____________________________
хўжалиги бригада №3 ______________________________
Ветеринария бўлими биноси ____________________________
"Ветеринария" кичик корхонаси _____________________________
бошлиғи У.Давронов ______________________________

## Ш А Р Т Н О М А

Зооветучастка билан вет.пункт ўртасидаги _"___"_________20___ йил

Ихтисослашган "Ветеринар" кичик корхонаси бошлиги вет.врач У.Давронов бир томондан __________________________________________ иккинчи томондан зооветпункт мудири бўлиб шартнома мазмуни тўбандагича.

I. "Ветеринар" кичик корхонаси қўйидагиларни ўз зиммасига олади.

1. Зооветпунктига ҳудуд белгилаб беради.
2. Юқумли касалликлар бўйича тадбир белгилаб беради.
3. Ветеринария чора-тадбирларини ўтказиш учун дори-дармон, вакцина, зардоблар ва зооветеринария асбоб-ускуналари билан таъминлайди.
4. Ветеринарияга таълукли бўлган янгиликлар, маслахатлар, тавсиялар, кўргазмалар ва қўлланмалар билан таништириб боради.
5. Ўтказилган барча ветеринария чора-тадбирларини бажарилишини назорат қилиб боради.

"_____________" зооветпункт мудири ўз зиммасига олади:

1.Беркитилган ҳуддуда барча эпизоотик тадбирларни ўз вақтида тўлиқ ва сифатли ветеринария талаблари даражасида бажаради.
2. Диагностика ва лаборатория текширишларни ўз вақтида ўтказади.
3. Юқумсиз касалликлар бўйича даволаш ишларини олиб боради ва чорва молларини нобуд бўлишини олдини олишда амалий ёрдам беради.
4. Чорва моллар орасида пуштдорлик бўйича иш олиб боради ва она молларни қисир қолишини олдини олади.
5. Ветеринария-санитария талабларини тўлиқ бажарилишини назорат қилиб бориш.
6. Барча чорва моллари орасида тўсатдан нобуд бўлиш ҳолларида вет.бўлимга хабар қилиш ва алоҳида ажратиб сақлаш.
7. Сўйилган молларни ва чорва маҳсулотларини ветеринария-санитария кўригидан ўтказиб истеъмолга рухсат беради.
8. Бажарилган тадбирлар тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштириб, ҳар бир ҳисобот ойида қилинган ветеринария хизмати учун ҳисобот беради ва ўтказган барча ветеринария тадбирлари учун тўлиқ жавобгардир.
9. Ҳар ойда _______________ хизмат кўрсатишини ўз зиммасига олади.
10.Кўрсатилган ветеринария хизмат ҳакига туширилган даромаднинг ________________ ҳисобида иш ҳаки тўланади.

Шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

Шартнома фақат икки томонлар мажбуриятларини тўлиқ бажармаган ҳолда бузулади.

Шартнома фақат икки нусхада бир йил муддатга тузилади.

**ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОХИ:**
Хонқа туман Охунбобоев жамоа ___________________________
хўжалиги бригада №3 ___________________________
Ветеринария бўлими биноси ___________________________
"Ветеринария" кичик корхонаси ___________________________
бошлиғи У.Давронов ___________________________

## ХУСУСИЙ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ВА ТАРТИБИ

**I. Шакллари:**

- Зоовет пунктлар
- Кичик корхоналар
- Масъулияти чекланган жамиятлар
- Фирмалар
- Ветеринария дорихоналари

**II. Тартиби:**

- Туман ёки шаҳар ҳокими номига ариза;
- Ташаббускор гуруҳнинг мажлиси баёнидан кўчирма;
- Гуруҳ аъзоларининг рўйхати;
- Бўлажак муассасанинг низоми;
- Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори ва рўйхатга олиш;
- Муҳр ва штамп ясатиш;
- Банкда ҳисоб рақам очиш;
- ЎзРДВББ нинг «ЛИЦЕНЗИЯ» сини олиш;
- Шартномалар тузиш ва фаолият кўрсатиш.

# ВЕТЕРИНАРИЯ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ.

**Режа:**

1. Ветеринария-санитария назоратининг моҳияти
2. Ветеринария-санитария назоратининг мақсадлари
3. Ҳайвонларни асрашда ветеринария-санитария назорати.
4. Ҳайвонлар, чорвачилик маҳсулотлари ва хом-ашёларини ташишда, экспорт ҳамда импорт жараёнларида ветеринария-санитария назорати.

## Ветеринария-санитария назоратининг моҳияти ва мақсадлари

Ветеринария-санитария назорати ташқи муҳитнинг соғлом ва озодалигини таъминлаш эвазига ҳайвон подаларини ва чорва маҳсулотларини соғломлаштириш ҳамда инсонларни антропозооноз касалликлардан ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ветеринария тадбирлар мажмуидир.

Ветеринария-санитария назорати - барча турдаги давлат ва идоравий, хусусий ветеринария ташкилотлари фаолиятида амалга оширладиган асосий тадбирлардан ҳисобланиб, қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Чорвачиликни ривожлантириш ва санитария жиҳатидан сифатли маҳсулот етиштиришни таъминлаш;

2. Аҳолини антропозоноз касалликлардан ҳимоялаш мақсадида чорва моллари ва маҳсулотларининг соғломлигига эришиб, ижтимоий муаммони ҳал этиш. Бу муаммони амалга оширишда санитар-эпидемиологик станция ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Ветеринария-санитария назоратининг мақсадлари:

1. Ветеринария-санитария қоидаларининг бузилишини олдини олиш;
2. Қоида бузилиш окибатларини тугатиш;
3. Сифатли ва соғлом маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш.

Ветеринария-санитария назоратининг турлари

Ветеринария-санитария назоратининг барча Давлат ветеринария ташкилотлари ҳамда жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари ва ҳиссадорлик жамиятлари мутахассислари амалга оширадилар.

Шунингдек махсус ветеринария-санитария назорати муассасалари ҳам мавжуд:

а) Ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари;

б) Транспорт ветеринария-санитария участкалари;

в) Чегара ветеринария-санитария назорати пунктлари;

г) Терини куйдирги касаллигига текшириш лабораторилари ва бошқа тегишли ташкилотлар шуғулланади. Уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария тўғрисида"ги қонуннинг 6,7 ва 8-моддаларидаги тегишли қоидаларига риоя қиладилар.

Давлат ветеринария тармоғида ишловчи мутахассислар ветеринария инспекторлари ҳисобланади ва Давлат ветеринария-санитария назоратини амалга оширадилар.

Ишлаб чиқариш ветеринария назорати - хўжалик ва корхоналардаги идоравий ва хусусий ветеринария хизматлари томонидан иш жараёнида амалга оширилади.

**Давлат ветеринария инспекторлари.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош Бошқармасининг бошлиғи - Ўзбекистон Республикасининг Бош Давлат ветеринария инспектори ҳисобланиб, унинг муовинини эса бош Давлат ветеринария-инспектори ўринбосари ҳамдир.

Турли соҳадаги ветеринар-инспекторлар эса ўз соҳалари - хизмат доиралари бўйича Давлат ветеринария-инспекторлари ҳисобланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Давлат ветеринария Бошқармасининг бошлиқлари - мазкур жойларда Бош Давлат ветеринария-инспекторлари ҳисобланади, ўринбосарлари эса муовин ҳамдир.

Бошқармадагилар эса ўз хизматлари доирасида Давлат ветеринария-инспекторлари ҳисобланади.

Транспорт ва Давлат чегараси ветеринар-инспекторлари бошлиқлари ҳам ўз соҳаларида Бош Давлат ветеринар-инспекторлари ҳисобланади.

Ветеринария-санитария назорати объектлари:

- Чорвачилик хўжаликлари, ПХЖ, балиқчилик, ЧХЖ, асаларичилик, ҳайвонот боғлари ва бошқалар;
- Бўрдоқичилик ва мол ўстириш;
- Ем-хашак базалари ва омборхоналар;
- Транспорт шахобчалари, давлат чегараси;
- Мол бозорлари;
- Мол сўйиш, гўштни қайта ишлаш саноати;
- Чорва молларининг хом-ашёларини ката ишлаш;
- Сут тайёрлаш ва қайта ишлаш;
- Ветеринария-санитария назорати ўтказиш усуллари:
- Объектларда доимий ва баъзан назорат ўтказиш;
- Текшириш, кўрикдан ўтказиш;
- Махсус текширишлар;
- Ветеринария-санитария экспертизаси;
- Ҳар томонлама ва санитар текшириш;
- Мавжуд ҳужжатлар асосида текшириш.
- Ветеринария-санитария назорати тадбирлари:
- Тозалаш - дезинфекция, денинвазия каби санитар тадбирлар;
- Транспортда ҳайвон ва маҳсулот ортишни ман қилиш, тушуриб қолиш;
- Сут саноатида - маҳсулотни брак қилиш, вақтинча цехни ёпиш;
- Гўшт ва хом-ашё саноатида маҳсулотни брак қилиш, суйдирмаслик;
- Бозорларда - вақтинча бозорни ёпиш, маҳсулотларни брак қилиш, жарима ундириш ва бошқалар.

## Ҳайвонларни асрашда ветеринария-санитария назорати.

Ҳайвонларни асрашда ветеринария-санитария назоратини амалга ошириш чорвачиликда ветеринария-санитария маданиятини ривожлантиришга бағишланган бўлиб, барча чорвадорлар ва ветеринария ходимлари зиммасига масъулият юклайди.

Барча чорвачилик фермаларида куйидаги вазифаларни бажаришни тақоза этади:

- Фермани санитария-гигиена нормалари асосида кўриш;
- Ҳайвонларни асраш, озиқлантириш ва сугоришда санитария-гигиена талабларини бажариш;
- Ишлаб чиқариш жараёнида санитария-гигиена режимига риоя қилиш;
- Маҳсулот етиштиришнинг санитар қоидаларига риоя қилиш;
- Шахсий гигиенага риоя қилиш;
- Ферма ҳудудида ва молхоналарда ветеринария-санитария кунларини ўтазиб туриш.
- Сут соғиш ва бошқа маҳсулот тайёрлаш устидан назорат:
- Соғлом ва сифатли сут ишлаб чиқаришни назорат қилиш;
- "Ветеринария-санитария" қоидаларига риоя қилиш;
- "Мажбурий сўйиш" фақат ветеринария врачи (фельдшер) рухсати билан амалга оширилади.

**Давлат ветеринария инспекторлари (7-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош Бошқармасининг бошлиги Ўзбекистон Республикасининг Бош Давлат ветеринария инспектори ҳисобланади, унинг ўринбосарлари - Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Давлат ветеринария бошқармалари - вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Бош Давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳри Бош Давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармасининг Давлат чегараси ва транспортдаги Давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиги Давлат чегараси ва транспортдаги Бош Давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Шаҳарлар ва туманлар Давлат ветеринария хизматларининг бошлиқлари тегишли шаҳар ва туманнинг Давлат ветеринария инспектори ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария мутахассислари ўз ваколатлари доирасида Давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат ветеринария инспектори, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Давлат чегараси ва транспортдаги бош Давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари ва Давлат ветеринария

инспекторлари ўз ваколатлари доирасида ушбу қонунга мувофиқ ягона Давлат ветеринария назоратини амалга оширадилар.

**Ҳайвонлар, чорвачилик маҳсулотлари ва хом-ашёларини ташишда, экспорт ҳамда импорт жараёнларида ветеринария-санитария назорати.**

**Умумий қоидалар.**

Молларни ва чорва маҳсулотларини ташишда ветеринария-санитария назоратининг бош вазифаси юқумли касалликларни тарқалишига йўл қўймаслик ва ҳайвонларни нобуд қилмасликдир. Шунингдек, Давлат ветеринария назоратининг асосий талабларидан бири ташилаётган мол ва маҳсулотларни соғлом хўжаликлардан чиқаётганлигини таъминлаш ҳисобланади.

Касал молларни изолятор ёки гўшт комбинатларига ташиш эҳтиёжи бўлганда эса тегишли қоидаларга риоя қилиш ва махсус транспорт воситаларидан фойдаланиш лозим.

Республика хўжаликларида оқсил сингари ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоғи мавжуд бўлса, ҳайвон ва чорва маҳсулотларини вилоятлараро ташиш учун вилоят ветеринария бошқармасининг ёки Республика ветеринария Бош бошқармасининг рухсати талаб қилинади.

Ҳайвонларни ва чорва маҳсулотларини ташишда ветеринария назорати Давлат ва идоравий ветеринария ташкилотларининг мутахассислари томонидан амалга оширилади. Ветеринария қонунчилигидаги кўрсатмаларга асосан четга жўнатилаётган ёки яйловга ҳайдалаётган ҳайвонлар клиник кўрикдан ўтказилиб, зарурий ҳолларда диагностик текширувдан ўтказилади ва профилактик ишлов берилади.

Жўнатилаётган ҳайвон ёки маҳсулотлар мазкур туман ҳудудида миқёсида ҳаракатланса, биринчи ёки иккинчи шаклдаги маълумотномалар берилади.

Ҳайвонлар ёки чорва маҳсулотлари ва хом ашёлари вилоятлараро ёки ундан ташкарига МДҲ-га жўнатилса, махсус шаклдаги (1, 2, 3-шакл) гувоҳномалар берилади.

Ушбу гувоҳнома ёки маълумотномалар Республика ва вилоят ветеринария бошқармасининг рухсатномаси асосида Давлат ветеринария ташкилотларининг раҳбарлари томонидан берилиши мумкин (йўриқнома).

**Автомобил йуллари ва тупрок йўлларда ветеринария назорати**

Маҳаллий Давлат ветеринария тармоғи мутахассислари томонидан амалга оширилиб, ҳайвон ёки маҳсулот харакатланадиган ҳудудлардаги Бош ветеринария врачлари аввалдан огоҳлантирилади ва вилоятлар орасидаги чегараларда ветеринария ходими иштирокида ветеринар-текширув пунктлари ташкилкилинади. Улар ҳайвонларни текшириши, юқумли касалликларга тахмин бўлганда зарурий чоралар кўриш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, ташилаетган ёки ҳаракатланаетган ҳайвон ва маҳсулотларга зарурий ҳужжат бўлмаса, пункт назоратчиларига уларни сақлаш ва тегишли ветеринария ташкилотларига хабар қилиш ҳуқуқига берилган.

Молларни мавсумий яйловларга ҳайдаш пайтида эса сурувларни ветеринария ходимларининг ўзлари бошлаб юришлари лозим. Бу эса ветеринарияга боғлиқ бўлган муаммоларни осон ҳал қилишда қўл келади.

**Темир йул ва дарё транспортида ветеринария-санитария назорати.**

Темир йул ва дарё транспортида ветеринария назорати ветеринария Бош бошқармаси томонидан алоқа йўллари ва сув флоти раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун йирик темир йул станциялари ва портларда ветеринария-санитария участкалари ташкил қилиниб, назорат ўтказадиган ўз ҳудудий чегарасига эга бўлади.

Мазкур участкаларнинг бошлиқлари – ветеринария врачи бўлади ва ушбу йулда Бош Давлат ветеринария инспектори ҳамдир. Унинг муовини эса бош эпизоотолог ҳисобланади. Ветеринария-санитария участкаларининг ходимлар ҳайвон ва паррандаларни ҳамда чорва маҳсулотларини кўрикдан ўтказиш билан бирга уларни ортиш, ташиш ва тушуришда тегишли ветеринария-санитария қоидаларини бажарилишини назорат қилади. Ушбу ветеринария-санитария участкаларида ҳайвон ва чорва маҳсулотларини кўрикдан ўтказиш журналлари юритилиб, ветеринария қонунига зид холларда участка бошлиги томонидан юк тақиқланиши ёки жарима солиниши мумкин.

Денгиз флотларида ветеринария назорати маҳаллий Давлат ветеринария ташкилоти томонидан бажарилиб, экспорт ва импорт муаммолалари эса чегара Давлат ветеринария хизматига буйсунади.

**Давлат чегарасида ветеринария-санитария назорати**

Давлатлараро ҳайвонларни, чорва маҳсулотлари ва озуқаларини экспорт ҳамда импорт жараёнлари чегара ветеринария назорати пунктлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу турдаги ветеринар пунктлари чет эл ҳаво йўллари билан боғланган аэропортларда ҳам ташкил қилинади. Чегара ветеринария назорат пунктлари давлат бюджети ҳисобидан фаолият кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария Бош бошқармасига бўйсунади. Уларнинг бош вазфиаси давлатимиз ҳудудида четдан юқумли касаллик киритилмаслик ва ўзидан четга соғлом ҳайвон ҳамда маҳсулот жўнатишдир.

Чегара ветеринария назорати пунктлари четдан ўтказилган ҳайвон ва маҳсулотларини кўрикдан ўтказиши, карантинда сақлаши ва тегишли ветеринария-санитария ишлови беришлари лозим. Касал молларни эса сақлаб даволайдилар.

Пункт ветеринария ходимлари жўнатилаётган ҳайвоннинг гувоҳномаси асосида унга ветеринария сертификати хужжатини тайёрлайди ва рухсат беради.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
қатнашчиларининг Ветеринария соҳаси
бўйича Давлатлараро кенгаши
22 октябр 1998 йил
Тошкент шаҳри

**Давлат ветеринария назоратидаги юкларга ветеринария кузатув ҳужжатларини бериш тартиби ҳақида**

## Й Ў Р И Қ Н О М А

1. Мазкур йўриқнома Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) қатнашчиларининг 1997 йил 25 апрелда Бишкек шаҳрида ветеринария соҳаси бўйича Давлатлараро Кенгаш йиғилиши қарорининг ижросига оид "МДҲ-га аъзо давлатларда Давлат ветеринария назоратидаги юкларга ягона шаклдаги ветеринария гувоҳномаси ва сертификатларини юритиш"га келишилган бўлиб, МДҲ мамлакатлари ҳудудидаги барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан риоя қилиши мажбурийдир.

Унда такидлашича, ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар, асаларилар ва бошқаларини асровчи, етиштирувчи, овловчи ҳамда ҳайвонот дунёси маҳсулоти ва хом ашёларини, ҳайвонлар учун озуқа ва емли бирикмаларни ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи, қайта ишловчи, ташувчи, сақловчи ва сотувчиларнинг барчаси идоравий бўйсунувчанлиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар ушбу йўриқноманинг ижроси учун жавобгардирлар.

2. Давлат ветеринария назоратидаги юкларни (кейингиларда "юклар") тайёрлаш, ташиш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда уларнинг ветеринария-санитария ҳолатини тасдиқловчи тегишли иловада берилган 1-9 шакллардаги ветеринария-кузатув ҳужжатларининг расмийлаштириш талаб этилади.

2.1. №1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномалари № 1.1, 2.1 ва 3.1-иловаларда келтирилган юкларни тегишли туман ёки шаҳардан ташқарига жўнатиб, МДҲ ҳудуди бўйлаб ташиш учун берилади. №4-шаклдаги ветеринария маълумотномалари тегишли туман ёки шаҳар ҳудудида ташилаётган (ҳаракатланаётган) ветеринария назоратидаги юклар учун яроқлидир.

Ветеринария назоратидаги юкларни экспорт қилиш учун эса №5 шаклдаги (a, b, c, d, e) ветеринария сертификатлари расмийлаштирилади.

3. №1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномалари туман ёки шаҳарнинг Давлат ветеринария хизмати ветеринария врачлари томонидан берилиб, уларнинг руйхатини туман ёки шаҳарнинг Бош Давлат ветеринария инспектори тасдиқлайди.

№4-шаклдаги ветеринария маълумотномалари Давлат ва идоравий (ишлаб чиқариш) ветеринария хизматининг ветеринария мутахассислари томонидан берилади.

№5-шаклдаги (a, b, c, d, e) ветеринария сертификатлари давлат чегара ветеринария назорат пунктларининг ветеринария врачлари томонидан берилади.

3.1 Туман ёки шаҳар ҳудудида ташилаётган юкларга берилган №4-шаклдаги ветеринария маълумотномаси Давлат ёки ишлаб чиқариш ветеринария хизмати муассасаси (бўлинмаси) ветеринария мутахассиси

томонидан имзоланиб, мазкур муассаса (бўлинма)нинг муҳри билан тасдиқланади.

3.2 Ветеринария назоратидаги юкларни Республика бўйсунувидаги шаҳар ва вилоят ҳудудида ташилганда №1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномалари туман (шаҳар) Бош Давлат ветеринария инспектори ёки туман (шаҳар) бошқармаси (бўлими)нинг ваколатли ветеринария врачи томонидан имзоланиб, туман (шаҳар) ветеринария бошқармаси (бўлими)нинг муҳри билан тасдиқланади.

3.3 Ветеринария назоратидаги юклар тегишли Давлат ҳудудида ташилганда №1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномалари туман (шаҳар) Бош Давлат ветеринария инспектори ёки туман (шаҳар) ветеринария бошқармаси (бўлими)нинг ваколатли ветеринария врачи томонидан имзоланиб, туман (шаҳар)нинг ветеринария бошқармаси (бўлимининг муҳри билан тасдиқланади ва “Махсус белгилар” қисмида Республика бўйсунувидаги вилоят ёки шаҳар Бош Давлат ветеринария инспекторининг рухсатини рақами ва санаси кўрсатилади.

3.4 Ветеринария назоратидаги юклар МДҲ ҳудудида ташилганда №1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномалари туман (шаҳар) Бош Давлат ветеринария инспектори ёки туман (шаҳар) ветеринария бошқармаси (бўлими)нинг ваколатли ветеринария врачи томонидан имзоланиб, туман (шаҳар)нинг ветеринария бошқармаси (бўлими)нинг муҳри билан тасдиқланади ва шунингдек, Республика бўйсунувидаги вилоят ёки шаҳарнинг Бош Давлат ветеринария инспектори томонидан имзоланиб, Республика бўйсунувидаги вилоят ёки шаҳар ветеринария бошқармаси (бўлими)нинг муҳри билан тасдиқланади.

3.5 Ветеринария наззоратидаги юклар экспорт қилганда №1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномалари туман (шаҳар) Бош Давлат ветеринария инспектори ёки туман (шаҳар) ветеринария бошқармаси (бўлими)нинг ваколатли ветеринария врачи томонидан имзоланиб, ҳужжатнинг “Махсус белгилар” устунига мамлакат бошқарув органи рухсатномасининг рақами ва санаси ёзиб қўйилади. Айрим ҳолларда, Республика бўйсунувидаги вилоят ёки шаҳарнинг Бош Давлат ветеринария инспекторлари рухсати бўлса, “Махсус белгилар” устунида уларнинг маълумотлари кўрсатилади.

3.6 Хорижга экспорт қилинаётган юклар учун чегара ветеринария назорати пункти ветеринария врачи томонидан туман (шаҳар)лардан берилган ветеринария гувоҳномасининг ўрнига №5 (a, b, c, d, e) шаклдаги ветеринария сертификати берилади.

3.7 Хориждан келтирилган импорт юкларга чегара ветеринария назорати пункти, ветеринария врачлари, ветеринария сертификатининг ўрнига N1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномалари беради.

3.8 Мудофаа, ички ишлар ва бошқа Вазирликларнинг идоравий ветеринария хизмати мутахассислари ўзларига тегишли юклар мамлакат ичкарисида ташилган №1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномаларини беришга ҳақлидирлар. Шунингдек, мудофаа Вазирлигига бўйсунувидаги чегара

ветеринария назорат пункти мутахассислари ўз юкларига №5-шаклдаги ветеринария сертификатини бериши мумкин.

3.9 Туман (шаҳар) ҳудудида 5 бошгача ҳайвон жўнатилганда уларнинг рўйхатида лақаби ва бирка рақамини (сўйиладиган мол учун) №4 -шаклдаги ветеринария маълумотномасининг “Махсус белгилар” устунида қайд этилади. Шунингдек, МДҲ ҳудудида ҳаракатланганда №1-шаклдаги ветеринария гувоҳномасининг мазкур қисмида, экспорт қилинганда эса №5-шаклдаги ветеринария сертификатининг тегишли қисмида ёзиб қўйилади. Жўнатилган ҳайвонлар сони 5 бошдан ортиқ бўлса, ветеринария маълумотномаси, гувоҳномаси ва сертификатига ҳайвонларнинг махсус қайдномаси (опис) илова қилиниб, у ҳужжат берувчи ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши талаб этилади.

3.10 Республика ҳудудларида ҳайвон ва паррандаларнинг юқумли касалликлари бўйича карантин ўрнатилганда ветеринария-кузатув ҳужжатлари Республика Бош Давлат ветеринария инспекторларининг рухсати асосида берилади.

4.Ветеринария кузатув ҳужжатларининг вазифалари қатъий тартибда ҳисобга олиниб, ветеринария мутахассисларига рақамланган ва тикилган тартибда берилади.

4.1 Ветеринария ҳужжатларининг варақаларини тайёрлаш тартиби:

-Марказлашган усулда тайёрланиб, шаҳар, вилоят, Давлат чегараси ветеринария назорат пункти, идоравий ветеринария хизмати муъмуриятларнинг буюртмаси асос бўлади;

-1 та варақада ҳужжатнинг юза қисми ва орқа бети чоп этилади;

-№1-шакл сиёҳ рангли тўрт бурчак ва мовий тусдаги махсус расм билан ифодаланади;

-№2-шакл қўнғир рангли тўрт бурчак ва қизғиш тусдаги махсус расмга эга;

-№3-шакл қизғиш-қўнғир рангли тўрт бурчак ва сарғиш тусдаги махсус расм билан ифодаланади;

-№4-шакл вилоят ва шаҳар бош ветеринария инспекторларининг таклифи бўйича тайёрланади;

-№5-шакл Республика Бош Давлат ветеринария инспекторининг таклифи асосида тайёрланади.

4.2 Ветеринария гувоҳномаси ва маълумотларнинг варақалари автоматик тарзда 8 та сон билан рақамланиб, уларнинг дастлабки 2та рақами Республика бўйсунувидаги вилоят ёки шаҳарнинг тартиб рақамини ифодаласа, чизиқчадан кейинги 2 та рақам туман (шаҳар)нинг тартиб рақами ҳисобаланиб, қолган тўрттаси ҳужжатнинг тартиб рақамидир. Дастлабки 2 жуфт рақамлар 2.7 банд бўйича берилиб, МДҲнинг ветеринария соҳаси бўйича 22 октябр 1998 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган Кенгашда тасдиқланган “Гўштларни ветеринария тамғаси бўйича йўриқнома”га асосланилади.

4.3 Давлат чегара ветеринария назорат пункти ва транспорт пунктлари бериладиган ветеринария-кузатув ҳужжатларининг варақалари босмахона усулида рақамланиб (автоматик нумератор) 3 жуфт сонда ифодаланади.

Уларнинг биринчи жуфти-мазкур Давлатнинг чегара ветеринария хизматини ифодаласа, иккинчи жуфт рақам-чегара ветеринария назорати ёки транспорт ветеринария хизмати бошқармасини билдиради. Учинчи жуфт рақам эса чегара ёки транспорт ветеринария назорати пунктини ифодалайди. Шунингдек, барча ветеринария-кузатув ҳужжатларига мавжуд рақамлардан кейин чизиқча (дроб) орқали ҳужжат берувчи ташкилот ва муассасалар ўзларининг қайд қилиш рақамини ёзишади.

4.4 МДҲ мамлакатларининг Бош ветеринария инспекторлари ўзаро бир-бирларига ушбу йўриқноманинг 4.2 ва 4.3 бандлари бўйича ҳужжатларни рақамлаш рўйхатини тақдим этадилар.

4.5 Расмийлаштирилган ветеринария-кузатув ҳужжатларининг тегишли нусхалари (корешоги) туман (шаҳар)ларнинг Бош ветеринария инспекторлари ва чегара ветеринария назорат пункти бошларида 3 йил давомида сақланади.

4.6 Мазкур ҳужжатлар турли рангдаги сиёҳ, шрифт ва қўлёзмалар билан тўлдирилса, тузатилса, буялса, муҳри кўринмаса ёки бўлмаса имзоланмаса, ветеринария врачнинг лавозими тўлиқ ёзилмаса, насаби, исми, шарифи қайд этилмаса, сана қўйилмаса ва бошқа тегишли маълумотлар тўлиқ ёзилмаса яроқсиз деб ҳисобланади.

5.Ветеринария назоратидаги маҳсулотларнинг ветеринария кузатув ҳужжати бўлмаса ёки 4, 5-банд бўйича яроқсиз деб топилса, шунингдек, гўшт бўйича бўлакларида тамғалар ноаниқ бўлса ёки бутунлай булмаса, қайта ишлаш ва сотишга яроқсиз ҳисобланиб, тегишли ҳужжатлар тақдим этилиб, қўшимча лаборатория текширувлари ўтказилгунча алоҳида тартибда сақланади.

5.1 Ветеринария кузатув ҳужжатларини расмийлаштириш ва беришда тартиб бузиш ҳоллари аниқланса, туман (шаҳар) Бош Давлат ветеринария инспекторлари далолатнома тузишиб, мазкур “сохта” ҳужжат билан вилоят ёки шаҳар Бош Давлат ветеринария инспекторига тақдим этишади ва айбдор шахс жавобгарликка тортилади.

6. Тери-мўйна хом ашёлари тегишли туман (шаҳар) ҳудудида қайта ишлаш учун ташиб тўпланилганда №4-шаклдаги ветеринария маълумотномаси берилиб, барча тери ва пўстаклар белгиланган тартибда биркаланиши талаб этилади (бунда рақамлар учиб ёки ювилиб кетмаслиги зарур). №3-шаклдаги ветеринария гувоҳномаси эса фақатгина тамғаланган хом ашёларга берилади.

7. Ветеринария-кузатув ҳужжатларининг яроқлилик муддатлари:

-№1, 2 ва 3-шаклдаги ветеринария гувоҳномалари ва №4 шаклдаги ветеринария маълумотномаси берилган кундан ташиш, сотиш ва сақлашга қадар 3 кунгача яроқли;

-№5-шаклдаги ветеринария сертификатлари спортчи циркда уйнайдиган ва бошқа ҳайвонларга берилганда мазкур Давлатнинг эпизоотик соғломлиги инобатга олиниб (тасдиқловчи ҳужжат берадилар), 90 кунгача яроқлидир.

8. Ўз маҳсулотларининг импорт килувчи давлатларнинг сертификатлари чегара ветеринария назорат пунктларида ветеринария гувоҳномаларига алмаштирилиши талаб этилади.

9. Туман (шаҳар)нинг Бош Давлат ветеринария инспекторлари Республика бўйсунувидаги вилоят ва шаҳар бош ветеринария инспекторлари

ҳамда чегара ва транспорт ветеринария назора пунктларига ветеринария кузатув ҳужжатларини бериш ҳуқуқига эга бўлган ветеринария мутахассисларининг рўйхатини тақдим этиши зарур.

10.Ветеринария гувоҳномалари ва маълумотномаси ўзбек тилида (тегишли мамлакатнинг давлат тилида), ветеринария сертификатлари эса рус ёки инглиз тилларида (шунингдек, экспортер ёки импортер давлат тиллари ҳам инобатга олинади) сиёҳ, паста билан қўлда ёки “машинка”да чоп этиб тўлдирилади.

11.Ҳаво, сув ва темир йул транспортларида ташилаётган юклар учун бир хил рақамдаги 2 нусха ветеринария гувоҳномаси тўлдирилиб, иккинчи нусханинг юқори ўнг бурчагига “Дубликат” деб ёзиб қўйилади ва бошловчига берилади.

